

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДКАРИМОВА М.

ХАЛҚАРО САВДО

(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)

Т О Ш К Е Н Т – 2009

Мазкур маърузалар матнида халқаро савдонинг назарий асослари, жаҳон бозорига нима асос бўлган, халқаро меҳнат тақсимооти, рақобатдошлик назарияси, халқаро савдонинг географик таркиби, халқаро алоқаларнинг ривожланишида халқаро савдонинг ўрни, халқаро савдони давлат томонидан бошқариш, халқаро ва ташқи савдо сиёсати, халқаро савдони бошқариш институтлари, валюта курсларини халқаро савдога таъсири, тўлов баланси, жаҳон бозорида товар биржалари ва халқаро савдода ташқи савдо операцияларини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилган.

**Такризчилар: и.ф.н., доц Самадов А.Н
и.ф.д., доц Алиева М.**

© Тошкент Ислам Университети

М У Н Д А Р И Ж А

Мавзу	бет
1-мавзу. Халқаро савдонинг назарий ва услубий асослари.....	4
2-мавзу. Халқаро савдо ва жахон хўжалиги.....	24
3-мавзу. Халқаро савдонинг халқаро интеграциядаги роли....	37
4-мавзу. Ташқи ва халқаро савдо сиёсати.....	47
5-мавзу. Халқаро ва ташқи савдони тартибга солиниши.....	62
6-мавзу. Халқаро хизматлар савдоси.....	75
7-мавзу. Валюта сиёсати ва уни халқаро савдога таъсири.....	98
8-мавзу. Халқаро савдода товар биржалари.....	110
9-мавзу. Халқаро савдода эркин иқтисодий зоналар.....	115
10-мавзу. Халқаро савдода ташқи савдо операцияларини ташқил қилиш.....	123
Адабиётлар руйхати.....	129
 Иловалар.....	 131
Адабиётлар шархи.....	132
“Халқаро савдо” фанидан ахборот технологияни қўллаш бўйича тайёрланган материаллар.....	133
“Халқаро савдо” фанидан янги педагогик технологияни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар.....	144

1-мавзу: Халқаро савдонинг назарий ва услубий асослари.

1.1.А.Смитнинг мўтлоқ устунлик назарияси.

1.2.Д.Рикардонинг нисбий ёстунлик назарияси.

1.3.Халқаро савдо бўйича бошқа назариялар.

1.1.А.Смитнинг мутлоқ устунлик назарияси.

Жаҳон бозорига нима асос бўлган? XVIII асрга қадар олимлар бу саволга жавобни табиат инъомларининг турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги билангина боʻлар эди. Мулоҳаза юритиш мантиқи оддий эди: агар бир мамлакатда мармар кони, бошқасида эса олтин кони бўлса, уларнинг қироллари олтин тожда мармар қопланган саройда ўтиришлари учун бу мамлакатлар бир-бири билан савдо қилиб, мармарни олтинга айирбошлаши керак.

Адам Смит билим сари янги қадам ташлаб, “мутлоқ устунлик” тушунчасини киритди. “Мутлоқ устунлик” ҳар қайси мамлакатда шундай товар мавжудки, харажатлар бирлигига ҳисоблаганда у бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ ишлаб чиқариши мумкин бўлган вазиятдир.

Иқтисодий таҳлилда “Халқаро ғавдо” мавзуси ёиқр юритишнинг ўнг қадимги мавзуларидан бири ҳисобланади. Эркин айирбошлаш назариясининг асослари XIX асрдаёқ аююк иқтисодчилар томонидан ўратилган. Ушбу назария иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг халқаро савдо соҳасида юзага келган ёалқаро айирбошлашнинг ривожланишини тушунтирувчи қоидаларга жуда катта таъсир кўрсатди.

А.Смит моделини кўриб чиқаётганда таҳлил учун фойдаланиладиган баъзи шартларни келтириш талаб этилади:

- 1) Дунёда фақат иккита мамлакат мавжуд.
- 2) Мамлакатларда фақат иккита маҳсулот ишлаб чиқарилади.
- 3) Мамлакатлар орасида товарлар савдоси чеклашларсиз амалга оширилади.
- 4) Халқаро савдо мувозанатлаштирилган (импорт экспорт билан тўланади).
- 5) Фақатгина меҳнат товар баҳосига ва унумдорликка таъсир кўрсатади.
- 6) Ишлаб чиқариш омиллари мамлакат орасида кўчиб юрмайди.



1-расм. Халқаро савдо назариялари.

- 7) Меҳнат ва маҳсулотни чиқиши орасидаги нисбат доимий.
 8) Ишлаб чиқариш омиллари тармоқлар орасида мутлақ кўчиб юриши мумкин.
 9) Ҳар икки мамлакатда ва икки тармоқда соф рақобат муҳити явжуд бўлади.
 Энди мутлоқ устунлик моделини кўриб чиқайлик.

1-жадвал

	С товар	Т товар
А мамлакат	3 соат	6 соат
В мамлакат	12 соат	4 соат

1-жадвалда аниқ бир давлатда аниқ бир товар бирлиги ишлаб чиқариш учун керак бўладиган вақт ҳақидаги маълумотлар келтирилади. А мамлакатда бир бирлик С товар ишлаб чиқаришда В мамлакатга нисбатан кам вақт сарфланади, бу дегани А мамлакат бир бирлик С товарни ишлаб

чиқаришда мутлақ устунликка эга. В мамлакат эса, ўз навбатида Т товарни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга. Агар А мамлакат Т товарни ишлаб чиқаришни қисқартирса ва С товарни ишлаб чиқаришни оширс ва В мамлакат аксинча С товарни ишлаб чиқаришни қисқартирса ва Т товарни ишлаб чиқаришни оширс, мутлақ устунлик тамойилига асосан халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро савдо юзага келади.

Агар А мамлакатда Т товарни ишлаб чиқариш 1 донага қисқарса, бу С товарни қўшимча 2 дона ишлаб чиқариш учун фойдаланса бўладиган 6 соатни иқтисод қилишга имкон беради. Бундай ҳолат В мамлакатда ҳам содир бўлади. Бу ҳолатда С товарни ишлаб чиқаришнинг 1 ёнага қисқартирилиши, Т товарни қўшимча 3 дона ишлаб чиқариш учун ишлатса бўладиган 12 соатни иқтисод қилишга имкон беради. Умуман, жаҳонда С товарни ишлаб чиқариш 1 донага, Т товарни ишлаб чиқариш эса 2 донага ошади. Шуниси аҳамиятлики, бу қўшимча ресурслардан фойдаланмасдан туриб, фақат халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ,рдамида амалга ошади.

Айтайлик, Ўзбекистонда энг арзон ишлаб чиқариладиган товар пахтадан тайёрланган куйлаклардир. Украинада эса шакар. Украинада ҳаракатлар бирлиги ёрдамида 50 кг шакар ёки 25 та куйлак ёхуд мазкур миқдор доирасида шакар ва куйлакларнинг ҳар қандай комбинациясини ишлаб мумкин. Ўзбекистонда ҳаражатлар бирлиги ёрдамида 40 кг шакар ёки 100 дона куйлак ёхуд мазкур миқдор доирасида ҳар қандай комбинациядаги маҳсулотни ишлаб чиқарса бўлади.

Маълумот учун материал

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги мунтазам тадқиқотлар меркантилизм даврида (тахминан XVI XVIII асрлар) Европада бошланди ва давлатнинг ташки савдоси қандай бўлиш керак деган мавзудаги умумий фикр юритишдан иборат эди. Бошқа мамлакатларга экспортни купайтиришга ёрдам бериш ва у ердан импортни чеклаш ҳар бир мамлакатнинг манфаатларига мос деб ҳисобланар эди. Шу сабабли меркантилчилар импорт йулига купданкуп чекловлар қуйиш зарурлигини оклар эдилар. Улар импортга солиқ солиш иш жойларини ташкил этиш ва мамлакат ичида даромадининг купайишига олиб борадиган восита деб ҳисоблар эди. Товарларни импорт қилиш эса ёмон, чунки улар учун ҳақ тулаш керак, бу эса агар чет элликлардан сотиб олинган товарлар ва хизматлар уларга сотишга муваффақ; бўлинганидан кура купрок бўлса, металл пуллар (олтин ва кумушнинг четга чиқиб кетишига олиб келиши мумкин деб қарашар эди. Импортдан яна шунинг учун ҳам қурқиш керак эдики, уруш бўлиб қолган тақдирда бу товарлар билан таъминлаш тухтаб қилиши мумкин эди.

XVIII аср охирида меркантилчиларга қарамакарши уларок, янгича ёндошув фритрейдерлик (инглизча free trade эркин савдо сузидан) шаклланди. Бу ёндошув тарафдорлари тула савдо эркинлигига йул қуйиш одамларнинг қандай савдони зарур деб ҳисобласа, шунгисига имкон бериш

айрим давлатнинг ҳам, умуман барча мамлакатларнинг ҳам манфаатларига мос келади деб таъкидлайди.

Савдо бўлмасадир бир мамлакат фақат узи ишлаб чиқарган нарсанигина истеъмол қилиши керак, холос. Бундай шароитда Ўзбекистон билан Украинадаги истеъмолнинг шакар ва қуйлақларнинг ҳар хил комбинацияси билан кўрсатилган энг қўп ҳажмларини қўра қилиб белгиланган эгри чизиклар шаклида кўрсатиш мумкин.

Шу тариқа, назарий жиҳатдан Украина узини 50 кг миқдорида шакар билан таъминлаши ва умуман қуйлақсиз қилиши (S1 нуқтаси) ёки бир кг ҳам шакар ишлаб чиқармаган ҳолда ҳамма имкониятларини фақат қуйлақ ишлаб чиқаришга сарфлаши мумкин (S2 нуқтаси). Яна бир вариант бўлиши мумкин, бунда S0 нуқтасида кўрсатилганидек, 20 кг шакар ва 15 дона қуйлақ ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон 100 дона қуйлақ ва 40 кг шакар ёки бошқачароқ нисбатда, масалан 70 дона қуйлақ ва 12 кг шакар ишлаб чиқариши мумкин.

Ташки иқтисодий алоқалар бўлмаса, Украина ва Ўзбекистон нима ва қанча ишлаб чиқаради? Айтайлик, аҳоли афзал қўладиган нарсалар шундайки, юқоридаги ва пастдаги чизмаларда эгри чизикнинг S1 S2 нуқталарида ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган барча комбинацияларидан S0 нуқтаси танлаб олинади. Яъни Украинада 20 кг шакар ва 15 дона қуйлақ, Ўзбекистонда эса 12 кг шакар ва 70 дона қуйлақ ишлаб чиқарилади.

Савдо бўлмаса, ҳар икки мамлакатдаги нархлар турлича. Агар иккала товар рақобатли бозорга қўйилса, уларнинг нисбий нархлари нисбий ишлаб чиқариш чикимлари билан белгиланади. Украинада қуйлақнинг нархи тахминан икки кг шакар (50:25) билан баҳоланади. Яна шу сабабга қўра, Ўзбекистонда ташки савдо бўлмаганида бир дона қуйлақ 0,4 кг шақарга (40:100) тушади.

Энди бу мамлакатлар уртасида савдо алоқалари ўрнатилди деб тасаввур қилайлик. Қимдир нархлардаги фарққа эътибор беради: Ўзбекистонда қуйлақ арзон бир дона қуйлақ атиги 0,4 кг шақарга сотилади, ҳолбуки Украинада ҳар бир қуйлақ учун икки кг шакар олиш мумкин. Агар транспорт харажатлари қиммат бўлмаса (биз эса улар нолга тенг деб тахмин қиламиз), уша қимдир имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистондан қуйлақларни сотиб олиб, уларни Украинада шақарга сота бошлайди.

Ташки савдо битимлари бутунлай унинг қўлида қоладими ёки унинг мустикал рақобатчилари пайдо бўлиб қоладими, бундан қатъий назар, мушлақо аёнки, ташки савдо оқимининг йуналишлари ишлаб чиқариш чикимлари уртасидаги нисбат билан белгиланаверади. Украинада шакар, Ўзбекистонда эса қуйлақни нисбатан арзон бўлганлигидан, Ўзбекистон қуйлақни экспорт ва шақарни импорт қилади.

Икки мамлакат уртасида савдо ривожланишдан уларнинг аҳолиси нима ютади? Истеъмолнинг тузилиши ўзгаради ва ишлаб чиқарилиши ихтисослаштиришдан иктисодий самара олинishi таъминланади. Энг аввало, истеъмолнинг кўпайишида уз аксини топадиган ташки савдо туфайли эришиладиган ютуқни куриб чиқамиз.

Айтайлик, мамлакатлар уртасидаги савдо натижасида шакар билан куйлакнинг нархи 1 : 1 нисбатда белгиланади, деб фараз килайлик. Агар ишлаб чиқаришнинг тузилиши хатто S0 нуқтада қолган тақдирда ҳам томонлар ана шу шартлар асосида савдо қилса, фойда қолаверади. Экспорт қилинган ҳар бир кг шакар учун биттадан куйлак олиб, Украина аввалги истеъмол даражасидан ошиб кетиш мумкин; бу расмда қалин пунктир қизик билан кўрсатилган. Бу истеъмолни устирадими? Шубҳасиз, устиради, чунки янги нисбат (1 куйлакка 1 кг) эски нисбатдан (1 куйлакка 2 кг) фарқ қилади. Энди жаҳон бозори нархлари буйича улар узларига керак эмас деб ҳисоблаган ҳар бир кг шакар учун биттадан куйлак олиши мумкин. Бу ҳол уларга фойда келтиради. Ўзбекистон ҳам истеъмолда фойда қуради.

Кейинчалик ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш туфайли ҳам ютуқни кўпайтириш мумкин. Энди Украина учун S0 нуқтасидаги қабил ҳар бир ҳаражатлар бирлигига 20 кг шакар ва 15 дона куйлак ишлаб чиқариш шарт эмас. Бундай шароитда у куйлак ишлаб чиқарилган бутунлай воз кечиши керак. Модомики, ресурслардан қишлоқ хужалигида фойдаланиб, аввалги битта куйлак урнига икки кг дан шакар ишлаб чиқариш ва экспорт қилинган ҳар икки кг шакарга иккита куйлак олиш мумкин бўлган бир пайтда, ресурсларни куйлак тикишга сарфлашнинг нима қерағи бор? Украина S1 нуқтасида шакар ишлаб чиқаришга батамом ихтисослашиши ва унинг бир қисмини куйлақларга алмаштириши мумкин; бу эса истеъмолни қизмадаги С нуқтасига ўзгартиради. Худди шунга ухшаб, Ўзбекистон ҳам узи учун арзон тушадиган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва фақат куйлак ишлаб чиқариб (1.1. расмининг пастки қизмасидаги S1 нуқтасида кўрсатилганидек), уларни С нуқтасидаги зарур истеъмол даражасига етиш учун шакарга алмаштириб олиши мумкин.

Ихтисослашиш ва жаҳон нархларида бир кг шакарга бир дона куйлак алмаштириб олиш имқонияти бир вақтнинг узида ҳам Украинага, ҳам Ўзбекистонга ташки савдодан фойда олиш имқонини беради. Иққала мамлакат ҳам ташки савдосиз эришиб бўлмайдиган истеъмол даражасига қутарилиши мумкин. Энди Украина аҳолиси 30 кг шакар ва 20 дона куйлак (10 кг шакар ва 5 дона куйлак қуп), Ўзбекистон аҳолиси эса 80 дона куйлак ва 20 кг шакар (8 кг шакар ва 10 дона куйлак қуп) истеъмол қилиши мумкин. Агар Украина билан Ўзбекистон автарқияни сақлаб, биз келтирган расмдаги йугон қизикда қолаверганда эди, улар ҳеч қачон С нуқтасига ета олмаган бўларди. Ташки савдо бўлмаган шароитда истеъмолга сарфланадиган шакар билан куйлакнинг йул қуйиш мумкин

бўлган ҳар бир комбинациясига (уларнинг купчилиги калин чизик билан белгиланган) жаҳон нарҳини билдирувчи чизикдаги (калин пунктир чизик) нуқта тугри келади. Бу нуқтада ихтисослашув ва ташки савдо туфайли иккала товарни истеъмол қилиш ҳажми ошади.

Шундай қилиб, **мутлак устунлик** - бу халқаро савдонинг афзаллигини тушунтирувчи, ҳар бир мамлакатда шундай товар борки, бунда бир бирлик харажат билан бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ товар ишлаб чиқариши мумкин бўлган таъйиндир.

1.2. Д. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.

Халқаро товар айирбошлаш фойдалилигининг сабабларини тадқиқ қилишда навбатдаги кадамни Рикардо ташлади. У нисбий устунлик қонунини таърифлаб берди.

У ёки бу товарларни ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларда мутлок устунликка эга бўлиш ташки савдонинг кенг тарқалиш сабабларини батамом тушунтириб бера олмайди. Чикимларни таққослаганда мамлакатлардан бирортасида қарийб ҳамма товарларни ишлаб чиқариш самарадорлик жиҳатидан бошқа мамлакатлардагидан ортиқ бўладиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Лекин шундай ҳолда ҳам ташки савдо учун рағбат сакланиб қолаверади, чунки бу самарадорлик даражаси турли товарлар учун бир хил эмас. Нисбий устунлик қонуни мамлакатда барча қучни шу ерда нисбатан кўпроқ самарадорликка эга товарларни ишлаб чиқаришга қаратиш ва уларни экспорт олиб, урнига-урин узи жуда кам устунликка эга бўлган товарларни олиб қилиш фойдалироқ, эканини тасдиқлайди. Шундай қилиб, ташки савдо бир томоннинг ютуғини белгиладиган бошқа томон мажбурияти ифодаладиган "ноль суммали уйин" эмас. Савдо ҳамма учун фойдали бўлиб, унда қатнашиш ҳеч бўлмаганда савдо муносабатлари ўрнатилгунга қадар бўлган аҳволни ёмонлаштирмайди.

Буни қуйидаги рақамли мисол билан кўрсатамиз. Айтайлик, Украинада аввалгидек харажатлар бирлиги ёрдамида 50 кг шакар ёки 25 дона қўйлақ ёхуд мазкур миқдорлар доирасида шакар ва қўйлақларнинг исталган комбинациясини ишлаб чиқариш мумкин бўлсин, шунингдек Ўзбекистонда харажатлар бирлиги ёрдамда 67 кг шакар ёки 100 дона қўйлақ ёхуд мазкур миқдорлар доирасида уларнинг исталган комбинациясини ишлаб чиқариш мумкин бўлсин. Яъни, Ўзбекистон қўйлақларни ҳам, шакарни ҳам Украинага қараганда кўпроқ самарадорлик билан ишлаб чиқарсин. Бу украиналик тадбиркорлар учун Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан савдо қилишнинг маъноси қолмаганлигини аниқлатадими?

Харажатларни тежаш нуқтаи назаридан Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг украиналик ишлаб чиқарувчилардан қанчалик

устунлигини ҳисоблаш керакми? Бу устунлик даражаси ҳар иккала товар бўйича бир хил бўлиши эҳтимолдан йироқ. Бир товар бошқа товарга караганда купрок самара билан ишлаб чиқарилиши аниқ. Демак, ишлаб чиқариш тармоқларидан бири ривожланиш учун ва унинг маҳсулоти эса экспорт учун нисбатан фойдалироқ бўлиб чиқади. Ана шу нисбатан фойдалилик мамлакатлар уртасида товарлар айирбошлашнинг тузилишини белгилаб берадиган асосдир.

Нисбатан устунликдан фойдаланиш натижасида олинадиган ютук ҳақида янада туларок тасаввурга эга бўлишимизга юқоридага мисолнинг чизмаси берилган 1.2 расм ёрдам беради.

Агар ташки савдо олиб борилмаса, Украина узини-узи таъминлашга утиб қолади ва калин чизикдаги нуқталардан бирида, масалан S_0 нуқтасида узини ишлаб чиқарган маҳсулотнигина истеъмол қилишга мажбур бўлади. Ўзбекистон ҳам шу аҳволга тушади.

Савдо алоқалари ўрнатиш мамлакатларнинг имкониятларини кенгайтиради, гарчи Украинага иккала товарни ишлаб чиқариш Ўзбекистондагига караганда, қимматроқ тушса ҳам. Савдо қилиш имконияти тугилиши биланок, қим бўлмасин Украинада битта қуйлакка икки кг шакар сотиб олиш, шакарни Ўзбекистонга жунатиш ва у ерда учта қуйлакка сотиш мумкинлигига (100F672) эътибор беради. Иккала мамлакатда ҳам ҳар бир товарни ишлаб чиқариш қанчага тушушидан қатъий назар, Украинадан шакар чиқиб кета бошлайди ва у Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қуйлакка айирбошланади. Савдонинг ривожланиши тез орада бу мамлакатлардаги нисбий нархларнинг бараварлашувига олиб келади.

Мутлоқ устунлик вазиятида бўлганидек, бу гал ҳам энг қуш миқдорда истеъмолни таъминлаш учун ҳар иккала мамлакат учун битта товарни яъни Украинада шакарни, Ўзбекистонда қуйлақларни ишлаб чиқаришга батамом ихтисослашиш фойдали бўлиб қолади. Жаҳон нархларининг нисбати бир кг шақарга бир дона қуйлақ даражасида қарор топса, ҳар қайси мамлакат истеъмолда C нуқтасига етади, шунда Украина 20 дона қуйлақ эвазига 20 кг шакар экспорт қилади. Ташки савдо туфайли C га ухшаган нуқталарга утиш мумкинлиги натижасида истеъмолнинг узишига эришилади. Ташки савдо бўлмаса, S_0 га ухшаш нуқталарда бундай истеъмол даражасига етишиб бўлмайли.

Нисбий фойда қоидаси ҳар бир мамлакатни мавжуд ресурслардан тошг оқилона фойдаланишга имкон берадиган даражада уз иқтисодиётини ихтисослаштиришга ва бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаш натижасида уз фуқароларининг фаровонлигини энг юқори нуқмага қутариш ундайди.

А.Смитнинг мутлақ устунлик назариясида айирор-бир аавлатнинг ҳамма товарлар бўйича мутлақ устунликка эга бўлган ҳолати кўриб чиқилган эди. Бу ҳолатни эса А.Рикардо ўзаро манфаатли савдонинг ва халқаро ихтисослашувнинг умумийроқ (А.Смитнинг моделини хусусий ҳол сифатида ўз ичига олувчи) тамойилини шакллантирган “Сиёсий иқтисоднинг ва солиққа тортишнинг бошланиши” (1819 йил) асарида кўриб чиқди.

Д.Рикардо халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослигини таъкидлаб, А.Смитнинг тамойилини амал қилмаслиги ўзаро манфаатли савдога тўсқинлик бўла олмаслиги кўрсатиб берилган моделни яратди. Д.Рикардо солиштира устунлик қонунини яратди, яъни давлат ишлаб чиқаришда энг юқори мутлақ устунликка ўга бўлган (агар у ҳар икки товар бўйича мутлақ устунликка эга бўлса) ёки энг кам мутлақ устунликка эга бўлган (агар у бирорта товар бўйича ҳеч қандай устунликка эга бўлмаса) товарлар экспортига ихтисослашиши керак.

Ўш замонасининг кўпчилик иқтисодчилари сингари у ўз концепциясини ривожлантиришни аниқ бир мисол орқали: вино ва жун ҳамда ёкки мамлакат: Англия ва Португалия ўртасидаги савдодан бошлайди.

2-жадвал

	Жун	Вино
Англия	100 ишчи	90 ишчи
Португалия	120 ишчи	80 ишчи

2-жадвалдан кўринадики, Англияда маълум бир (а) миқдорда жун ишлаб чиқариш учун йилига 100 та ишчи меҳнати талаб этилади. Ушбу миқдордаги жунга Англия маълум бир (в) миқдорда португал виносини сотиб олади. Англиянинг ўзи вино ишлаб чиқарганда йилига 120 ишчининг меҳнади талаб этилган бўлар эди. Бундан Англиянинг Португалиядан жун ҳисобига вино сотиб олиши манфаатли эканлиги келиб чиқади. Ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун Португалия мос равишда йилига 90 ва 80 ишчининг меҳнатини сарфлайди. Шунинг учун унга вино ҳисобига жун олиб келиш манфаатли. Д.Рикардонинг фикрича, 100 инглиз ишчисининг меҳнати ва Португалия ишчисининг меҳнатига нозквивалент алмашинуви ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатлар ўртасида ҳаракатининг қийинлиги билан тушунтирилади. Д.Рикардонинг моделига биноан Португалия Англия олдида ҳар икки товар ишлаб чиқариш бўйича мутлақ устунликка эга, аммо Португалия вино ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунликка эга.

Шундай қилиб, **нисбий устунлик** - бу шу ҳақидаги тасдиқки, мамлакат учун у энг катта самарадорликка эришган товарларни ишлаб

чиқаришга ихтисослашиши керак ва уларни мамлакатнинг устунлиги минимал бўлган товарларга айирбошлаган ҳолда экспорт қилиши керак.

1.3. Халқаро савдо буйича бошқа назариялар.

Охирги ўн йилликларда жаҳон савдосида халқаро савдонинг классик назариялари билан тушунтириб бўлмайдиган сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундай вазиятнинг юзага келиши мавжуд назарияларни ривожлантиришни ва шунингдек муқобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга даъват этади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси. 60-йилларнинг ўрталарида америкалик иқтисодчи Р.Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назариясини олға сурди. Ушбу назариясида Р. Вернон тайёр маҳсулотлар жаҳон савдосининг ривожланишини уларнинг ҳаётий босқичлари асосида, яъни маҳсулот бозорда ҳаётга эга ва сотувчининг ўз мақсадларига эришишини таъминлаши вақт даври асосида тушунтиришга ҳаракат қилди.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўртта босқични ўз ичига олади, яъни тадбиқ этиш, ўсиш, етуклик ва пасайиш.

Биринчи босқичда мамлакат ичида юзага келган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш юз беради. Шунинг учун ушбу босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кам серияли характерга эга бўлади, юқори малакали мутахассисларни талаб этади ҳамда янглик кашф этилган мамлакатда концентрацияланади. Ишлаб чиқарувчи эса деярли монопол мавқега эга бўлади ва маҳсулотнинг кичик қисмигина ташқи бозорга чиқарилади.

Етуклик даврида кўп серияли ишлаб чиқариш олдинги ўринга чиқади. Рақобат курашида эса нарх омили бирламчи аҳамият касб эта бошлайди. Ушбу босқичда бозорларнинг кенгайиб бориши ва технологиянинг тарқалиши натижасида янглик кашф этилган мамлакат рақобат устунлигига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди. Стандартлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида арзон ишчи кучидан самарали фойдаланиш мумкин.

Маҳсулот ҳаётийлик даври пасайиш босқичига ўтиши муносабати билан унга бўлган талаб қисқаради. Бу ҳолат айниқса ривожланган мамлакатларда кузатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш асосан ривожланаётган мамлакатларда тўпланади. Маҳсулот яратилган мамлакат эса соф импортёрга айланади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси кўпчилик тармоқлар эволюциясини ифодалаб беради, аммо ушбу назария халқаро савдо ривожини тенденцияларининг универсал таърифи ҳисобланмайди.

Миқъёс таъсири назарияси. 80-йилларнинг бошларида П. Крюгман, К. Ланкастер ва айрим бошқа иқтисодчилар классик назарияга муқобил

равишда, миқъёс таъсирига асосланган халқаро савдо назариясини таклиф этдилар. “Микроиктисодиёт” курсидан яхши маълум бўлган миқъёс таъсири тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, аниқ бир яратилган технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот чиқариш хажми ўсган сари узоқ муддатли ўртача харажатлар қисқаради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисоди қилиш ҳолати юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг нуқтаи назарига кўра кўпгина мамлакатлар (хусусан саноати ривожланган) асосий ишлаб чиқариш омиллари билан бир бирига яқин бўлган нисбатда таъминланганлар. Ушбу шароитда улар учун миқъёс таъсирига эга тармоқларга ихтисослашган ҳолда ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш манфаатли ҳисобланади. Бундай ихтисослашиш ишлаб чиқариш хажмининг ошишига, маҳсулотни энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришга ва натижада унинг нархи паст бўлишига имкон беради. Оммавий ишлаб чиқариш таъсири амалга ошиши учун етарли даражада кенг бозор талаб этилади. Халқаро савдо эса бунда хал қилувчи ролни ўйнайди. Чунки у маҳсулот сотилувчи бозорларни кенгайтишига имкон яратади. Бошқа сўзлар билан айтганда, халқаро савдо ягона интеграциялашган бозорни вужудга келтиради ва бу эса ўз навбатида алоҳида олинган мамлакат бозоридан кўра истеъмолчиларга кўпроқ миқдордаги маҳсулотни арзонроқ нархда таклиф қилиш имкониятини ту билан диради.

Бироқ шулар билан бир қаторда миқъёс таъсирининг амалга оширилиши соф рақобат муҳитининг бузулишига олиб келиши мумкин. Чунки у ишлаб чиқаришнинг концентратциялашуви, фирмаларнинг йириклашуви, уларнинг монополга айланиши болиқ **Майкл Портернинг** рақобат устунлиги назарияси. 1991 йилда америкалик иқтисодчи Майкл Портер ўзининг “Мамлакатларнинг рақобат устунликлари” деб номланган дақиқотини нашр қилди. Ушбу тадқиқотда халқаро савдо муаммоларига умуман янгича ёндашув ишлаб чиқилган. Ўу ёндашувнинг ғартларидан бири: “Халқаро бозорда мамлакатлар эмас, фирмалар рақобатлашади. Бу жараёнда мамлакатнинг ўрнини аниқлаб олиш учун фирма рақобат устунлигини қандай яратиши ва уни қандай ғшлаб туришини тушуниш талаб этилади” деган тезисдир. Ташқи бозордаги муваффақият тўри танланган рақобат стратегиясига болиқ бўлади.

Рақобат устунлиги стратегияси. М. Портернинг фикрича, дақобатнинг асосий бирлиги - бу тармоқдир, яъни товар ишлаб чиқарувчи, ки хизмат кўрсатувчи ва ўзаро рақобат қилувчи рақобатчиёар гуруҳи ҳисобланади. Тармоқда фирма учун дақобат стратегиясини танлашда икки муҳим омил таъсир этади:

1. Фирма фаолият юритаётган тармоқ тузилмаси, яъни рақобатнинг ўзига хосликлари. Тармоқдаги рақобатга бешта имил таъсир қилади:

- янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши;
- ўдинбосар товар ва хизматларнинг пайдо бўлиши;
- етказиб берувчиларнинг савдолашиш қобилияти;

- хариддорларнинг савдолашиш қобилияти;
- мавжуд бўлган рақобатчиларнинг ўзаро рақобати.

Бу беш ёмил тармоқнинг даромадлилигини белгилайди. Чунки, у баҳога, харажатга, капитал қуйилмаларга ва бошқаларга таъсир қилади.

2. Фирманинг тармоқда тутган ўрни. Ёирманинг ёармоқдаги ўрни, аввало, ёақобат устунлиги билан аниқланади. Агар фирма барқарор рақобат устунлигига эга бўлса, у ўс рақибларини ортда қолдиради:

-Фирманинг рақобатчиларига нисбатан кам харажатлар билан товарларни ишлаб чиқара олиш ёа сота олиш қёбилияти ҳақида далолат берувчи, жуда паст харажатлар;

-Товарлар дифференцияцияси, яъни фирманинг ёстеъмолчи эҳёиёжини қондира олиш қёбилияти.

Фирманинг ёармоқда тутган ўёнига таъсир қилувчи бошқа бир ёухим омил - бу фирманинг ўз тармоёи доирасида мўлжалга олувчи ёақобат муҳити, ки фирма ёақсадининг кенглиги ҳисобланади. Фирма ўзи учун неча ёурдаги товарларни ёиқаришини, қандай ёотиш каналларидан фойдаланишини, қандай ёаридорларга хизмат кўрсатишини, ёунёнинг қайси жойларида ўз маҳсулотини сотишини ёа қайси миллий тармоқларда рақобатлашишини ҳал қилиб олиши ёерак.

Халқаро рақобатнинг хусусиятлари. Рақобат ва рақобат стратегияси ҳақида юқорида таъкидланганларнинг барчаси ёчки бозор билан бир қаторда ёашқи бозорга ҳам ёааллуқлидир. Лекин шё билан бирга халқаро рақобат баъзи бир ўзига хос ёусусиятларга ҳам ўга.

М. Портер мавжуд ёақобатнинг ўзига хослигига кўра ёкки турдаги ёармоқларни ажратади:

1) Кўёмиллий тармоқлар. Ушбу ёармоқлар учун алоҳида мамлакатларда рақобатнинг турлича кечиши хосдир. Бундай тармоқларда ягона стратегияни қўллаш мумкин эмас. Мисол учун, жам\арма банклари.

2) Глобал тармоқлар. Ушбу тармоқлар дунё бўйича ягона рақобат майдонига эга бўладилар. Айнан шундай тармоқларда оддий рақобат усутунлигини эмас, балки глобал рақобат усутунлигини яратиш керак бўлади.

М. Портер глобал стратегия шароитида ёақобат устунлигига эришишнинг ёа ундан ёойдаланишнинг ёкки усулини ажратади:

1) фаолиятни тартибга солиш (конфигурация), ўъни ўзига хос ёусусиятларидан фойдаланиш мақсадида ёурли мамлакатларда фаолиятнинг ёурли кўринишларини жойлаштириш.

Фаолият турларини давлат қуйидаги мезонлардан келиб чиқиб ёойлаштиради:

- омилларнинг минимал қиймати;
- ИТТКИ ни ўтказиш учун зарур ёароёларнинг мавжудлиги;
- маҳсус ёўйикмаларнинг мавжудлиги;

-мèжозлар билан муносабатларнинг ривожланганлик даражаси аа бошқалар.


2) филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш. Ау ўз ичига

-маълумот алмашинувини;

-жавобгарликни тақсимлашни;

-хатти-ҳаракатларни келишишни олади.

Рақобат устунлигининг ётерминантлари. Ҳар бир тармоқ доимо янгиланиб ва замонавийлаштириб кўрилади. Бу жараёни рабатлантиришда асосланувчи мамлакат муҳим ўрин тутди. Асосланувчи мамлакат бу асосий маҳсулот ва технология стратегияси ишлаб чиқариладиган ва керакли тажрибага эга бўлган ишчи кучи мавжуд мамлакатдир. М.Портер мамлакатнинг атроф-муҳитни шакллантирувчи тўрт бўсусятни кўрсатди, бунда халқаро муваффақиятга таъсир қиладиган маҳаллий фирмалар рақобатлашади.




2-расм. Мамлакатнинг рақобат устунлиги детерминантлари.

Омилларнинг ёараметрлари. Ҳар бир мамлакат у ёки бу ёаражада ишлаб чиқариш омилларига эга бўлади (Хекшер-Олин модели). Ёмиллар аввалдан мавжуд бўлиши, шунингдек инсон фаолияти натижасида ўратилиши мумкин. Шунинг учун ёақобат устунлигига эришиш ва уни ёивожлантириш учун ёафақат мавжуд ёмиллар захираси, балки унинг ўратилиши тезлиги ҳам муҳимдир. Бундан ташқари омилларнинг ортиқчалиги рақобат устунлигини ёўқотилишига олиб келиши, уларнинг етишмаслиги эса, аксинча, янгиланишни юзага келтириши ва бу билан узок муддатли рақобат устунлигига олиб келиши мумкин. Шундай бўлсада **омиллар билан таъминланганлик** ўта муҳим аҳамият касб этади ва

шунинг учун ҳам у **биринчи параметрдир** (иёсон ресурслари, моддий ёсурслар, билим ёсурси, молиявий ёсурслар, инфратузилма). Омилар турли тармоқларда турли миқдорларда қўланилади. Фирмалар ўз ихтиёрларида ўз тармоқларидаги рақобат курашида зарур бўладиган арзон ва юқори сифатли омиларга эга бўлсаларгина рақобат устунлигига эришади.

Иккинчи параметр бу - омилар иерархиясидир. Омилар **асосий** (табiiй ресурслари, иқлимий шароитлар, географик жойлашув, малакаси ишчи кучи ва ҳ.к.) ёа **ривожланган** (замонавий инфратузилма, малакали ишчи кучи ва ҳ.к.), **умумий** (барча тармоқларда қўллаш мумкин бўлган) ва **ихтисослашган** (айнан ёхтисослашган омилар рақобат устунлиги учун кўринарли ва узок муддатли асос бўлади) омиларга ажратилади.



3-расм. Омилар иерархияси.

Омиларни ўратиш - учинчи параметр. Омилар, улар табiiй юзага келганликлари ва сунъий равишда яратилганликлари билан фарқланади. Юқори даражадаги рақобат устунлигига эришишга кўмак берувчи барча омилар сунъий омилардир. Мамлакатлар, улар зарур омиларни энг мақбўл тарзда ярата оладиган ва мукаммалаштирадиган тармоқлардагина муваффақиятга эришади.

Талаб параметрлари. Ички бозордаги талаб миқёс таъсири воситасида янгиликларнинг тадбиқ этилишининг характери ва тезлигини белгилайди. Оалаб қуйидагилар билан тавсифланади:

- тоъилиши билан;
- ўйиш характери ёа ҳажми билан;
- байналминаллашув билан.

Талаб қуйидаги асосий хусусиятларга эга бўлган тақдирдагина, фермалар рақобат устунлигига эришиши мумкин бўлади:

- ички талабнинг ёатта улуши бозорнинг ёлобал сегментларига тўри келса;
- харидорларнинг ёқори талаблари ёирмаларни яна ҳам сифатли ёахсулот тайёрлашга, ёизматларне кўрсатишга ҳамда ёоварнинг ёестёмол хусусиятларини оширишга мажбур қилса;

- маҳсулот яратилган мамлакатда талаб аошқа мамлакатёарга нисбатан эрта юзага келса.

Яқин ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар. Миллий рақобат устунлигини аниқловчи учинчи детерминант – бу мамлакатда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган етказиб берувчи ёки аралаш тармоқларнинг мавжудлигидир. Рақобатбардош етказиб берувчи тармоқлар мавжуд бўлганда:

- қимматбаҳо ресурсларга самарали ва тез етишиш;
- ички бозорда етказиб берувчиларни мувофиқлаштириш;
- яғилик киритиш жараёнига ёрдам кўрсатиш мумкин бўлади.

Миллий фирмалар, уларнинг мол етказиб берувчилари жаҳон бозорида рақобатбардош бўлсалар, кўпроқ фойда оладилар.

Фирмалар стратегияси, тузилмаси ва рақобати. Фирмалар ички бозордаги рақобат хусусиятига қараб тузилади, ташкил этилади, ҳамда аошқарилади ва аунда турли стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Бўларнинг барчаси фирманинг рақобат устунлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Хўдисанинг ўрни. Хўдиса - бу шундай ҳолатки, о мамлакатдаги ривожланиш шароитлари билан болиқ бўлмайди ва унга фирмалар ҳам, миллий ҳокуматлар ҳам таъсир кўрсата олмайдилар. М. Портернинг фикрича, оларға:

- саёлов;
- йёрик технологик ютуқлар;
- расурслар нархиинг кескин ўсгариши;
- жаҳин молия бозорларидаги ,ки алмашув курсларининг ёезиларли ўзгариши;

- жаҳин ёки маҳаллий талабнинг кескин ёшиши;

- чат давлатлар ҳокуматларининг сиёсий қарорлари;
- удушлар киритилади. Ушбу ходисалар рақобатлашаётган фирмаларнинг тутган ўринларига таъсир этгани учун муҳим аҳамият касб этадилар.

Ҳукуматнинг ўрни. Ҳукуматнинг миллий устунликни яратишдаги роли шундан иборатки, у “ромб” нинг барча тўртта детерминантига ўз таъсирини кўрсатади.

XX асрнинг биринчи чорагида Рикардонинг "нисбий чикимлар" назариясида ўзгаришлар юз бериб, у Д.Хекшер Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати янги классик моделига айланди. Рикардонинг назарияси фақат хар бир мамлакат ишлаб чиқариш чикимлари бошка мамлакатлардагига караганда камрок бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши кераклигига асосланар эди. Швед ихсодчилари Э.Хекшер билан Б.Олин фақат чикимлар даражасинигина эмас, балки уларнинг тузилишини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини асослаб берди. Чунки, ишлаб чиқаришнинг хусусиятига борлик холда капитал, материал, энергия ва

мехнат сарфлари ҳам ҳар хил бўлади. Ишлаб чиқаришнинг сермехнат турлари арзон ишчи кучи ортикча бўлган мамлакатларда, энергияни куп талаб киладиган ишлаб чиқаришлар эса энергия ресурсларига бой мамлакатларда жойлаштирилиши керак ва хоказолар. Хекшер-Олининг (бундан кейин ХО назарияси) халқаро савдо модели Рикардонинг "нисбий чикимлар" назариясини инкор этмайди, балки уни янада мукамаллаштиради ва аниқлаштиради.

Ортикча ишлаб чиқариш омиллари ва улардан унумли фойдаланиш деганда нима тушунилишини куриб чиқамиз.

Агар мамлакатдаги ишчи кучи миқдори билан бошқа омиллар уртасидаги нисбат бошқа мамлакатларидагига караганда юкори бўлса, бундай мамлакат ортикча ишчи кучига эга деб ҳисобланади.

Агар маҳсулотнинг кийматида ишчи кучига килинган харажатлар улуши бошқа маҳсулотларнинг кийматидагига караганда ортик бўлса бу маҳсулот сермехнат маҳсулот деб баҳоланади. Халқаро савдонинг тузилишни тушунтириб берадиган ХО назарияси савдо алокалари ўрнатилгунга қадар нархлардаги халқаро фарқларнинг сабабларига бағишланган маҳсус бўлимдан бошланади. Нима сабабдан биз куриб чиккан мисолда савдо алокалари ўрнатилгунча Украинада куйлаклар киммату (бир дона куйлакка 2 кг шакар), Ўзбекистонда эса бу қадар арзон (битта куйлакка 2Ғ3 кг шакар) бўлган?

Нисбий чикимлар фарқланишининг ишлаб чиқариш омилларининг узаро нисбатидир. Модомики Украинада куйлак 2 кг шакарга тушар экан, бу ҳол биринчи навбатда шу билан изоҳланиши керакки, демак Украинада шакар ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиладиган омиллар Ўзбекистондагига нисбатан куп ва куйлак ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиладиганга нисбатан кам. Айтайлик, "ер" шакар ишлаб чиқаришда унумлироқ фойдаланиладиган омил, "мехнат" эса куйлак ишлаб чиқариш учун унумлироқ фойдаланиладиган омил. Шунингдек, ҳамма чикимларни ер ва мехнат сарфдан иборат килиб куриш мумкин деб тахмин килайлик (масалан, шакар учун зарур угитларни ишлаб чиқаришга, худди шунингдек газлама ишлаб чиқаришга ҳам маълум миқдорда ер ва мехнат сарфлаш керак). Шунда агар Украина шакар экспорт килиб, куйлаклар импорт килса, ХО назариясига кура, бу ҳол Украинада ишлов беришга яроқли ер купроқ бўлиб, мехнат таклифи муайян даражада такчиллиги туфайли юз беради.

Бунда вазиятда (бошқа шартлари тенг бўлганида) Украинада ерни ижарага олиш Ўзбекистондагига караганда арзонроқ тушиши, туқимачилик саноати ходимлари эса Ўзбекистондагига караганда бирмунча юкорироқ иш хаки талаб килиши керак бўлади. Ернинг арзонлиги дехкончиликдаги чикимларни куйлак ишлаб чиқаришдагига караганда купроқ камайтиради. Аксинча, ишчи кучининг такчиллиги Украинада куйлакларни нисбатан кимматлаштиради. ХО назариясига кура

худди шу нарса савдо алокалари ўрнатилгунига қадар мавжуд бўлган нархлар уртасидаги фаркни тушинтириб берада. Ана шу Назарияга мувофиқ ишлаб чиқариш омиллари билан нисбатан таъминланишдаги ҳамда улардан фойдаланиш тавсифидаги фарклар савдо алокалари урнашганидан кейин Украинадан куйлак эмас, балки шакар экспорт қилинишига (ва шакар эмас, балки куйлаклар импорт қилинишига) сабаб бўлади.

Бирок, орадан бир мунча вақт ўтгач, америкалик иқтисодчи В.Леонтьев мантикка тугри келмайдиган галати ходисаларни аниқлади.

"Леонтьев парадокси" шундан иборат эдики, ишчи кучи энг қиммат турадиган АҚШ гоёт сермехнат маҳсулотни экспорт қилишга эҳтисослашган. Бу парадокс Хекшер-Олин модели ишлаб чиқаришнинг қуп илм талаб қилиши қаби омилни ҳисобга олмаганлиги натижасида келиб чиққан эдики, фан-техника революцияси шароитида бундан қуз юмиш мутлақо мумкин эмас. Хекшер-Олин модели халқаро савдонинг янги неоклассик назарияси "янги маҳсулотнинг хаёт цикли" билан тулдирилди.

Маълумот үчүн материал

Олтита етакчи мамлакат ташки савдосининг тузилиши ХО назарияси адолатли эканлигининг яққол тасдиғидир. Япония табиий ресурслар жихатидан унумли бўлган "бирламчи хом ашё" (қишлоқ, хужалиғи маҳсулотини, балиқ маҳсулотини, урмон ва қайта ишлаш саноати маҳсулотини) импорт қилишга анча борлиқ қунки унинг узи бўларни мамлакатдаги мавжуд юқори турмуш даражасига мос келадиган қатта талабни қондириш үчун етарли миқдорда етиштира олмайди. Ташки савдосиз Япония анча қамбағал мамлакатлар қаторида қолган бўларди. Бу импортнинг хақини тулашда Японияга техникага доир жуда қуп маҳсулотни экспорт қилишдаги алоҳида устунлиқ ёрдам бермокда, ХО назарияси Япониянинг илмий ходимлар билан ортиқча даражада таъминланганлиғига асосланиб, ана шундай башорат қилган бўларди. Бир вақтлар қенг тарқалган, ҳозир эса унутилиб қетган фикрга қарама-қарши уларок, Япония меҳнатталаб саноат товарларини ишлаб чиқаришда нисбатан устунлиққа эга эмас.

Ҳозир, турмуш даражаси ва иш хақи ставкалари буйича Япония Шимолий Америкага яқинлашиб борган сари барча меҳнатталаб ишлаб чиқаришлардан нисбий устунлиқлар қолдиқларини тез суръатлар билан қулдан бермокда.

АҚШ муайян малақадаги ишчи кучи ва айрим табиий ресурслар билан таъминланишга асосланган нисбий устунлиққа эга. Техникавий илғор маҳсулотни экспорт қилишдаги мусбат сальдо мамлакатнинг илмий ва тегишли ишлаб чиқариш ходимлари билан таъминланишда нисбий ортиқчалиққа эга эканлиғини ақс эттиради. Ҳизматларни экспорт қуйишдаги нисбий устунлиқ қисман уша малақали меҳнат билан

таъминланганликни ва бундан ташкари, капиталнинг олдиндан жамгарилишини акс эттиради. АКШ қарз капитал ва бошқа молиявий хизматларни (1985 йилга қадар), бошқарув хизматлари ва маркетинг, патент лицензиялари соҳасидаги хизматларнинг соф экспортчисидир.

Бу хизматлар қисман техника талаб, қисман капитал талаб хизматлардир. Нихоят, кишлоқ хужалик экинзорлари нисбатан ортиқча бўлганлиги туфайли АКШ муътадил иқлим минтақаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришда нисбий устунликни сақлаб келмоқда, бироқ уларнинг экспортини бошқа ҳам ашёни (айниқса нефтни, қўлаб минерал ҳам ашёни, тропик экинларни) жуда қўлаб соф импорт қилиш қўлаб кетмоқда.

Бошқа мамлакатларда нисбий устунликлар бу қадар яққол қўзга ташланмайди. Ғарбий Европа мамлакатлари Японияникига ухшаш нисбий устунликларга эга, лекин бу ерда экспорт билан импорتنинг нисбати анча мувозанатлашгандир. Канада қўпроқ ҳам ашё товарлари экспорт қилиб, унинг урнига хизматлар ва техника талаб саноат товарларини олади. Хатто унинг "стандарт" саноат товарларида қўриниб турган нисбий устунлиги ҳам нефть қимёси, металлургия, ёғочсозлик ва целлюлоза-қўғоз саноатининг энергия талаб ва материал талаб маҳсулотини экспорт қилиш билан изоҳланади.

Хуллас, умуман олганда, 1979-1980 йиллар ва шундан кейинги йиллар ташқи савдосининг тузилиши ХО назариясининг хулосаларига тамомила мос келади.

Ушбу назариянинг муаллифлари М.Познер, Г.Хуфбауэр ва Р.Вернон ишчи қўчи нисбатан қиммат турадиган мамлакатларда илгўр геҳнологияга асосланган меҳнатталаб маҳсулот ишлаб чиқариш барибир даромадли бўлади, деган хулосага қилишди. Масалан, меҳнатталаб синтетик газламаларни дастлаб фақат илмий-геҳникавий салоҳияти юқори бўлган мамлакатлардагина ишлаб чиқариш мумкин эди. Сўнгра, бу геҳнологияни узлаштирилиши ва қенг ёйилиши туфайли синтетик газламаларни ишлаб чиқариш ишчи қўчи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга ҳам қўча бошлади. Бўнинг натижасида Ғарб илмий-геҳникавий омил туфайли узи эга бўлган нисбий устунликни қўллаб бошлади.

Шўндай қилиб, "маҳсулотнинг ҳаёт қикли" назарияси фақат фантеҳника тараккиётинигина ҳисобга олиб қолмасдан, балки халқаро ихтисослашув ва кооперациянинг динамизми туфайли ишлаб чиқариш қикимларидаги тарқибий қисмлар нисбатининг доимий ўзгариб туриш меҳанизмини ҳам тушўнтриб беради. У ёки бу мамлакатга мана бўндай товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш фойдали, деб айтишнинг узи қифоя қилмайди. "Қаерда" лигинигина эмас, балки яна "қачон" лигини ҳам билиш шарт. Телевизорлар ишлаб чиқариш аввалига фақат ривожланган мамлакатлардагина мумкин эди, ҳозир эса уларни ва видеомагнитофонларни қикариш ривожланаётган мамлакатлар учўн

фойдали бўлиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, "махсулотнинг ҳаёт цикли" вазариясида Рикардонинг фақат макондаги эмас, балки вақт жихатидан ҳам халқаро ихтисослашув шароитда "нисбий чиқимлар" қондаси ривожлантирилди.

Мамлакатларнинг турли товарларни иқтисодий самарадорлик билан ишлаб чиқаришга қодирлиги вақт утиши билан ўзгариши мумкинлиги ва чиндан ҳам ўзгараётганлиги халқаро савдодаги бу жараёнларни тушуниш учун жуда катта аҳамиятга эга. Ресурс ва технологиянинг тақсимланишидаги силжишлар турли мамлакатларда товарлар ишлаб чиқаришнинг нисбий самарадорлигида силжишларга олиб келиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистонда 1991 йилдан бери утган даврда чет эл капитали жалб қилинган ҳолда сифат жихатидан жаҳон даражасида махсулотни рақобат нархларда ишлаб чиқаришга қодир бўлган бир қанча саноат қорхоналари барпо этилди. Мустақилликка эришгунга қадар асосан қишлоқ ҳужалиқ товарлари ва ҳам ашё экспорт этиб келган республика ҳозир тобора қупроқ миқдорда қайта ишлаш саноати буюмларини экспорт қилишга утмоқдаки, бу ҳол ишлаб чиқариш омиллари нисбий қийматининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Масалан, Асака шаҳрида қуввати йилига 200 минг автомобиль ишлаб чиқаришга етадиган автомобилсозлик мажмуасининг қуриб ишга туширилиши экспорт тузилишида фақат уларнинг пайдо бўлишидагина олиб келмайди. Мажмуанинг ишлаб туриши юзлаб янги юқори технологияга асосланган қорхоналарнинг ривожланишига шароит яратади, бу ҳол ишлаб чиқариш ресурсларининг тузилишни ҳамма уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини тубдан ўзгартириб юборади. Миллий иқтисодиёт эволюция қилиб борган сари ишчи қучининг миқдори ва сифати, капиталнинг ҳажми ва таркиби ҳам ўзгариб боради, янги технологиялар вуҷудга келди. Ҳатто ер ва табиий ресурсларнинг қулаи ва сифатларида ҳам ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бу ўзгаришлар юз бериб борган сари Ўзбекистоннинг турли товарларни ишлаб чиқаришдаги нисбий самарадорлик ҳам ўзгариб боради.

Халқаро савдо фойдали эканлигининг сабабларини тушунтириб берадиган назариялар дунеда битта ҳам мамлакат йукки, у уз бойлигидан ва мавжуд нисбий устунликдан фойдаланиб жаҳон бозоридан узига муносиб жой топа олади, деган ҳулоса чиқаришга имкон беради.

Масалан, ҳозир жаҳонда гулчилик гурқираб ривожланиб, жуда сердаромад тармоққа айланди: жаҳон бозорида гул сотишнинг йиллик ҳажми 20 млрд. АКШ долларига етди. Қудратли саноат тармоқларини ривожлантиришга қучи етмайдиган, аммо иқлими яхши ёки қишлоқ ҳужалигида юксак маданиятга эришган қичик мамлакатлар ҳам жаҳон гуллар бозорида қатнашиб, жуда катта даромад олмоқда. Чунончи, Колумбия 70йиллар бошидан гул етиштириш билан шугуллана бошлади, 90йилларнинг урталаридан эса бу ерда ҳар йили сотиш учун 130 минг тонна гул, яъни бу соҳадаги АКШ импортнинг 90 фоизи миқдорида

тайёрланмокда. Дунёнинг етакчи гулчилари голландлар биргина Германияга хар йили 200 минг тонна гул сотади, Исроил эса дунёдаги гул етиштирувчи учинчи мамлакат бўлиб, хар йили Европага гул сотишдан 150 млн. АКШ доллари ишлайди.

Бошқача килиб айтганда, жахон савдосининг хар бир катнашчиси уз иктисодиётини ихтисослаштириб, жахон бозорига чиқишдан олдинги вақтдагига караганда яхшироқ яшаш имконига эга бўлади.

Мухокама учун саволлар

1. Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирок қилишдан оладиган фойдасини тушунтиринг?
2. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган қандай товарлар жахон бозорида рақобат қила олади? Жавобингизни Хекшер-Олин назариясидан фойдаланган ҳолда исботланг.
3. Ишлаб чиқарадиган товарларининг ҳеч қайси буйича мутлақ устунликка эга бўлмаган мамлакатда ташқи савдони ривожлантириб бўладими?

Адабиётлар

- 1.Фомичев И.С. Международная торговля.,М.2001г.
- 2.Портер М. Международная конкуренция.
М.:Международ.отношения,2000.
- 3.Линдерт П. Экономика мирохозяйственных связей.-М.: Прогресс,2001.

2-мавзу. Халқаро савдо ва жаҳон ҳужалиги.

2.1.Халқаро меҳнат тақсимо­ти – халқаро савдонинг иқтисодий асоси сифатида.

2.2.Жаҳон ҳужалиги тизими.

2.3.Халқаро савдонинг жу­грофий тақсимланиши.

2.1. Халқаро меҳнат тақсимо­ти.

Турли ҳужаликларнинг байналминаллашувини узида акс эттирувчи халқаро меҳнат тақсимо­ти алоҳида олинадиган мамлакатлар ичидаги умумий меҳнат тақсимо­тининг доимий равишдаги давомийлик шакли бўлиб ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимо­тининг мантиқан ва тарихан шаклланиб келган уч асосий тури мавжуддир: умумий, хусусий ва ягона.

Умумий дейилганда халқаро меҳнат тақсимо­тининг ишлаб чиқариш кула­ми нуқтаи-назаридан тушунилиши назарда тутилади (казиб олиш ва қайта ишлаш саноати, кишлоқ ҳужалиги, транспорт ва бошқалар), **хусусий** дейилганда эса халқаро меҳнат тақсимо­тининг йирик тармоқлар ва тармоқ ша­хобчалари ичидаги ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тушунилиши ҳисобга оли­нади, **ягона** дейилганда эса, халқаро меҳнат тақсимо­тининг тармоқлар ичидаги фао­лиятлар тури бўйича тушунилиши кузда тутилади.

Халқаро меҳнат тақсимо­ти – хусусий бўлиниш (ихтисослашув) ва бирлашув (кооперация) сингари икки жараённинг биргаликда мавжуд бўлиши ҳисобида со­дир бўлади.

Ихтисослашув икки йуналиш бўйича ривожланади: ишлаб чиқариш ва ҳудудий нуқтаи назардан уни ишлаб чиқариш ихтисослашувини даражасига муво­фик ***тармоқлараро, тармоқлар ичидаги ва алоҳида компанияларнинг ихтисослашувига*** ажратилади.

Ҳудудий ихтисослашув алоҳида мамлакатлар, мамлакат гуруҳлари ва минтакалар бўйича амалга оширилади.

Ихтисослашувнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Буюм­ли, яъни алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув;

Деталли, яъни алоҳида қисмлар ёки маҳсулотлар бўлақларини ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув;

Технологик, ёки мухлатли, яъни алоҳида операцияларни амалга ошириш ёки алоҳида техно­логик жараёнларни бажаришдаги ихтисослашув, масалан йигиш, бирлаштириш ва х.к.

Кооперация – бу фао­лиятлар бирлашувининг мураккаб жараёнидир. У турли қу­ринишларга ажратилади:

Шакли бўйича (иқтисодий кооперация, саноат ҳамкорлиги ва б.);

Мухлати буйича (ишлаб чиқаришдан олдинги, ишлаб чиқариш давридаги, тижорат давридаги);

Объектлар ва субъектлар сони буйича ва х.к.

Юкорида зикр этилган фикрлардан келиб чиккан холда, халқаро меҳнат таксимотини, малакатлар заро айрибош қиладиган маълум қринишдаги товарларни ишлаб чиқаришга бўлган алоҳида мамлакатларнинг ихтисослашуви асосидаги, ҳудудий меҳнат таксимотининг юкори даражаси сифатида таъкидлаш лозимдир.

Тарихий ривожланишнинг у ёки бу давридаги тараққиёт ҳолатини узида акс эттирувчи халқаро меҳнат таксимоти тизими, шу пайтга қадар улкан тадрижий ривожланиш йулини босиб ўтди. Натурал ҳужалги даврида паст даражада ривож топган товар-пул муносабатлари халқаро меҳнат таксимотининг қандайдир элементлари сифатидагина мавжуд бўлган эди, бу эса айрим маҳсулот турлари бўйича ўзаро товар айрибошлаш муносабатлари чекланган дунё мамлакатлари табиий шарт-шароитларининг тубдан фарқ қилиниши билан изоҳланади.

Халқаро меҳнат таксимоти жараёни, XIX асрнинг рталаридан эътиборан, нисбатан тараққий этган мамлакатларнинг машиналашган ишлаб чиқариш даврига ўтиши муносабати билан айниқса юкори даражада ривожлана бошлади. Бунинг оқибатида эса, миллий бозорлардан ўзининг бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилиб турувчи жаҳон бозори шаклланди. Мазкур хусусиятлар сарасига қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

- Жаҳон бозорининг тараққий этишига ташки савдо ва халқаро савдо сиёсати ўзининг катта таъсирини қўрсата олади.
- Миллий ҳужаликлар ўртасида товарлар алмашинуви ҳаракати чекланган бўлади. Дунё мамлакатларида ишлаб чиқариладиган товарларнинг барчаси ҳам жаҳон бозорида бевосита айрибош қилинмайди.
- Жаҳон бозорида шундай баҳолар тизими амал қиладиги, у ўз маъносига қура жаҳон баҳолари деб юритилади.

Жаҳон бозорларининг ривожланиши, охир оқибатда замонавий жаҳон ҳужалиги тизимининг шаклланишига олиб келди. Агар мазкур категорияни техник-иқтисодий жиҳатдан талқин этадиган бўлсак, у ҳолда буни шундай изоҳлаш мумкинки, жаҳон ҳужалигининг бутунлай, шунингдек, қисман ривожланиши, у ёки бу миллий ҳужаликнинг қайси даражада ривожланганлигидан ва замонавий ишлаб чиқаришнинг моддий асосини машиналашган ишлаб чиқариш ташкил этганлигидан қатъи назар, умум қабўл қилинган маълум бир қонун-қоидалар асосида амалга ошади. Бироқ, бу фикр ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқариш жараёнида машина-техникалардан ўнумли фойдаланилади, деган маънони аңглатавермайди. Шунингдек, агар ишлаб чиқариш жараёнида машина ва техникалардан ўнумли фойдаланилмаса ёки қулланилмаса, у ҳолда ўшбу ҳолатни бемалол иқтисодий қолоқлик сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда замонавий ишлаб чиқариш воситалари ҳужалик фаолиятининг асосий максадларига қарама-қарши бўлган ва салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган турли ижтимоий максадлар йулида ҳам фойдаланилиши мумкин. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, жаҳон ҳужалиги тизими, ички максадлари бир-бирига мутлақо тугри келмайдиган, бироқ узаро доимий алоқадорликда мавжуд бўлган тизимлар мажмуасини узида акс эттиради. Айнан, жаҳон ҳужалиги категориясига мурожаат қилинганда, гап фақат миллий ҳужаликлар таркибидаги тизимлар йигиндиси ҳақида бораётганлиги эмас, балки халқаро меҳнат тақсимоти билан узвий боғлиқ бўлган ва бир-бири билан маълум иқтисодий муносабатларга кириша оладиган ана шундай ҳужаликларнинг бутун бир тизими ҳақида бормокда. Бундай вазиятда янги ҳолат юзага келади: яъни, узаро доимий ҳамкорликда бўлган миллий тизимларнинг иқтисодий фаолият юритишидан қуриладиган самара, узаро доимий ҳамкорлик алоқаларига эга бўлмаган бироқ миллий ҳужаликларнинг фаолият юритишидан қуриладиган самарага нисбатан анча юқори бўлади.

Шундай қилиб, жаҳон ҳужалиги узида шундай бир тизимни акс эттирадики, бунда алохида мамлакатлар миллий ҳужаликлари халқаро иқтисодий муносабатларга киришиш орқали зарар яқинлашиб борадилар ва шу орқали уларнинг бирлашган ягона гуруҳлари ташкил топади, бу эса уз навбатида мазкур тизимнинг доимий фаолият юритиши ва усиши учун маълум имкониятлар яратиб беради.

XX асрга келиб халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон ҳужалигининг тараккий этиши, ҳужалик ҳаётининг доимий байналминаллашуви орқали юзага келади. Мазкур жараёнга эса турли ҳилдаги омиллар уз таъсирини кўрсатади:

Биринчидан, географик омиллар, ер шарида табиий захираларнинг нотеқис тақсимланганлиги, шу жумладан, усимлик ва ҳайвонот оламининг, шунингдек, табиий-иқлим шароитларининг турли ҳилдалиги. Маҳсулотлар ишлаб чиқарилиш ҳажмининг ортиши, янги ишлаб чиқариш тармоқларининг пайдо бўлиши, табиий шарт-шароитлар туфайли эғалик қилиниши қийин бўлган ҳомашё товарларига бўлган ошиқча талабнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса етарли захираларга эга бўлган мамлакатлардаги ҳомашё маҳсулотларини қазиб чиқариш имконини беради. Бўлардан ташқари, маълум бир иқлимий шароитлардагина етиштирилиш имкониятига эга бўлган озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб боради;

Иккинчидан, ишлаб чиқариш қучларининг ривожланиш даражаси. Йирик машиналашган ишлаб чиқариш, одатда, чуқур ихтисослашувга ва кенг қамровли маҳсулот бозорларига эга бўлган бир пайтда уз самарасини бера олади ва албатта ташқи бозорга чиқиш заруратини мақсад қилиб қуяди;

Учинчидан, илмий-техника тараккиёти. Ишлаб чиқариладиган махсулотлар ва технологияларнинг тухтовсиз янгиланиб турилиши оқибатида, битта мамлакат доирасида барча турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилишини меъёрий даражада ривожлантириш имконияти мавжуд эмасдир, шунинг учун ҳам махсулотлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари фаол алмашинувини жадаллаштириш лозимдир.

Бундай шароитларда дунё мамлакатларининг купчилигида ташки савдо ривожланиши оркали миллий хужаликларнинг очикли тенденцияси кузатилади, бунинг тасдиғи эса 80 йилларнинг иккинчи ярмида дунёда содир бўлган ялпи ўзгаришлар оркали изоҳланади.

1. Очик иктисодиёт

Миллий хужаликларнинг купрок очиклик тенденцияси халқаро меҳнат тақсмотини ҳозирги кундаги ривожланишининг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсмотига тортилиш даражаси бўйича (очиклик даражаси) миллий хужаликларни бир-бирига қарама-қарши бўлган икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- Тула ёпик бўлган миллий хужаликлар (автаркик);
- Тула очик бўлган миллий хужаликлар.

Ёпиклик дейилганда, шундай иктисодиёт тушиниладик, унинг ривожланиши фақатгина ички тенденциялар оркали белгиланади ва жаҳон хужалиғи тизимида амал қилувчи тенденцияларга боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун ҳам дунё мамлакатларининг бошқа миллий хужаликлар билан бўладиган иктисодий алоқалари минимал даражада бўлади.

Тулақонли очик иктисодиёт дейилганда, шундай иктисодиёт тушуниладик, унинг ривожланиши жаҳон хужалиғи тизимида амал қиладиган тенденциялар оркали белгиланади. Бунда мамлакатларнинг ташки алоқалари кучайиб боради, шунингдек тараккиётнинг анча юқори даражасига эришиш оркали уларнинг абсолют ва нисбий кенгайиши содир бўлади.

Ушбу мамлакатлар ва дунёнинг бошқа мамлакатлари уртасидаги иктисодий алоқаларнинг мавжуд эканлиги ҳали бу мамлакатлар очик иктисодий сиёсат олиб бормокда деган фикрни аниқлатмайди. Ҳозирги кунда алоҳида мамлакатлар иктисодиёти жаҳон хужалигидан ажралган ҳолда ва шунингдек, дунёнинг бошқа мамлакатлар билан қандайдир алоқаларга эга бўлмасдан туриб, тараккиётнинг юқори даражаларига эриша олмайди. Хаттоки, дунё мамлакатлари иктисодий сиёсатида автаркик тенденциялар ҳукмронлик қиладиган пайтда ҳам, ташки алоқалар мазкур мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Баъзи бир мамлакатлар иктисодиёти юқори даражадаги очикликни касб этса, бошқа бирларида эса ушбу ҳолат анча паст даражада эканлигини қуришимиз мумкин. Муҳим томони шундаки, купчилик ҳолларда йирик

мамлакатлар иктисодиётининг очиклик жихатидан паст даражада эканлигини кузатишимиз мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, иктисодиётнинг очиклик даражаси мамлакатнинг табиий ресурслар, ҳамда аҳоли сони билан купрок таъминланганлигига, тугрироғи унинг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси билан аниқланадиган талаб-тулов қобилиятига бевосита боғлиқдир. Агар ишлаб чиқарувчи кучлар замонавий ва етарли даражада бўлса, у ҳолда иктисодий салоҳияти паст бўлса ҳам иктисодиёт анча очиклик касб этади, иктисодий салоҳият дейилганда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш учун мулжалланган маҳсулотлар ва хизматларнинг максимал даражада ишлаб чиқарилишини таъминлаб турувчи меҳнат ва моддий захираларнинг қобилиятлилик даражаси тушунилади. Бўлардан ташқари, иктисодиётнинг очиклик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармок тизимига ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Мамлакатда кучли тармокларнинг (металлургия. Энергетика ва б.) мавқеи қанчалик юқори бўлса, мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида тортилиши даражаси, яъни иктисодиётининг очиклик даражаси шунчалик паст бўлади. Бунга қарама-қарши уларок, қайта ишлаш саноатининг машинасозлик, электроника, химия ва бошқалар сингари бир қатор тармоклари ихтисослашувнинг анча чуқурлашувини талаб этади, бунинг ҳисобига эса мамлакатларнинг технологик жихатдан бир-бирига бўлган узаро боғлиқлигининг ортиши ва шунга мос ҳолда, иктисодиётдаги очиклик муҳитининг кучайишига олиб келади. Шу жихатдан, миллий иктисодиётнинг очиклик даражаси қанчалик юқори бўлса, ундаги мавжуд ишлаб чиқарувчи кучлар шунчалик ривожланган бўлади, ундаги тармоклар таркибида чуқур технологик меҳнат тақсимотида эга бўлган тармокчалар сони қанчалик куп бўлса, унинг умум иктисодий салоҳияти ва уз табиий захиралари билан таъминланганлик даражаси шунчалик паст бўлади.

Мамлакат иктисодиётининг очиклик даражасини улғаш учун кулланиладиган кўрсаткичлар сифатида, бошқаларига нисбатан экспорт-импорт квоталари купрок кулланилади.

Экспорт квотаси, у ёки бу маҳсулот турлари бўйича ихтисослашган алоҳида тармоклар ва бутун бир иктисодиёт учун экспортнинг аҳамиятини ифода этувчи миқдорий кўрсаткичларни узида акс эттиради. Бу кўрсаткич, маълум бир давр учун, барча миллий ҳужаликлар доирасида экспорт қиймати (Э) нинг ялпи ички маҳсулот (ЙИМ)* қийматига нисбатан олинган муносабати орқали фоизларда ҳисобланади:

$$K = \frac{\text{Э}}{\text{ВВП}} \times 100\%$$

Импорт квотаси, халқ ҳужалиғи ва ҳар хил маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган алоҳида тармокларга бўлган импорт аҳамиятини ифода этувчи миқдорий кўрсаткичларни узада акс эттиради. Импорт квотаси барча миллий ҳужаликлар доирасида импорт қийматининг

ялпи ички махсулот (ЯИМ) кийматига нисбатан олинган муносабати оркали ҳисобланади:

$$K = I / \text{ВВП} \times 100\%$$

Ташки савдо квотаси, экспорт ва импорт жами киймати ярмисининг ЯИМ кийматига нисбатан олинган муносабати оркали фоизларда аникланади:

$$K = (\text{Э} + \text{И}) / \text{ВВП} \times 100\%$$

1. Иктисодий хавфсизлик

Иктисодиётнинг очиклигини таъминлашга бўлган ҳаракат куплаб мураккаб муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади, уларнинг бири иктисодий хавфсизлик муаммоси бўлиб ҳисобланади, яъни бу жаҳон хужалиги билан узаро ҳамкорлик қилишнинг муқобил шарт-шароитларини аниқлаб олишдир. Асосан, узининг етарли энергия ва хомашё захираларига эга бўлмаган саноати ривожланган мамлакатлар учун иктисодиётнинг очиклиги, уларнинг янада тараққий этишда бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Дунёдаги қолган мамлакатларнинг барчаси ҳам узаро савдо муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этмоқдалар, бу эса халқаро меҳнат тақсимооти субъектларининг узаро алоқадорликлари ва узаро боғлиқликларининг қучайишига ва ташқи салбий таъсирлардан ҳимояланиш мақсадида ихтисослашув ва кооперациядан олинadиган фойдаларни ҳисоб-китоб қилиш заруратининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бунинг натижасида миллий иктисодиётнинг бекарор таваккалчилиги пайдо бўладики, бунда дунёдаги барча мамлакатлар узининг “очиклик” даражасидан келиб чиқиб абсолют хавфсиз бўлган савдо (тижорат) муносабатларига кириша олмайдилар. Шунинг учун ҳам ташқи савдо ривожланаётган бир пайтда, дунёнинг қайсидир мамлакатлардагина, узаро алоқадорликдан келиб чиқиб, нисбий иктисодий хавфсизлик ҳукм суриши мумкиндир.

Узаро алоқадорлик моҳиятан узида маълум бир алоқаларни намойиш этадиган иктисодий боғлиқликларга олиб келиши мумкин, бундай шароитда ташқи омиллар у ёки бу ҳолатларнинг ривожланишида салмоқли таъсир кўрсатади. Алоқадорлик шундай вазиятда пайдо бўладики, бунда исталган муаммоларни ечиш учун қулай мослашувчанликка эришиш мақсадида зарурий ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади.

Мослашувчанлик дейилганда, давлатларнинг ташқи омиллар келтириб чиқарадиган зарарли ҳолатларга нисбатан таъсир тўқата олиш қобилияти тушунилади, шу орқалигина, ташқи сабабларга ёки умуман барҳам бериш, ёки оқибатларини умуман тугатиш, ёки мавжуд имкониятларнинг ортқича қисмини бошқа бир мамлакатларга қаратиш лозим бўлади. Мослашувчанликнинг мавжуд бўлиши, маълум бир

чегаравий чекланишларга эга бўлади. Мослашувчанлик билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Савдо муносабатларининг диверсификацияси;
- куп томонлама ҳамкорлик алоқаларининг мустахкамланиши ва жадаллаштирилиши;
- сиқув (шу жумладан харбий ва иқтисодий);
- тежаш ва зарурий захираларнинг яратилиши;
- экспортга мулжалланган ишлаб чиқаришнинг шаклланиши.

Алокадорлик энг аввало иқтисодий мослашувчанликда уз аксини топади. Иқтисодий мослашувчанлик дейилганда, миллий иқтисодиётнинг ташки омиллар салбий таъсирига, яъни ушбу ҳолатларнинг ёмон оқибатларини бартараф этиш мақсадида, уларга нисбатан маълум бир имкониятлар қулланилгунга қадар бўлган таъсирчанлиги тушунилади. Иқтисодий заифлик алокадорликнинг анча юқори даражаси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий заифлик дейилганда, ҳаттоки ички ҳолатлар тугирланиб ёки ёппасига ўзгартирилгандан кейин, мослашувчанлик ҳаддан ошиқча бўлган шароитда ҳам, ташки омиллар таъсирининг муқаррарлиги тушунилади. Иқтисодий заифлик шундай вазиятда юзага келадики, бунда мослашувчанлик ортиқчалигининг бир қатор танкидий нуксонларига йул қўйилган бўлади. Айнан иқтисодий заифлик тулик бўлмасида, иқтисодий ҳавфсизлик муаммосини вужудга келтиради. Таҳдид иқтисодий ҳавфсизликни издан чиқаришнинг муҳим шарт бўлиб ҳисобланади.

Таҳдид – бу моддий, меҳнат, илмий-техникавий захираларга ва маркетинг тизимига бўлган имкониятларнинг чекланишидир. Таҳдид икки турга бўлинади:

- Мақсадли таҳдид;
- Иқтисодий турмуш-шароитига бўлган таҳдид.

Таҳдиднинг иккала тури ҳам давлатнинг олдиндан мулжалланган фаолиятларидан ёки жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда юзага келади. Таҳдиднинг зарурий рицаглари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Иқтисодий блокада қилиш;
- Тусиклар ўрнатиш;
- Заифликлар тизимини яратиш;
- Дискриминация қилишнинг ҳар хил усуллари қуллаш.

Ана шу тартибда, миллий иқтисодиёт ҳавфсизлигини қандайдир ҳолат сифатида боҳолаш мумкин бўлади, бунда товарлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, миллий иқтисодиётнинг самарали фаолият юритишига таҳдид соладиган ташки омилларнинг таъсиридан ҳимояланган бўлади. Агар ЯММ даражаси олдиндан қўзда тутилган ёки тусатдан содир бўлган ташки янгиликларга бевосита боғлиқ бўлмаса, у ҳолда миллий иқтисодиёт барқарор бўлади. Агар ЯММ даражаси ташки

омилларга таъсирчан бўлса ва мазкур ташки омиллар окибатларини зарарсизлантириш мумкин бўлмаса, у холда иктисодий хавфсизлик даражаси бекарор бўлади. Миллий иктисодий хавфсизлик тушунчаси билан бир каторда халқаро иктисодий хавфсизлик тушунчаси ҳам амал қилади. Халқаро иктисодий хавфсизлик дейилганда, узаро ишонч ва тенгликка асосланиб, барқарор муҳитдаги иктисодий ва институционал шарт-шароитларни вужудга келтирувчи қоидалар тизими тушунилади. Умумий хавфсизлик қафилликлар берилишини шунинг учун ҳам узида ифода этадики, шу пайтга қадар жаҳон ҳужалиги доирасида ҳар хил иктисодий боғлиқликларнинг мавжудлигидан, ҳеч бир мамлакат на иктисодий, на бир сиёсий бўлган бир ёқламали ютуқларни қулга кирита олмайди.

2. Рақобатбардошлик

Агар экспорт ва импорт квоталари миллий иктисодиётнинг очиклик даражасини, яъни унинг халқаро меҳнат таксимотиға тортилиш даражасини аниқлаш учун хизмат қилаётган бўлса, у холда, мамлакатларнинг жаҳон иктисодиётида тутган урни ва ролини атрофлича талқин этиш учун қупроқ, Жаҳон иктисодий форуми томонидан ишлаб чиқилган рақобатбардошлик кўрсаткичи қулланилади.

Мамлакатларнинг рақобатбардошлик рейтинги қуп омилли моделлар асосида аниқланади, уларда эса 381 кўрсаткич жамланган 8 омилларда гуруҳланган бўлади:

- Ички иктисодий салоҳият;
- Ташки иктисодий алоқалар;
- Давлат томонидан тартибға солиб туриш;
- Молия қредит тизими;
- Инфратузилма;
- Бошқарув тизими;
- Илмий-техникавий салоҳият;
- Меҳнат захиралари.

Кўрсаткичлар ҳар бир мамлакат бўйича аналитиклар, ҳамда экспертлар баҳолари ва шунингдек, йирик корпорациялар раҳбарлари томонидан утқазилган суровномалар ёрдамида тулдириб борилади.

Бериладиган баҳолар ҳамма мамлакатларға эмас, балки фақатгина саноати ривожланган ва баъзи бир ривожланаётган мамлакатлар (энг аввало янги индустриал мамлакатлар), шунингдек бозор иктисодиётиға утаётган мамлакатларға тегишлидир. Бу мамлакатлар махсуслаштирилган методикаға асосан тупланган балларнинг сонига қараб фарқланади. Баллар йиғиндисини нафақат ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиш даражасини хақида, балки мамлакатнинг жаҳон иктисодиётида содир бўладиган ўзгаришларға бўлган силлиқ мослашувчанлик қобилияти туғрисида ҳам гувоҳлик беради.

Ракобатбардош бўлган тармоқлар жумласига аэрокосметика, ускунаСОЗлик, кемаСОЗлик, ва шунингдек харбий саноат мажмуасининг баъзи бир тармоқлари сингари бир катор тармоқлар киради.

2.2. Жахон хужалиги таркиби

Халкаро меҳнат таксимотининг ривожланиши билан дунёдаги мамлакатлар таракиёт даражасини белгилОВЧИ жахон хужалигининг узига хос таркиби шаклланди. Уларни шартли равишда турт гурухга ажратиш мумкин:

- Саноати таракий этган мамлакатлар;
- Ривожланаётган мамлакатлар;
- Шаркий Европа мамлакатлари;
- Осиёдаги социалистик мамлакатлари.

Шаркий Европа ва МХДХ даги собик социалистик мамлакатлар хусусида тухталиб утилганда, мазкур мамлакатларнинг узига хос иктисодий ва ижтимоий белгилари, хозирги кунга кадар уларни халкаро ташкилотлар томонидан ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар каторига кушиш имконини бермаяпти. уз-зидан маълумки, Чехословакия давлати ривожланган мамлакатлар билан бемалол беллаша олади, Тожикистон давлати эса ривожланаётган мамлакатлар каторидан урин эгаллайди. Бир пайтнинг узиди уларни бозор иктисодиётига утаётган мамлакатлар сифатида классификация килиниши махсадга мувофик бўлади. Айнан статистик махсадларда БМТ томонидан ишлаб чикилган классификацияга мос равишда мазкур гурух таркибига Албания, Белгия, Венгрия, Руминия, Словакия, собик СССР ва Чехословакия сингари бир катор мамлакатлар киритилади. Мазкур классификацияга мос равишда Осиёдаги социалистик мамлакатлар каторига Ветнам, ХХДР ва Монголия сингари бир катор мамлакатлар киради.

Дунёдаги колган мамлакатлар барчаси уз-узидан ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатлар сарасига киритилади.

1. Саноати ривожланган мамлакатлар

Саноати ривожланган мамлакатлар гурухига мамлакат иктисодиётида асосий мавкёъни йирик хусусий-монополистик секторлар эгаллайдиган мамлакатлар киритилади. Бу давлатларнинг бир-биридан фарк килиниши, улардаги мавжуд ишлаб чиқарувчи кучларнинг юкори савияда бўлишлиги, бозор иктисодиёти ривожланиш моделларининг фаркланиши ва миллий хужалик доирасида руй берадиган жараёнлар оркали характерланади.

Мазкур мамлакатларда халк хужалиги иктисодий ва илмий техникавий салохиятининг асосий кисми тупланган ва шунингдек, уларда йирик молиявий марказлар ва коммуникациянинг марказий тармоқлари жойлашгандир.

БМТ томонидан ишлаб чикилган классификацияга мос ҳолда бозор иктисодиёти юкори даражада тараккий этган мамлакатлар каторига куйидагилар киритилади:

Австралия	Дания	Люксембург	Финландия
Австрия	Исроил	Янги Зеландия	Франция
Белгия	Ирландия	Нидерландия	Швейцария
Буюк Британия	Испания	Норвегия	Швеция
Германия	Италия	Португалия	ЖАР
Гибралтар	Исландия	АКШ	Япония
Греция	Канада	Фарер ороллари	

Амалда саноати тараккий этган мамлакатларнинг барчаси Иктисодий хамкорлик ва тараккиёт ташкилотининг таркибига киради (ИХТТ).

Глобал иктисодий ва валюта масалаларини муҳокама қилиш ва бартараф этиш учун саноати ривожланган йирик мамлакатларнинг 7 таси (Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АКШ, Франция ва Япония) Катта еттилик деб номланган гуруҳга бирлашдилар. Ундаги учрашувлар ҳар хил даражаларда утказиб турилади. Уларнинг энг асосийси, Ҳукумат раҳбарларининг йиллик учрашувлари ҳисобланади, бунда аниқ белгилаб олинган масалаларга асосий эътибор қаратилади (энергия саноати, ташки қарздорлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва б.).

1996 йилдаги учрашувда бир қатор масалаларни муҳокама қилиш мақсадида Россия давлати ҳам иштирок этган эди, 1997 йилдаги учрашувда эса, “Катта еттилик” Россиянинг иштирок этиши муносабати билан “Катта саккизликка” айлантирилди, бу иктисодий масалаларга тегишли бўлмасда, купрок сиёсий масалаларга тегишлидир.

Иктисодий хамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (ИХТТ)

Иктисодий хамкорлик ва тараккиёт ташкилоти 1961 йилда 20 давлат иштирокида 1960 йилнинг 20 декабрда ИХТТни ташкил этиш тугрисида имзоланган Конвенция ратификация қилингандан сунг, ташкил этилди. Дунёдаги қолган мамлакатлар эса бу ташкилотга кейинрок аъзо бўлиб қушила бошлади.

Жойлашган урни – Париж.

Аъзо мамлакатлар:

Австралия (07.06.71 й.	Мексика (18.05.94 й.)
Австрия	Нидерландия
Бельгия	Янги Зеландия (29.05.73 й.)
Буюк Британия	Норвегия
Германия	Португалия
Греция	АКШ
Дания	Турция
Ирландия	Финландия (28.01.69 й.)
Исландия	Франция Швейцария

Испания
Италия
Канада
Люксембург

Швеция
Япония (28.04.64 й.)

Европа комиссияси (Европа хамжамияти) ИХТТ ни ташкил этиш туг'фрисадиги Конвенциянинг 13 13 моддасига асосан ИХТТ нинг иш фаолиятида фаол иштирок этади. Якин келажакда эса ИХТТ нинг таркибига Венгрия, Корея Республикаси, Польша, Чехословакия ва Словакия сингари давлатларнинг аъзо бўлиш эҳтимоли кутилмоқда. Россия 1994 йилдан буён манфаатлар иммунитетини туг'фрисадиги битим имзолангандан сунг, ИХТТ билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ИХТТнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Юқори иқтисодий ривожланишни таъминлаш, бандлилик даражасини ошириш ва аъзо мамлакатларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали жаҳон иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қушиш;

Аъзо мамлакатлар сиёсатини мувофиқлаштириш орқали ИХТТ доирасида иқтисодий ва ижтимоий ютуқларни қўлга киритишда ҳамкорлик қилиш;

Ривожланаётган давлатларга ИХТТ мамлакатлари томонидан кўрсатиладиган ёрдамларни қилишиб олиш.

ИХТТ қуйидаги таркибдан иборат:

Кенгаш;

Ижро қўмитаси. Ижро қўмитаси қуйидаги асосий таркибдан иборатдир: қўмиталар, ишчи гуруҳлари, эксперт хайъатлари, ривожланишни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, халқаро қотибият, департаментлар, мухтор ва ярим мухтор бўлган органлар.

2.3. Халқаро савдонинг жугрофий таркиби

Дунё мамлакатларининг бошқа бир йирикрок гуруҳини ривожланаётган мамлакатлар ташкил этади, мазкур гуруҳ мамлакатлари, ривожланган мамлакатларга қараганда чегаравий жихатдан қатталиги ва 130 дан ортиқ мамлакатларни қамраб олганлиги билан фарқланади. Уларнинг муҳим жихати мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида давлат мавқеъининг юқорилиги, ижтимоий укладнинг турли-туманлилиги ва шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг утиш даврига мос равишда шаклланган шаклига бевосита боғлиқдир. Қўпчилиқ ривожланаётган мамлакатларда миллий ҳужалиқларнинг тулақонли шаклланиш жараёни ҳали ўз ниятига етмаган бўлиб, ҳужалиқ ривожланишининг экстенсив тури устунлиқ қилади. Бу мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ривожланган мамлакатлардан анча оққа қолади. Ривожланаётган мамлакатларни қуйидаги белгилар бўйича классификация қилиш мумкин бўлади:

- бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси;
- жаҳон иқтисодий алоқаларига чуқурроқ тортилиш шакллари;
- аҳоли жон бошига тугри келадиган ЯИМ даражаси.

Мазкур гуруҳнинг юкори даражасини шундай мамлакатлар ташкил этадики, бунда хорижий, маҳаллий-хусусий ва давлат маблағлари кушилиб, байналмилал характер касб этади. Бу мамлакатлар жаҳон хужалиги тизимига мустаҳкам тортилган бўлади. Уларнинг узига хос жихатларга эга бўлганлари куйидагилар ҳисобланади:

Узок вақтлардан буён хужалик юритишнинг бозор шакллари амал киладиган мамлакатлар мавжуд. Бирок, мазкур мамлакатлар қатор ижтимоий-тарихий сабабларга кура, халқ хужалиги микёсидаги иқтисодий ташкилотларнинг олий шаклларини тасдиқлай олмадилар ва жаҳон хужалигида эса устивор мавқеъни эгаллай олмадилар. Бу мамлакатлар қаторига Аргентина, Уругвай ва Чилини мисол қилиб келтириш мумкин;

Юкори даражадаги техналогик, иқтисодий ва ташкилий имкониятларга эриша олган йирик иқтисодий ва демографик салоҳиятларга эга бўлган мамлакатлар (янги индустриал мамлакатлар). Халқаро меҳнат тақсимоотида актив иштирок этувчи мазкур гуруҳга қирадиган мамлакатлар иқтисодиёти, жаҳон хужалиги ривожланиш динамикасига бевосита боғлиқдир. Бу мамлакатлар жумласига Бразилия ва Мексика тегишлидир. Мексиканинг жаҳон хужалигида тутган урни шундай далилнинг мавжудлиги хусусида гувоҳлик берадики, у ИХТТнинг аъзоси бўлиб ҳисобланади ва шунингдек, (АҚШ ва Канада билан биргаликда) эркин савдо тугҳрисидаги Шимолий Америка битимининг ҳам тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб ҳисобланади (НАФТА);

Жанубий-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар. Уларнинг динамик ривожланиши ва халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши, иқтисодиётнинг барча жаҳваларида бозор муносабатларининг устуворлиги шароитида замонавий юкори-техналогик ишлаб чиқаришни узлаштиришга асосланади. (Гонконг, Корея Республикаси, Сингапур, Тайван);

Иқтисодий ривожланишнинг нисбатан анча юкори даражасига эриша олган бошқа мамлакатлар (Багама ороллари, Кипр, Аомин (Макао)).

Гуруҳнинг урта даражасидан эса икки ёқламали иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар эгаллайди:

Йирик ва урта йирикликда мамлакатлар, улардаги замонавий ривожланиш традициялашган тизимларни ёппасига текширишдан бошланди (Туркия, Таиланд, Египт ва б.). Туркия НАТО ва ИХТТ нинг аъзоси ҳисобланади;

Замонавий ривожланиш босқичи яқинда бошланган мамлакатлар, уларнинг ютуқли томони шундаки, мазкур мамлакатлар жаҳон бозорида қатта талаб асосида фойдаланиладиган хомашёларни жунатиш линиялари орқали жаҳон хужалигига бевосита тортилган. Мазкур мамлакатларда

капитални экспорт килиш йуналишлари шаклланиб бормокда. Капиталнинг чиқарилиши мамлакатлар ривожланиш даражасига караб йуналтирилади;

Йирик демографик ва иктисодий салохиятга эга бўлган, бироқ, аҳоли жон бошига тугри келадиган даромадлар даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатлар: Хиндистон, Покистон, Индонезия.

Гурухнинг паст даражасида эса камрок ривожланган мамлакатлар жойлашади. БМТнинг юкорида кайд этилган классификациясига мос холда, олдинги гурухларга кушилмаган барча мамлакатлар ва худудлар ривожланаётганлар каторига кушилади.

Мамлакатлар ривожланишининг узига хос хусусиятлари, уларнинг халқаро савдодаги тутган урнини белгилайди. Саноати ривожланган мамлакатларнинг сунгги 30 йил давомида жахон бозоридаги улуши 70-75% ни ташкил этади. Ушбу мамлакатларнинг жахон импортидаги улуши ҳам худди шунчани ташкил этади. Жахон савдосининг 20% га яқини ривожланаётган мамлакатлар хиссасига тугри келади, бироқ мазкур гурухларнинг хар бирида салмокли ўзгаришлар содир бўлиб туради. Жахондаги йирик экспортёрлар жумласига Германия, Япония, АКШ, Франция, Буюк Британия, Италия киритилади. Ривожланаётган мамлакатлар орасида эса Гонконг, Тайван, Корея Республикаси ва Сингапурни ажратиб кўрсатиш мумкин. Яқин Шарқда Саудия Арабистонини, Лотин Америкасида эса, Бразилия ва Мексикани ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатлар тахминан жахон импортида ҳам худди шундай уринни кулга киритади, жахон импортида энг салмокли уринда АКШ туради.

Муҳокама учун саволлар

1. Халқаро савдо узида нимани акс эттиради ва унинг ХИМ тизимида тутган урни кандай?
2. Хозирги замонавий боскичда халқаро савдо динамикаси кандай?
3. Жахон савдосининг жугрофий таркиби кандай?
4. Жахон иктисодиётида мамлакатлар кандай белгиларга кура гурухланади?
5. ИХТТ нинг мақсад ва вазифалари хақида гапириб беринг?

Адабиётлар

1. Фомичев И.С. Международная торговля., М. 2001 г.
2. Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международ. отношения, 2000.
3. Линдерт П. Экономика мирохозяйственных связей. - М.: Прогресс, 2001.

3-мавзу. Халқаро савдонинг халқаро интеграциядаги роли.

3.1. Иқтисодий интеграциянинг узига хос томонлари ва қуринишлари.

3.2. Интеграцион жараёнлар ва ташқи иқтисодий муносабатлар.

3.3. Европадаги интеграцион жараёнлар.

3.1. Иқтисодий интеграциянинг узига хос томонлари ва қуринишлари.

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳужалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон ҳужалиги ривожланишининг илғор анъанасига айланди. Жаҳон ҳужалиги глобал байналминаллашувининг асосий анъаналаридан бири у ё бу давлат ёки энг ривожланган давлатлар гуруҳининг кенг таъсир зонаси вужудга келишида намоён бўлмоқда. Бу давлатлар ва давлатлар гуруҳи жаҳон ҳужалиги алоқалари океанида узига хос китъалар ҳосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи узига хос интеграция марказларга айланмоқдалар.

Иқтисодий интеграция ўз навбатида, бу жараён катнашчилари давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратмоқда. Иқтисодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуйидаги ўзаро боғлиқ (қайта боғлиқ) занжирда тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш қулақларининг ривожланиши - халқаро меҳрат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви - иқтисодий интеграция. Иқтисодий интеграцияга иккита омил катта таъсир қўрсатади: илмий-техник инқилоб ва транс-миллий корпорациялар.

Жаҳон ҳужалигида интеграцион жараёнлар ривожланишининг тупланган тажрибаси иқтисодий интеграция ҳосил бўлиши ва ривожланишининг қуйидаги тўрт босқичидан ўтишга гувоҳлик беради:

1. Тариф ва бошқа чекланишларни бекор қилиш билан эркин савдо зонасини таъсис қилиш;

2. Савдода меҳнат ва капитал ҳаракатида ягона тарифлар ўрнатиш билан божхона иттифок ташкил қилиш;

3. Катнашувчи давлатлар иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштириш билан ҳеч қандай дискриминациясиз иқтисодий иттифок;

4. Ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юқори турувчи тартибга солувчи органларга эга тулик интеграция.

Охириги икки босқич ўзида у ёки бу интеграцион гуруҳга хос бўлган томонлар билан боғлиқ маълум кичик босқичларни жамлаши мумкин.

Минтақавий интеграция иккита даражада қўй беради. Ўз ҳужалик фаолиятида интеграцион жараёнларга қиришувчи алоҳида компаниялар даражасида. Давлатнинг жамоа ёки бир томонлама) бир мақсадга

йуналтирилган фаолияти у ёки бу давлатлар гуруҳд доирасида меҳнат ва капитални бир-бирига боғлаш интеграцион жараёнларига шароит яратганда, узига хос интеграцион воситалар ишлашини таъминлаганлигини давлатлараро даражада.

Иктисодий интеграция Гарбий Европада энг тулик ривожланди. Объектив иктисодий жараёнлар билан бир каторда Гарбий Европа интеграцияси В. Гюго, И. Кант каби Европа сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олга сурилган ягона Европа гоёси билан ҳам сугорилган.

Европа иттифоки (ЕИ) ташкил топиши ва ривожланишининг янги тарихи 1951 йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган. Европа кумир ва пулат бирлашмаси (ЕКПБ) ҳақидаги битим имзоланди. Бу Гарбий Европа интеграциясининг узига хос кириш қисми эди. Унинг ҳосил бўлиши ва ривожланишининг реал бошланиш вақти юқоридаги давлатларда 1957 йилдан Европа Иктисодий Ҳамжамияти (ЕИЖ) ва атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ҳақидаги битимлар имзоланган. Ҳамжамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирди. Бу эса, кейинги 15 йил мобайнида иктисодий ушшнинг юқори суръатида бўлишини куп жихатдан таъминлади.

Гарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан ҳозирги вақтгача нотеқис ва қарама-қаршилиқлар билан кечди. Шу билан бирга Европа Иктисодий Ҳамжамияти ташкил қилишда унинг олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, унинг бутун фаолияти давомида етарли даражада тулик ва муваффақиятли амалга оширилди.

Гарбий Европа интеграцияси ривожланишини рағбий рағиҳда турт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йиллар охири - 70-йиллар урталари) Ҳамжамият ҳаётида “олтин аср” ҳисобланади. Унда божхона иттифоқи мулдатдан олдин тузилди, ягона аграр бозори нисбатан муваффақиятли яратилди, ЕИХга уҳта янги давлат: Буюк Британия, Дания ва Ирландия кирди.

ЕИХ ёки уни купинча айтганларидек, “Умумий бозор”ни ташкил қилишнинг аниқ, мақсадлари қуйидагилар:

- қатнашувчи давлатлар уртасида савдода аста-секин барча чекланишларни олиб ташлаш;

- учинчи давлатлар билан савдода умумий бож тарифларини ўрнатиш;

- “одамлар Ғишчи қучиҒ, капитал, хизматлар” нинг эркин ҳаракатиға тусиқларни олиб ташлаш;

- транспорт ва кишлок, хужалиғи соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалға ошириш;

- валюта иттифоқи тузиш;

- солиқ, тизимини унификация қилиш;

-конунчиликни якинлаштириш;
-иктисодий сиёсатни мувафакиятлаштириш тамойилларини ишлаб чиқдш.

Бўларни амалга ошириш мақсадида бошқарув структураси мажмуи - ЕИХ Вазирлар Кенгаши, Европа Хамжамиятлар комиссияси, Европа кенгаши, Европа Суди, Европа парламенти ташкил килинди.

Узининг биринчи вазифаси килиб ЕИХ, аъзо давлатлар товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил қилиш вазифасини қуйди. Бунинг учун Божхона иттифоқи тузилди. Айнан Божхона иттифоқи ЕИХ, асосида ётади. Божхона иттифоқи доирасида:

- катнашчи давлатлар узаро савдосида савдо чекланишлари йукотилди;

- учинчи давлатларга нисбатан ягона божхона тарифи ўрнатилди;

- капитал, кредитлар, пул кучирмаларининг эркин ҳаракатига эришилди;

- ишчи кчи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Бир вақтда компенсацион йигимлар ва кишлок хужалиги фонди оркали молиялаштириш ёрдамида жамоа протекционизмини ўрнатиш шакли оркали аграр интеграцияни амалга оширишга ҳаракат қилинди. ЕИ аграр сиёсати ЕИ аъзо-давлатларининг қупгина кишлок, хужалик маҳсулотлари учун умумий минимал нарх ўрнатишни қафолатлайдиган ягона нархлар тизимига асосланади. Умумий бозорнинг шаклланиши ЕИХ, давлатлари миллий монополияларининг трансмиллийга айланиш жараёнини тезлаштирди, шерик давлатлар иктисодиётига қиришга имкон яратди. ЕИХ ривожланиши Хамжамият аъзо-давлатларининг ёпик, миллий хужаликдан ташки бозорга юзланган очик типдаги иктисодиётига интенсив утишини билдирди.

Иккинчи босқич (70-йиллар урталари - 80-йиллар урталари) ЕИ тарихига асосан тургунлик даври сифатда қирди. Бу даврда ЕИ аъзо-давлатлари Европа валюта ҳамқорлиги дастури, ташки сиёсий консултациялар механизмини қабул қилишга муваффақ бўлсаларда, намоён бўлган негатив анъаналар Гарбий Европа иктисодий интеграциясининг жилдий инкирозига олиб келди. Бу инкироз евросклероз номини олди. 70-80- йилларнинг бошида ЕИ давлатлари уртасидаги ривожланишдаги фарқ усди. 1981 йилга ЕИга Грециянинг қириши билан бу анъана янада ёрқднрок бўлди, чунки бу давлат иктисодиёти хамжамиятнинг бошқа катнашчилариникига нисбатан жуда паст даражада эди.

Учинчи босқич (80-йилларни 2-чи ярми 90-йилларнинг боши) - хамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қушилиши давлатлар уртасидаги диспропорциянинг

кучайишига олиб келди. *ЕИХ*га аъзо бўлган вақтида Португалияда киши бошига тугри келадиган даромад *ЕИХ* даги уртача даромаднинг тахминан ярмига, Испанияда эса *ЗГ4* қисмига тугри келарди. Янги катнашчи-давлатларда тахминан бешдан бир киши кишлоқ хужалигида ишларди, *ЕИХ* да эса ун учдан бир киши. Шу билан бирга, айнан шу давр Гарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги авваламбор Ягона Европа акти (*ЯЕА*)нинг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган янги туртки билан характерланади.

ЯЕА да Хамжамият катнашчи-давлатларининг умумий мақсади - Европа Иттифоқи - Хамжамият катнашчиларининг сиёсий альянсини намоён қилувчи ва нафақат уларнинг юқори даражадаги иқтисодий, валюта-молия, гуманитар ҳамкорлигини балки ташки сиёсатини, шу жумладан, ҳавфсизликни таъминлашни кузда тутувчи бирлашма тузишни тасдиқади. *ЯЕА*нинг Марказий ҳолати шундаки, унда *ЕИХ*, аъзолари ягона хужалиқ организмни ташкил қиладиган ягона иқтисодий ҳудудни қайд қилинди. *ЯЕА*нинг қабул қилиниши билан Хамжамият аъзо-давлатларининг микро- ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтакавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди. 90-йиллар бошида ЕИ - аъзо-давлатлари ягона бозор асосларини яратишни амалда тугатдилар ва валюта-иқтисодий ва сиёсий иттифокларни шакллантиришга бевосита яқинлашдилар.

Туртинчи босқич (90-йилларнинг урталари - ХХІ аср боши). Ягона Европа актига мувофиқ, 1993 йил 1 январдан бошлаб Хамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин ҳаракати қиритилди. Амалда хамжамият доирасида ягона иқтисодий ҳудуд вужудга келди. Бу ЕИ нинг иқтисодий интеграциясининг сифат жиҳатдан янги босқичга кирганини англатади.

Маастрихт Битими (1992 йил февраль) га мувофиқ, 1994 йил 1 январдан *ЕИХ* Европа Иттифоқига айланди ва унинг аъзолари 15 тага етди. ЕИ доирасида тулик ягона ички бозорнинг тузилиши амалга оширилмоқда. Кейинги интеграцион ҳамкорликнинг мақсадлари эълон қилинган. Улар уз ичига ягона валюта ЕВРОни эмиссия қилиш ҳуқуқига эга ягона Европа банкини тузиш, ички чегараларсиз ягона Гарбий Европа ҳудудини ташкил қилишни олади.

ЕИ хужумкор ривожланиши бу жараёнда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар мавжуд эмаслигини билдирмайди. Юқорида ЕИ га янги аъзолар қириши муносабати билан юзага келган давлатлараро ва давлат ичидаги диспропорциялар қайд қилинган эди. ЕИ нинг мумкин бўлган янги кенгайиши билан ҳам сезиларли муаммолар пайдо бўлади: ЕИга қиришни Туркия, Мальта ва Кипр қутмоқда. 1996 йил январдан Туркиянинг ЕИ билан Божхона иттифоқи ҳақидаги қелишуви қучга қирди.

ЕИ ичида ҳам ҳаммаси “бир текисда” эмас. Энг катта қийинчиликлар Европа валюта тизимини шакллантириш давомида намоён

бўлмокда. 1992 йилдаги 7% га Британия фунт стерлинги ва Италия лираси девальвацияси оқибатида руй берган ЕВТ инкирози Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТ дан чиқариб ташлади. Валюта иттифокднн шакллантириш унга кириш мезонларига эришиш кийинчиликлари билан бирга боради. Талаб кдлинадиган алмашув курси инфляциясининг даражаси, фойиз ставкалари даражаси, бюджет дефицити ва давлат қарзига фақат Люксембург жавоб беради. ЕИ аъзолари орасида Иттифокни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йули ҳақидги қарама-қаршиликлар мавжуд.

Гарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат ЕИ чегаралари билан чекланмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо ассоциацияси мавжуд (ЕЭСА). ЕЭСА ЕИ дан фарқи равишда давлат усти функцияларига ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. ЕЭСА аъзо-давлатлари (80-йилларда улар 7 та эди; 90-йиллар уртасида - 4 та: Буюк Британия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария) учинчи давлатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий келишувларга эркин қушилишлари ва бу давлатларга нисбатан ҳоҳлаган божхона тарифи ўрнатишлари мумкин. ЕЭСА аъзо-давлатлари уртасидаги савдода эркин божсиз савдо обороти режими фақат саноат товарларига нисбатан ишлайди, чунки ЕЭСА конвенциясининг фаолияти қишлоқ ҳужалик маҳсулотларига таъсир утказмайди.

1972 йилда ЕЭСА га аъзо бўлган ҳар бир давлат ЕИХҒЕИ билан келишув имзолади. Унга мувофиқ, саноат товарларига бож ва сон жихатдан чеклашлар аста-секин қамайтирилди. Бу давлатлар уртасидаги божсиз савдо товар чиқарилган жойга қараб ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи йуклиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо-давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуд.

ЕЭСА га қирувчи давлатларнинг ва улар уртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юқори даражада ривожланганлигига қарамасдан, ЕЭСА тулақонли интеграцион гуруҳга айланмади. Амалда у ЕИХҒЕИ учун “фармклуб”, яъни, янги аъзолар етказиб берувчи бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда ЕЭСА нинг қўпгина аъзолари уни Шарқий ва Гарбий Еуропа уртасида истикболли эркин савдо зонаси сифатида қарамокдалар. ЕИ иқтисодий қуввати, унинг кенгайиши динамикаси ва алоҳида Гарбий Европа давлатларининг у билан савдодан қўчли қарамлиги бизда машҳур “Европада қандай қилиб бизнес қилиш қерак” номли қитоб муаллифи Вольфганг Хайернинг айтишича, яқин қелажакда қолган Европа давлатларини альтернатива олдиға қўяди: ё ЕИ га қириш ва қисман мустақилликдан воз қечиш, аммо шу билан бирға дунёнинг энг йирик бозорларининг барча имқониятларидан фойдаланиш, ёки четда қолган қолда уз иқтисодиёти учун ёмон оқибатлар билан Гарбий Европа бирлашиш қараёнини узи учун йўлни қирқиб ташлаш.

Буни тушунган собик Узаро Иктисодий Ёрдам Кенгаши (УИЁК) аъзо-двлатлари уз йуллари билан боришга интиломокдалар. 1990 йилда улар Венгрия, Польша, Чехославакия аъзо бўлган “Вишеград учлиги” интеграцион гуруҳини ташкил этдилар. Чехославакия бўлиниб кетгач, бу гуруҳ “Вишеград тўртлиги”га айланди. 1993 йил 1 мартдан бошлаб бу гуруҳ доирасида аста-секин узаро божларни камайтиришни кузда тутувчи Марказий Европа эркин савдо ҳақидаги келишуви кучга кирди. Бу кадамга шу сабаб бўлдики, ЕИ билан “Вишеград тўртлиги”нинг ҳар бир аъзоси махсус “Европа келишувлари” имзоланганлигига қарамадан, уларнинг савдо-иқтисодий муносабатлари умуман олганда коникарсиз ривожланмокда. Шунинг учун охириги ун йилликлар мобайнида ишлаб чиқилган Марказий Европа савдо иқтисодий алоқаларини саклаб қолиш ва қўлқўтириш учун ҳам бу интеграцион гуруҳ тузилди.

Гарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг муваффақияти жаҳоннинг ривожланаётган минтақаларида эътиборни жалб қилади. Лотин Америкасида, Африкада ва Осиёда утгиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоклар юзага келди. Аммо энг сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш жараёни бўлди. Мавжуд бўлган АКШ билан Канада уртасидаги иқтисодий интеграция ва уларнинг Гарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АКШни кониктирмай қўйди. Натижада, Шимолий Америкадаги интеграцион жараёнлар икки давлат доирасидан чиқиб кетди, 1994 йил 1 январда кучга кирган Шимолий Америка эркин савдо зонаси ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АКШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам қўшилди. Блок ҳудуди 370 млн. аҳоли ва кучли иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудни қамраб олади. Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар 7 трлн. долл.ни ташкил қилади. Улар улушига жаҳон савдоси умумий ҳажмининг 20% ига яқини туғри келади.

Шартноманинг асосий ҳолатлари қуйидагиларни уз ичига олади:

- АКШ, Канада ва Мексика узаро савдо қиладиган товарларга нисбатан божларни бекор қилиш;

- Шимолий Америка бозорини уз товарларини Мексика орқали АКШга реэкспорт қилиш йули билан америка божларини туламасликка ҳаракат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан ҳимоя қилиш;

- Мексикада банк ва сугурта ишида Америка ва Канада компаниялари капитал қўйилмалари ва рақобатларига бўлган тақикларни олиб ташлаш;

- атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ўқ томонлама гуруҳлар ташкил қилиш.

Беш йил мобайнида АКШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар турининг ўқдан икки қисми ўқун импорт тарифларини бекор қилади.

Имзоланган келишувлардан энг куп фойдани савдо блоки истеъмолчилари олади, чунки ракобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар доирасига нархлар пасаяди. Америка саноатчилари фойда олишади, чунки арзон ишчи кучи окими кучаяди. Кафолатланган даромаднинг усиши америка иктисодиётининг, электроника компьютер таъминоти, курилиш материаллари, автомобиль эхтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва бошқа сохаларида қутилмокда. Айни пайтда, шакар, цитрус мевалари, кишки сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари зарар курадилар. Мексикага келганда, у НАФТА ёрдамида уз иктисодий усиши суръатларини оширмокчи - тахминан ЯИМнинг 1,6%-2,6% йиллик усиши. Натижада, Мексика иктисодиётини ислох қилиш ва саноати ривожланган давлатлар клубига қушилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилга қискартириши мумкин.

НАФТАдан энг кам фойдани олдинига Канада олади. Унинг иктисодиёти АКШники билан чамбарчас боглик, Мексиканики билан жуда кам. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада купрок тортилади ва кенгаяётган бозордан диведентлар олади.

НАФТА фаолиятининг биринчи икки йилида экспорт ҳажмининг ошириш ҳисобига қушимча иш уринлари ҳосил бўлишига бўлган умид окланмади. Бундан ташқари, АКШнинг Мексика билан савдодаги ижобий сальдоси йуқолиб, 1995 йилда дефицит пайдо бўлди. Умуман олганда, НАФТА ташкил қилувчиларнинг режасига қура, тулақонли Шимолий Америка бозори 2010 йилда ташкил қилиниши мумкин. Ҳозирдаёқ, Америка иктисодчилари Аляскадан Оловли Ергача қузилган узига панамерика савдо блоки тузишни моделлаштирмокдалар.

Интеграцион жараёнлар Жанубий Америкада ҳам фаоллашмокда. Уз даврида (60-йиллар бошида) бу ерда “эркин савдо зонаси”ни яратиш, сунгра Марказий Америка умумий бозори - МАУБни ташкил қилиш режалаштирилган эди. Бирок, сиёсий ва иктисодий инкироз бу режаларни амалга оширишга имкон бермади.

90-йиллар урталарида интеграцион жараёнлар 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай (кейинрок қушилган) уртасида тузилган ва 1995 йил 1 январда қучга қирган “МЕРКОСУР” савдо пакти тузиш орқали фаоллашди. Бу пакт умумий аҳолиси 200 млн. кишидан қуп бўлган ва умумий ЯИМси 550 млрд. долл. бўлган давлатлар бирлаштирувчи янги йирик минтақавий савдо-иктисодий блок тузилишига олиб қелиши қерак.

МЕРКОСУР гуруҳи тузилиши натижасида турт давлат узаро савдосининг 90% ҳар бир тарифли тусиқлардан озод қилинади, учинчи давлатлардан импортга эса, умумий тариф структураси ва божхона қоидалари қиритилади.

Уз минтакаларида интеграцион жараёнларни ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интиломокдалар. 1989 йилда, Африка китъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокко ва Тунис иштирокида Араб Магриби Иттифоқи ташкил қилинган. Бу иттифок, ҳақидаги шартнома минтакавий интеграция даражасида кенг миқёсда иқтисодий ҳамкорликни назарда тутди. Аммо, Шимолий Африка ҳудуди бешта миллий чегаралардан ёпик, бир-биридан ажралган бозорлардан иборат.

Бошқа Африка давлатларининг иқтисодий интеграцияга интилиши ривожланган, амалда бир-бири билан иқтисодий алоқалари бўлмаган давлатларнинг Африканинг айрим субминтакаларида ички бозорнинг эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган саноатни ривожлантириш учун шароит яратишга ҳаракатни англатади. Иқтисодий ва божхона иттифокларни ташкил этиб Африка давлатлари мувофиқлаштирилган сиёсат асосида узаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни режалаштирилган эди. Натижада, алоҳида минтакаларда иқтисодиётни модернизациялаш базаси сифатида нисбатан катта сигимли ички бозорлар ташкил қилиш мўлжалланганди. Интеграция ривожланишининг муқобил йули, қуп ҳолда “уз қучлари билан” ривожланишга эришиш йули сифатида қараларди. “Уз қучлари билан” қонценцияси иқтисодиёт структурасини қайта қуриш аввало маҳаллий ресурслар, ички ривожланиш омилларини сафарбар қилиш ҳдсобига эришиш мумкинлигини қузда тутди. Бу гоё Африка бирлиги ташкилотининг 2025 йилга қелиб Африка иқтисодий ҳамжамиятини тузиш режасида ҳам бор.

Африка интеграцион жараёнларининг амалиёти, Африка давлатлари раҳбарлари томонидан эълон қилинган қуқуқулашган ҳамкорлик мақсадларининг амалга ошириш имқониятлари асосан бу мақсад ва вазифалар қақат яхши ният бўлиб қолаётганлигини қўрсатади. Қамбағал ва ривожланмаган давлатларнинг анъанавий шаклдаги иқтисодий ҳамқорлиги “қамбағаллик доирасидан” қикишга олиб қелмайди, сезиларли бир ривожланишни таъминлаайди. Шу билан бирга, Африка умумий бозори гоёси, уни ташкил қилишдаги муваффақиятсизликларга қарамасдан ҳамон қитъада машқурдир.

XX аср охирида Шарқий Осиёда интеграцией жараёнлар қучаймоқда. Турт Осиё "аждарқолари" дан бири - Сингапур, шунингдек янги оқим ЯИД - Малайзия, Индонезия, Таиланд, Бруней ва Филиппин қирган Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) қарийб 30 йил мобайнида энг муваффақиятли фаолият қўрсатмоқда. Бу гуруҳ доирасида узаро ҳамқорликнинг муваффақиятли АСЕАН қатнашчи-давлатлари қучлилигининг иқтисодиёти гуқуқураб усиши, улар ривожланишининг бир-бирига мослиги, яхши йулга қуйилган ва узок,

тарих анъаналарига эга бўлган узаро савдо алокалари, шунингдек тартибга солиб бўлинган ҳамкорлик шакли билан чамбарчас боглик.

АСЕАН режаларида 2000-йилгача катнашувчи давлатлар божларини 38 минг турдаги товарлар буйича уртача 5% гача қискартириш мулжалланган. 1995 йил охирида 2003-йилда тулаконли эркин савдо зонаси ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шаркий Осиёда иқтисодий интеграция ривожланиши истикболларини қўп жихатдан Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ОТИХ)нинг тузилиши билан боғлашади. Унга Осиё; шунингдек Шимолий ва Жанубий Американинг 18 давлати аъзо. Халқаро экспертлар башоратига қўра, Шаркий Осиё ЯММ ҳажми буйича 2000 йилгача қелиб Ғарбий Европани, 2002 йилга қелиб эса, Шимолий Американи ортида қолдириши мумкин.

ОТИХ, режаларига мувофиқ, 2020 йилга қелиб, жаҳонда энг йирик божхона ва ички тусикқарсиз эркин савдо зонасини ташкил қилиш назарда тутилган. Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини баҳолаган қўлаб мутахассислар унинг ривожланиши стихияли ва узига ҳослигини таъкидлайдилар. Бунинг устига интеграцион муносабатлар етуклик даражаси ҳозирча унчалик юқори эмас. Масалан, АСЕАН тузилишидаги савдо зонасини иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, тариф ва тарифли тусикларсиз эркин савдо зоналарига қиритиш мумкин. ОТИХга нисбатан эса ҳозирча эркин савдо зонаси деб эмас, "эркин иқтисодий асоциация" деб айтиш мумкин. Айни пайтда, иқтисодий сиёсатни узаро мувофиқлаштириш натижасида минтақанинг ички савдоси ва капитал бозорларининг тез ривожланиши бутун Осиё-Тинч океани минтақасининг интеграциянинг биринчи босқичи, яъни, эркин савдо зонасига утишига имқон беради. Бунинг устига Осиё-Тинч океани минтақасидаги субминтақа ва гуруҳлардаги айрим давлатлар интеграциялашув даражаси етарли даражада юқори ва улар бутун минтақада интеграцион жараёнлар тезлаштирилган ривожланишининг узига ҳос полюси, ячейкаси бўлишлари мумкин. Масалан, "Усиш учлиги"- Жанубий Хитой иқтисодий зонаси (ХХР, Гонконг, Тайван). Усишнинг "олтин учлиги" (Индонезия, Малазия, Сингапур), Япон денгизи хавзаси давлатлари иқтисодий зонаси, Хиндиқуш иқтисодий зонаси мавжуд.

Интеграцияга, яъни, узаро ҳамкорликка интилиш Форс қўрфази араб давлатлари орасида ҳам қўзатилмоқда. 1981 йилдан Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон ("нефть олтилиги")ни уз ичига олган Ҳамкорлик Қенгаши фаолият қўрсатмоқда. 1992 йилда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ-ЭҚЮ) ташкил қилиниши ҳақида эълон қилинди. Уни ташкил қилиш тақлифини Эрон, Покистон ва Туркия қиритди. Таъсисчилар фикрича, ИХТ-ЭҚЮ узида МДХ мусулмон республикалари - Урта Осиё,

Козогистон, Озорбайжонни хам бирлаштириладиган бўлажак Марказий Осиё умумий бозорининг тимсоли бўлмоғи лозим.

Ривожланаётган давлатлар ҳамкорлиги, уларнинг интеграцияга бўлган интилишлари хакида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, реал интеграцион жараёнлар хали жуда кучсиз ва бир-биридан характери, харакатлантирувчи омили, ривожланиш суръатлари билан фарк, килади. Ривожланаётган давлатларда амалда интеграция хакикий, ривожланган куруниҳда, яъни, доимо ривожланаётган ва чуқурлашаётган хам алоҳдда фирма ва корхоналар даражасида, хам умуман миллий хужаликлар дараясасидаги бевосита давлатлараро алокалар шаклланиш жараёни мавжуд эмас. Ривожланаётган давлатларнинг иктисодий ҳамкорлиги, улар эълон қдлган интеграцион максадлар интеграцион жараённинг тайёргарлик боскичи, холос. Эълон қилинган интеграцион гуруҳларнинг купчилиги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг етук эмаслиги, миллий хужаликларнинг оддий ва структуравий дифференциясизлигини, бозор ва молия инфраструктураларининг ривожланмаганлиги бу тузилмаларни ё харакатсиз қолдирди ёки бутунлай муваффақиятсизликка учратди.

Мухокама учун саволлар

1. Саноати ривожланган давлатларнинг интеграцияга интилишлари асосида нима ётади?

2. Нима учун хакикий тенг ҳуқуқлилиқ асосида фақат иктисодиёт ривожланганлик даражаси ривожланган давлатлар интеграциялашуви мумкин?

3. Ўзбекистоннинг халқаро интеграцион жараёнлардаги иштироки хакида сузлаб беринг.

Адабиётлар

1. Фомичев И.С. Международная торговля., М. 2001 г.

2. Портер М. Международная конкуренция. М.: Международ. отношения, 2000.

3. Линдерт П. Экономика мирохозяйственных связей. - М.: Прогресс, 2001.

4-мавзу. Ташки ва халқаро савдо сиёсати.

4.1. Мақсади ва йўналишлари.

4.2. Ташки савдонинг нарх билан боғлиқлиги.

4.3. Эркин савдо ҳудудлари ва божхона иттифоклари.

4.4. БСТ (Тарифлар ва савдо бош битими (БСТҒАТТ)).

4.5. Божхона ҳамкорлиги кенгаши.

4.1. Мақсади ва йўналишлари.

Турли мамлакатлар жаҳон иқтисодиётида ва алоҳида товар бозорларида турли мавқега эгадирлар. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун халқаро савдонинг ҳар бир иштирокчиси маълум ҳаракатларни амалга оширишга интилади, яъни бу соҳада маълум сиёсат юргизади. Халқаро савдо соҳасида икки асосий сиёсат тури мавжуд: ташки савдо сиёсати; халқаро савдо сиёсати. политика.

Ташки иқтисодий сиёсат ҳар қандай миллий иқтисодиёт тараккиётини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Бир-биридан фарқ қиладиган иккита модель мавжуд. Биринчи модель жаҳон бозори билан мустаҳкам боғлиқ, экспортта ишлайдиган тармоқлар устунлик қиладиган очик иқтисодиётни вужудга келтиришга қаратилган. Иккинчи модель божхона тусидаги баланд ва импорт урнини босадиган ишлаб чиқаришлар устунлик қиладиган маҳдуд ҳужалиқни афзал қуради.

Бизда вужудга келадиган конкрет шароитлар ҳисобга олинadиган очик иқтисодиёт модели асос қилиб олинган. Бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларига ўтиш, чинакам мустақилликка эришиш Ўзбекистон иқтисодиётининг очиклигига ва унинг жаҳон ҳужалиқ алоқаларига фаол қўшилишига қаратилган йўлни амалга ошириш билан ҳамма вақт боғлиқ. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ва унда республика учун тула ҳуқуқли аъзо урнини таъминлаш асосида халқаро меҳнат тақсимотини афзалликларидан мумкин қадар қўпроқ фойдаланиш имконини бермоқда.

Жаҳон бозорлари учун очик бўлган иқтисодиётни шакллантириш, ушбу вазифани ҳал этишга қаратилган ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш Ўзбекистон давлати мустақиллигининг қўлқўлатларидан бири ва унинг халқ ҳужалигини барқарорлаштириш омилidir. Иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг "фақат ўз қўчларига таяниш" каби автаркияга ҳос назарияларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Ҳозирги шароитда халқаро меҳнат тақсимотидан мустақил яшаш мумкин эмас.

Ҳозир ҳатто қатта ҳудудга, қўп миллионли аҳолига, ҳилмаҳил ресурсларга эга бўлган мамлакатнинг ҳам бошқа давлатлар билан доимий ва кенг қўламдаги иқтисодий алоқаларсиз ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Миллий иқтисодиётнинг ҳилмаҳил эҳтиёжлари қўп ва

тобора ортиб бораётган даражада чет элдан махсулот олиб кириш ҳисобига кондирилмокда.

Уз кучларига ишониб иш тутиш даври утиб кетди. Узиниузи таъминлаш йули ҳозирги шароитда иктисодий ва ижтимоий тараккиёт йулидаги говга айланмокда, у ресурслардан нотугри фойдаланиш билан боглик ҳамда бозор иктисодиётига утишни кийинлаштиради.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ички бозорни тулдириш муаммоларини фақат уз ишлаб чиқариши ҳисобига самарали хал килишга уриниш маглубиятта махкумдир. Ҳозирги инсон эҳгиёжлари шу кадар хилмаҳилки, уни "натурал хужалик" доирасида, мамлакатнинг жаҳон бозорларидан ажралган ҳолда кондириб бўлмайди. Ёпик иктисодиётни шакллантириш мукаррар суратда купгина тармоқлар ва миллий якка ҳоким корхоналарга сочилиб кетган юз минглаб товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади.

Бундай шароитда бозор ракобати ва у келтириб чиқарадиган сифатли ва арзон товарлар ҳамда хизматларнинг мулкуллиги хакида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Автаркия умуман ҳеч қачон айникса уртача катталиқдаги мамлакатда, миллий иктисодиётда ижобий натижалар ва фаровонликка келтирган эмас.

Жаҳон иктисодиётига киришнинг афзаллиги шундаки, ташкаридан бўладиган ракобат таъсирида мамлакатнинг уз компанияларининг унумдорлиги ошади. Истеъмолчилар югадилар, чунки товарлар ва хизматларнинг тури купаяди, ихтисослашувнинг чуқурлашиши ва халқаро ракобатнинг кучайиши туфайли нархлар пасаяди. Амалиёт яна шуни ҳам кўрсатдики, очиктурдаги иктисодиёт ташкаридан бўладиган ноқулай ларзаларга (иктисодий тангликлар ва бошқаларга) мослашишда катта имкониятларга эга ва у табиий ресурслардан самарасиз ва унумсиз фойдаланилишига камрок йул куяди. Бундан ташқари, иктисодий маконнинг кенгайиши ички бозорнинг нисбатан торлиги муаммосини баргараф этади ва оршкча, мамлакатда урнини топмаган инвестициялар окимини бошқа мамлакатлар ва минтақаларга йуналтириш имконини берадики, бўлар ҳам жадал ривожланаётган иктисодиётлар учун жуда муҳимдир.

XX асрнинг охирги ун йиллигида фан-техника революциясининг янги босқичи ва хужалик хаёти байналминаллашувининг чуқурлашишида ташки иктисодий омилнинг роли тухтовсиз ошиб бормокда. Иктисодий ривожланишнинг асосий мазмуни эркинлаштиришнинг жаҳон микёсида кейинги ун йилликда кенг куламда юз бериши бунинг исботидир.

Шу билан бирга бу тамойил социализмдан кейинги мамлакатлар учунгина эмас (бу мутлақо аён ва табиийдир), балки жаҳоннинг ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлари учун ҳам ҳосдир. Эркинлашгириш айрим олинган мамлакатнинг ичидаги иктисодий сиёсат даражасида ҳам, шунишдек халқаро иктисодий муносабатлар даражасида

хам намоён бўлмокда. Халқаро савдони, инвестициялар тартиботини капиталлар ҳаракатини эркинлаштириш миллий иқтисодийнинг самарадорлиги ва жадаллиги даражасини оширишга ва, бинобарин, иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлишга қодир. Ҳозирга вақтда дунё иқтисодий макони узаро савдо ва инвестиция оқимлари билан боғлиқ миллий иқтисодиётлар тармоқ эмас, балки борган сари купрок минтакавий ва миллий шўъбаларга эга ягона инвестиция, ишлаб чиқариш, савдо майдонига айланиб бормокда.

Гарчи ҳар бир мамлакат, минтакалар иқтисодий тараққиётда турли даражаларга эринган ва шунта мувофиқ ҳал ҳил иқтисодий манфаатларга эга бўлишга қарамай, эркинлаштириш ва интеграция бош тенденция бўлиб, у ҳали узок вақт амалга ошиб боради.

Миллий ҳужалиқда ташки иқтисодий алоқаларнинг роли қандай? Гапни мамлакатда бўлмаган ёки етишмаётган ишлаб чиқариш воситалари машиналар, ускуналар, қурол асбоблар, бутловчи материаллар, агрегатлар, қисм ва деталлар, шунингдек қайта ишлаш учун ҳом ашё ва ишлаб чиқаришда фойдалани учун конструктив материалларнинг келиши айнан ана шу ташки иқтисодий алоқалар орқали таъминланишувдан бошлайлик.

Агар ҳақиқатан ҳам энг муқаммал, илғор нарсалар сотиб олинса ва келтирилган машина ҳамда ускуналар минглаб яшчиларда базалар ва оғборхоналарни банд қилиб, маънавий эскириб ва жисмонан яроқсиз ҳолга қилиб ётмасдан, тез ва унумли ишлатилсагина, импорт қилинган техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга ижобий таъсири таъминланади.

Импорт Ўзбекистон халқ ҳужалиғи ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ҳом ашё ва материаллар, қунончи, қора металллар проқати, қувурлар, юқори босимга қидайдиған полиэтилен ва бошқаларга бўлған талабни қовдиришда муҳим роль уйнайди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш учун қерақли бир қатор ҳом ашғ товарлари борқи, уларга бўлған эҳтиёж батамом ёки асосан ташқи бозордан қарид қилиш ҳисобиға қондирилади. Ҳом ашё импортсиз, қупгина товарларни узимизда ишлаб чиқаришни қамайтиришға, балқи бугунлай тухтатишға тугри қелған бўларди.

Экспорт ҳам ишлаб чиқаришға қатта таъсир қўрсатади. У қотиш имқониятларини қенгайтиради, махсулотни сериялаб чиқаришни қупайтириш имқонини беради ва ҳунга мувофиқ равишда унинг таннарҳини арзонлаштиради, самарадорлиқни оширади. Ташқи бозорға махсулот етқазиб бериш ишлаб чиқариш тузилишини қайта қуришға, халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобға олған ҳолда уни янада унумли қилишда ундайди.

Бошқа давлатларға қарағанда анча қулайроқ ишлаб чиқариш шароитларидан фойдаланиш ташқи бозорда товар сотғанда қушимча фойда олиш ва миллий даромадға қапа ҳисса қушиш имқонини беради.

Экспортга товар чиқариштабий ресурсларни улашгириш ва хужалик оборотига жалб эташучун кучли туртки беради ва иктисодий ҳаётни фаоллаштиради. Жаҳон бозорининг товарлар сифатига юкори галаблар куйиши мамлакатнинг узида сотиладиган махсулотга ҳам анча юкори техникавий шарглар жорий этилишига ёрдам беради. Жаҳон бозорида эътироф этилган, у ерда бошқа мамлакатларнинг махсулотлари билан каттик ракобатга дош бера олган товар ички бозорда ҳам юкори сифат меъёри бўлиб қолади.

Жаҳон бозори нархлари ҳам ишлаб чиқаришнинг тузилишига ва махсулот сифатига уз таъсиршш кўрсатади, чунки улар муайян товарни чиқариш учун килинадиган харажатларнинг жаҳондаги уртача даражасини кўрсатади. Улар харакатининг асосий тамойиллари кайси тармоқпарни ривожлантириш, кандай товарларни ишлаб чиқариш дунё буйича талаб билан таклифнинг узаро нисбатини ҳисобга олган ҳодда иктисодий жихатдан фойдалирок, нимани эса мамлакатдаги ишлаб чиқариш шароитлари бошқалардаги шундай шароитларга караганда нокулайрок бўлгани учун импорт билан алмаштириш мақсада мувофикрок эканлигини уйлаб куришга имконят тугдиради.

Ташки иктисодий алокалар фантехника тараккиётини жадаллаштиришга ҳам куп жихатдан ижобий таъсир кўрсатади. Бу жадаллаштириш фақат энг янги техника ва технологияни олиб кириш оркалигина залас, балки борган сари купрок биргаликда илмий ишланмаларни амалга ошириш, тадқиқотларни, лойиҳаларни бажариш, ускуналар, машиналар ва материаллар намуналарини тайёрлаш йули билан ҳам юз беради. Бу иш миллий ва халқаро илмий ҳамда ишлаб чиқариш жамоалари томонидан ҳам халқаро, ҳам икки томонлама дастурлар доирасида амалга оширилади. Ҳамма даражадаги ходимларнинг ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳасидаги илгор тажрибани эгаллаб олиши муҳим омилдир. Бунга ташки иктисодий алокалар ҳам катта имкониятлар очиб беради. Бу алокалар бошқа мамлакатларнинг маркетинг ю менежментни, илмий тадқиқотларни, курилишдаги ишланмаларни ташкил этишдаги ҳамда энг самарали усулларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаш синовдан утган тажрибасидан фойдаланиш имконини беради.

Ташки иктисодий алокаларнинг мамлакат аҳолисини халқ истеъмоли саноат ва озиковкат товарлари билан таъминлашдаги иштироки ҳам анча муҳимдир. Бундай таъминлаш мазкур товарларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни куриш ва мавжудларини техника билан кайта куроллантириш учун чет элдан машиналар, ускуналар ва технологиялар ҳамда етишмаётган хом ашёни харид килиш ва келшриш йули билан ҳам, шунингдек тайёр буюмлар ва озиковкат махсулотларини бевосита юшорт килиш йули билан ҳам амалга оширилади.

Ташки иктисодий алокалар ишлаб чиқариш корхоналарини янада мукамалрок техника билан куроллантиришга, илгор технология ва

тажрибани ҳамда ишлаб чиқаришнинг янада унумлироқ тузилишини жорий этишга, табиий ресурсларни узлаштиришга чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга ёрдам бериб, янги буюмлар чиқаришни ташкил этишга кетадиган вақтни қисқартириб, ишлаб чиқариш ва бутун хужалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга, ҳосил килинган миллий даромадни купайтиришга қада хисса қўшмоқда. Улардан келадиган асосий самара ижтимоий сарфларни (меҳнат, маблағ ва вақт сарфини) тежаш, мамлакатда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаёт учун янада қулайроқ шароитлар яратиш ҳисобига юз беради.

Бирок ташки иқтисодий алоқаларнинг фойдалилиги, самаралилиги ва мақсадга мувофиқлиги бу билан чекланмайди. Улар турли мамлакатларда худди шундай товарларни (ёки улар урнини босувчи товарларни) ишлаб чиқариш шароитларидаги ва шунга мувофиқ миллий харажатлардаги фарқлар туфайли жаҳон боторида унумли айирбошлаш натижасида миллий даромадни сезиларли даражада оширади. Мамлакат чет эддан келадиган товарларни узида ишлаб чиқариш учун келадиган харгясатлар (бундай ишлаб чиқаришнинг купинча импортга қарши ишлаб чиқаришдек ҳам атайдилар) уларни ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги чикимлар импорт учун ҳақ тулашга қарағи шварларни экспорт қилиш чикимларидан (экспорт эквивалентидан) қўп ёки ортиқ бўлган ҳолларда фойда қўради.

Шундай қилиб, миллий хужаликларнинг умум жаҳон меҳнат тақсимоотида қўл иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият қўрсатишини муҳим шартга айланиб бормоқда. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хужалигига қўшилиши масаласи жуда долзарб бўлиб қолди. Фақат шу йўл билангина жаҳон фантехника ва иқтисодий тараққиётга етишиб юриш мумкин; фақат дунёга очик иқтисодиётгина жаҳон хужалигидан, халқаро меҳнат тақсимоотидан келадиган ижобий импульсларни ўз вақтида қабул қилиб олишга қодир. Аксинча, бугун дунёдан "темир" ёки "бамбук нарда" билан тусилган иқтисодиёт муқаррар суратда қолоқликка, тургунликка ва таназзулга маҳкумдир.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хужалигига муносиб равишда қириб боришига йўналтирилган стратегия республиканинг иқтисодий салоҳиятига асосланиш реал вазиятдан қилиб қикқан ҳолда турилади ва у давлатимизни сиёсий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган. Бунда иқтисодий ислохотнинг рақобат мавжуд ички бозорларини вужудга қелтириш ва ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш қораларини ўйғунлаштириш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро бозорга муқтақил суратда қикиши олдидаги бошланғич иқтисодий салоҳияти жаҳон хужалигига самарали қўшилишга умид қилиш имконини берди. Бу салоҳиятга қўйидагилар ҳос:

ер, минерал хом ашё ва усимлик ресурсларининг катта захиралари, шунингдек қайта ишлаш саноатининг хом ашё базаси сифатида кишлок хужалигини ривожлантириш учун қулай ноёб тупрок.иклим шароитларининг мавжудлиги;

республикани жаҳон хужалиги алоқаларига тортишга имкон берадиган нисбатан ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, тупланган илмий техникавий салоҳият, барча боскич мутахассисларининг етарли даражада юксак тайёргарликка эгаллиги;

аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг юқори ва барқарор суръатлар билан қайта тикланиб, халқ хужалигини шилловчилар билан таъминланишини узишига ҳамда ишчи ва хизматчилар тайёрлаш кенгайиб борган сари экспорт салоҳиятининг тез ва самарали ортиб бориши учун катта имкониятлар очилишига олиб келиши;

халқаро сайёҳликни ривожлантириш учун катта имкониятлар (жаҳоншумул аҳамиятга молик қадимги ёдгорликлар, ноёб ҳордиқ чиқариш шароитлари, анъанавий бадиий ҳунармандчиликларнинг кенг ёйилганлиги қабилар)нинг мавжудлиги.

Ўзбекистонда иш энг аввало иқтисодий ва ижтимоий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган яхлит чоралар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан бошланди. Бу чоралар республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотни қанча ишлаш даражасини чуқурлаштиришни, ҳаммадан қуқроқ валюта талаб қиладиган импортни сиқиб чиқарадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни назарда тутди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг стратегия жихатидан муҳим ресурслар билан узини узи таъминлаши ортиди, иш билан бандлик барқарорлашди. валюта тежални ва ундан янада самаралироқ фойдаланиладиган бўлди.

Тузилмавий силжишларни амалга ошириш қуқ миқдорда капитал маблаг қуиини ва стратегия жихатидан муҳим ресурсларни ишлаб чиқаришни қуқайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини бажариш устидан маъмурий назоратни сақлаб қолишни талаб қилди.

Агар нефть, олтин, бугдой қабии ресурсларни ишлаб чиқишни бир неча баравар қуқайтириш масаласи эркин бозор ваҳусусий капитал қуқлари билан ҳал қилинса эди, бунга ун йиллар кетарди. Муқтақил Ўзбекистонда бунча буш вақт йуқлиги сабабли давлат бошқарувининг, шу жумладан ташки иқтисодий алоқаларнинг ҳам, бутун қуқрати аввал бошданок ана шу масалаларни ҳал қилишга қаратилди.

Ташки иқтисодий фаолиятга давлатнинг кенг қамровли яққа ҳоқимлигидан уни эркинлаштиришга утишининг бир неча йил давомида, босқичмаг босқич амалга оширилиши ҳам йирик иқтисодий ҳоқимиягни давлат қуқида туплаш заруратини тугдирди.

Ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг биринчи босқичида бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилган меъёрий база ишлаб чиқилди ва қабўл қилинди.

Айни вақтда умумреспублика экспорт ресурсларини ташкил этувчи пахта, ипак, коракул, мрамор, олтин ва бошқа товарларни экспорт қилишга бўлган мутлақ ҳуқуқ давлат қулида қолди. Ташқи иқтисодий фаолият умуман давлатнинг қаттиқ назорати остида бўлди, экспорт ва импорт операцияларининг қупчилик қисми бўйича тариф билан ва тарифсиз бошқариш-чоралари қулланилди. Экспорт тушумининг давлат қулида марказлашуви мисли қурилмаган қиска муддатларда структуравий қайта қуриш масалаларини ҳал қилишга имқон бериб, мамлакатнинг валюта ресурсларини маъмурий йул билан назорат қилишни талаб қилар эди.

Бир қатор стратегик ресурсларни импорт қилишнинг урнини босиш соҳасидаги қатъий чоралар мамлакатнинг сиёсий иқтисодий ҳавфсизлигини анча оширишгагина эмас, балки ташқи иқтисодий алоқаларни реал эркинлаштириш учун шароитлар яратишга ҳам ёрдам берди.

Ислохотларнинг янги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаларини ҳал қилишда энг муҳим омил бўлди. 1994-1995 йилларда ташқи иқтисодий соҳада амалга оширилган ўзгаришлар энг аввало Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимооти тизимида янада самаралироқ қириб боришига ва чет мамлакатлар билан иқтисодий асосланган савдо муносабатларини шакллантиришга қаратилди.

Ўзбекистан Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- экспорт-импорт операцияларини марказлашувдан ҳоли қилиш;
- давлат эҳтиёжлари. учун қеракли товарларни экспорт ва импорт қилиш устидан назоратни қучайтириш;
- давлат учун стратегик муҳим бўлмаган товарларни экспорт қилишни осонлаштириш;
- стратегик муҳим товарларни экспорт қилишдан қеладиған валюта тушумини назорат қилишни қучайтириш;
- чет эл инвестицияларини жалб этиш ва экспорт фаолиятини ривожлантиришдан иборат давлат сиёсатини бутунчоралар билан рағбатлантириш.

Ташқи иқтисодий алоқалар мажмуасининг миллий иқтисодиётга таъсир қўрсатиши муайян миқдор ва сифат қўрсаткичларида баҳоланиши мумкин.

Энг аввало республиканинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки ёқи уларга жалб этилиши қандай эканлигини билиш муҳимдир. Бу экспортнинг ялпи миллий маҳсулотга (ЯММ) нисбати билан белгиданади. Бу қўрсаткич мамлакатнинг экспорт қвотаси деб аталади. У қанча юқори бўлса, давлат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар юқори даражада жалб этилған бўлади.

Бирок бу кўрсаткич халқаро иқтисодий муносабатларнинг сифат тузилишини кўрсатмайди, Шу сабабли уни ифодаловчи яна бир кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу реал экспорт квотаси бўлиб, у экспортнинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришига нисбати билан улчанади. Ривожланган мамлакатлар учун у тахминан 4050 фоизга тенг.

Ташки иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун купгина кўрсаткичлар кулланилади. Шулардан куйидагиларини алоҳида кўрсатамиз:

1. Экспортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи. У ташки бозорда товарларни сотишдан тушган соф валюта тушумининг мамлакатда уларни ишлаб чиқариш ва ташишга килинган харажатларга, агар товарлар кредитга сотилган бўлса, кредит таъсирининг коэффициентини ҳисобга олган ҳолдаги нисбатини ифодалайди. Товар кредитга сотилганида экспортнинг самарадорлиги одатда камаяди, бироқ кредит берилмаса, товарларни ташки бозорда сотиш купинча кийинлашади, баъзан эса умуман мумкин бўлмайди.

2. Импортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи мамлакатга олиб келинган товарларнинг уларни ишлаб чиқаришнинг ички шартшароитлари бўйича уларни сотиб олиш ва чегарагача етказиб келтиришга килинадиган тулик валюта харажатларига нисбатидир.

Экспортдан килинган зарарлар купинча импортдан килинган даромадлар билан копланиши туфайли, юқорида айтиб утилган кўрсаткичларни тугрилаш учун тузатиш коэффициентлари: импорт учун экспорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти ва шунта мувофик экспорт учун импорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти жорий этилади. Экспорт учун коэффициент муайян мамлакатга товарлар экспорт килишдан тушган жами валюта тушумини уларни ишлаб чиқаришга килинган барча харажатларга бўлишдан утадиган сондир, импорт учун коэффициент эса импорт килинган товарларни мамлакатнинг узида ишлаб чиқарилган тақдирда сарфланиши мумкин бўлган харажатларни бу товарлар хакини тулаш ва келтиришга кетган валютадаги харажатлар суммасига бўлиш натижасидир. Чет эл валюталарининг харид кучи бўйича ҳам тузатиш киритилади.

3. Ташки савдо айирбошлаш самарадорлигининг кўрсаткичи суратдаги импорт килинган товарларнинг киймат баҳоси (мамлакатнинг узида ишлаб чиқарилган тақдирда уларга ёки улар урнини босувчи товарларга килинадиган барча харажатлар)ни кўрсатувчи сонни маҳраждаги экспорт килинган товарларни ишлаб чиқаришга ва ташишга сарфланган барча халқ хужалик харажатларини билдирадиган сонга бўлишдан чиққан бўлинмани билдиради. Бу, кўрсаткични хажм (киймат) жихатидан тенг бўлган экспорт ва импорт учун аниқлаш керак. Муганосиб бўлмаган қисми учун экспорт ёки импортнинг самарадорлик кўрсаткичи (қайси бири куплиги) алоҳида алоҳида аникланади. Ускуналарни импорт

килиш самарадорлигини баҳолаганда вакг ва сифат омилига тузатиш киритилиши мумкин.

4. Лицензия сотиб олиш самарадорлигининг кўрсаткичи шундай нисбатдирки, унинг суратида чет элдан сотиб одинган янги технологияга ёки бошка янгиликка лицензиядан вақт омилини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишдан келадиган халк хужалик самараси миқдори, махражида эса лицензия хакини тулаш учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга килинадиган харажатлар туради. Лицензия олишсотиш муносабати билан Товар айирбошлаш ва ҳамкорлик килишнинг фаоллашувй ва фойдаси сингари омиллар ҳам ҳисобга олинади.

Юкорида айтиб утилган кўрсаткичлар нисбийдир. Улар олинган фойданинг ёки килинган харажатларга нисбатан курилган зарарнинг даражасини, яъни айирбошлашнинг сифат томонини билдиради, аммо миқдор ифодасини, ташки иктисодий фаолиятдан келадиган самаранинг мутлак миқдорини билдирмайди. Ана шу миқдор импорт килинган товарлар мамлакатнинг узида ишлаб чиқарилганида халк хужалиги киладиган барча харажатлар билан экспорт килинган товарлар учун килинган ана шундай харажатлар уртасидаги фаркка тент бўлади ва одатда етказиб бериладиган ва харид килинадиган товарларнинг йиллик хажмида ҳисоблаб чиқарилади.

Шу тарика аникланадиган самарани билвосита самарадан фаркли уларок, бевосита самара деб ҳисоблаш керак. Билвосита самара ана шу алокаларнинг фантехника тараккиётини жадаллаштиришга, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш муддатларни кискартиришга ва янги махсулот чиқариш узлаштиришга, моддий (товар) балансларини яхшилашта, мамлакатда иктисодий хаётни фаоллаштиришга таъсир кўрсатиши натижасида вужудга келади.

4.2. Ташки савдонинг нарх билан богликлиги.

Равшанки, халкаро савдонинг ишлаб чиқаришга, истеъмолга ва фаровонликка таъсири куп жихатдаи жахон нархларининг карор топган нисбати билан белгиланади. Шу сабабли иктисодчилар савдонинг нарх билан боглик шартларига ёки, бошкача килиб айтганда, мамлакатдаги экспорт нархларининг импорт нархларига нисбатига катта эътибор берадилар.

Агар "савдонинг нарх билан боглик шартлари" тушунчаси иккитадан ортик товарга тегишли бўлса, у экспорт ва импорт нархлари (миллий ёки бошка валюта бирликларида) индексларининг нисбати сифатида куйидаги формула буйича ифодаланиш керак:

$$T = \frac{H_{эк}}{H_{им}}$$

Бунда Тсавдонинг нарх билан боглик шартлари, $N_{эк}$ экспорт нархлари индекси; $N_{им}$ импорт нархлари индекси.

Бунда экспорт нархлари индекси куйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$N_{эк} = \frac{\sum p_i q_i}{\sum p_i q_i}$$

бунда $\sum p_i q_i$ хар бир товар (i)нинг базис йилдаги жами экспорт кийматидаги улуши, $N_{эк}$ эса шу товар жорий нархининг базис йилдаги баҳосига нисбатидир.

Импорт нархлар учун индекс ҳам шундай ҳисобланади:

$$N_{им} = \frac{\sum p_i q_i}{\sum p_i q_i}$$

бунда $\sum p_i q_i$ хар бир товар (i) нинг базис йилдаги жами импорт кийматидаги улуши, $N_{им}$ эса шу товар жорий нархининг базис йилдаги ҳажмига нисбатидир.

Экспорт ва импорт нархларининг бундай индекслари ҳукумат органлари томонидан мунтазам ҳисоблаб борилади ва, масалан, Халқаро валюта фонди томонидан International Financial Statistics ойномасида эълон қилиб борилади.

"Савдонинг нарх билан боглик шартлари" кўрсаткичининг усишини одатда ана шу шартларнинг яхшиланиши деб атайдилар. Агар чет элликлар узларига сотилаётган хар бир экспорт бирлиги учун бизга катта миқдорда импорт билан ҳақ туласалар, биз бундан ютишимиз назарда тутилади. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Савдонинг нарх билан боглик шартлари уз ҳолича савдонинг фойдалилиги ҳақида тула тасаввур бермайди, бу кўрсаткичнинг ҳаракати эса фақат муайян вазиятлардагина ташки иқтисодий алоқаларнинг самарадорлиги уша йуналишда ўзгариши билан мос келади. Агар савдо шартлари чет эллик шерикларимизда ўзгаришлар юз бериши натижасида "яхшиланса", биз бундан ҳақиқатан ҳам ютамыз. Агар бизнинг экспортимизга бўлган талаб ва импортни таклиф қилиш қупайса, биз ҳақиқатан ҳам купрок фойда оламыз ва бойрок бўламыз.

Лекин энди бизнинг ҳуқуқдоримиздаги қандайдир ўзгаришлар натижасида савдо шартлари ўзгарди, деб фараз қилайлик. Айтайлик, узбек тадбиркорлари (қўйлақлар ва шакар ҳақидаги мисолимизни эслайлик) қўйлақларни анча самаралирок ишлаб чиқара бошладилар ва экспорт ҳажмини оширдилар, бу эса нархларнинг пасайишига ва савдо шартларининг "ёмонлашувига" олиб келди. Бундан Ўзбекистан узундан нималарнидир ютказди ва савдо унинг учун камрок фойда келтира бошлайди, деган маъно чиқмайди. Мамлакат ишлаб чиқариш самарадорлигининг усишидан ҳам, қўйлақлари анча арзон нархларда экспорт қилиш ҳажмининг ортишидан ҳам бир вақтда ютукка эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, савдонинг нарх билан борлик шартлари тапхи иқтисодий алоқалар натижаларидаги ўзгаришларни баҳолаш учун муҳим маълумот беради, аммо бу баҳолардан бошқа маълумотлар савдо ҳажмлари

ва нархлар ўзгаришининг сабаблари тугрисидаги маълумотлар билан бир каторда фойдаланиш керак.

4.3. Эркин савдо ҳудудлари ва божхона иттифоклари.

Куп мамлакатларнинг тадбиркорларй хорижий ракибларнинг уз миллий бозорларига кириб келишигайул куймаслик учун кучини аямайди. Уларнинг максади равшанхорижий ракобат хотиржамликка йул куймайди, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилашга, харажатларни камайитириш ва сифатни яхшилашга мажбур килади.

Истеъмолчиларни эса яхши, сифатли ва арзон товарлар купрок бўлиши кизикгиради; товарнинг каердан келтирилгани, уни ишлаб чиқаришдан ким фойда олаётгани уларни унчалик кизикгирмайди.

Бу вазият дунёдаги куп мамлакатларда юз бераётган иктисодий ва сиёсий низоларнинг доимий манбаидир. Ҳукумат уз иктисодий сиёсатини мамлакат бозорида импорт товарлар пайдо бўлишидан юткизмайдиган, балки ютадиган килиб амалга ошириши керак.

Давлат мамлакатга товарлар олиб келинишини (олиб чикиб кетилишини) чегаралаши ёки, аксинча, рағбатлантиришига караб, унинг ташки иктисодий стратегиясининг турт асосий тури фаркланади.

1. Кисман ажралиш стратегияси ички бозорга товарларнинг айрим турларини кириб келишига йул куймаслик максадида амалга оширилади. Масалан, мамлакат ахолиси турмуш тарзига, мафқурасига мос келмайдиган киновидеомахсулотлар, матбаа нашрлари.

2. Протекционизм (лотинча "protectio" химоя, хомий сузидан) стратегияси ички бозорни хорижий ракобатдан химоя килиш стратегияси. Одатда бу стратегияда экспорт учун махсулот ишлаб чиқаришни ратбатлантириш, импорт махсулотлар урнини кисман коплаш билан кушиб олиб борилади. Агар миллий ишлаб чиқариш ракобатбардош бўлмаса, давлат бундай стратегияни тадбиркорлик тузилмаларининг тазийки билан кабўл килади. Протекционизм мамлакат тадбиркорлари учун алохида имтиёзли шароит яратишдир, бундай шароит миллий иктисодиётга турли окибатлар келтиради.

Бир томондан, импортнинг чеклаб куйилиши истеъмолчиларга ва умуман мамлакатга зарар етказади, чунки халкаро меҳнат таксимоти афзалликларидан фойдаланилмайди. Иккинчи томондан, маҳаллий тадбиркор учун хорижий ракобатчиларга карши протекционистик тарздаги "хомийлик" чоралари миллий компаниялар ва фирмалар каддини ростлаётган пайтда жуда зарур. Бу чоралар хужалик юритишнинг янги шаклларига омон қолиб, куч туплаш имконини беради.

Масалан, япония авгомобилсозлигининг тез ривожланганини сабаби хозир жаҳонга машхур бўлган фирмалар ("Мазда", "Ниссан", "Тойота") оёкка тураётган шароитда ҳукумат амалга оширган протекционизм сиёсатидир. Ҳукумат 1932 йилда хали мустаҳкам оёкка турмаган бу

автокомпанияларни Америка автомобил саноатининг улкан корхоналаридан химоя килиш мақсадида хорижий машиналар ва эҳтиёт қисмларининг импорт қилинишига бож туловларини кескин оширди.

Протекционизм миллий иқтисодиётга салбий оқибатлар келтириши ҳам мумкин. “Хомийлик” шароити технологияси эскирган ишлаб чиқаришнинг сакланиб қолишига (монополия яқкахокимлик самараси) олиб келиши мумкин.

Бу уринда биз умуман мамлакатнинг узок, муддатли иқтисодий манфаатлари билан унинг фуқаролари айрим гуруҳлари уртасидаги зиддиятнинг классик намунасини курамиз. Халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимотида ишгирок этишдан бутун мамлакат деярли ҳамиша фойда курса, мамлакат фуқароларнинг айрим гуруҳлари бундан зарар қурайши ва “миллий иқтисодиёт”ни химоя этишни талаб қилиши мумкин.

Бу муаммо МДХ мамлакатларида айниқса кескин бўлиб турибди, чунки бу мамлакатларда бозор дарвозалари хорижнинг арзон ва сифатли маҳсулотларига очиб қуйилса, қўпгина тармоқларнинг маҳсулотлари ички бозорда импорт товарлар билан рақобатга бардош бера олмайд.

Бундай ҳолда қўп корхоналар синади (банкрот бўлади) ва ёпилиб қолади, уларнинг собиқ ходимлари эса иш қидиришга мажбур бўлади. Масалан, 1992 йилда шундай вазият вужудга келдики, Россияга чет мамлакатдан (мисол учун Эстониядан) келтирилган гушт (айниқса Эстонияга қўшни Псков вилоятидаги) маҳаллий фирмаларнинг маҳсулотидан арзон бўлиб чиқди. Россия шаҳарларида уқувчилар учун четдан келтирилган гуштни харид қилиш фойдали эди, аммо бундай вазиятда Россия чорвачилиги бозордан маҳрум бўларди ва маҳсулот нархини арзонлаштириш имкони йўқлиги сабабли (пулнинг қадрсизланишидан) ўз сарфхаражатларини тезда қамайтириб ҳонавайронлашарди. Енгил ва озиқ-овқат саноатда, рузгор электроникаси ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда ҳам ҳудди шундай ҳолат вужудга келиши мумкин. Давлат йўли билан бошқариш ва аввало бож туловлари (тарифлар) ёрдамида МДХ мамлакатлари бозорини четдан келтириладиган товарлар эгаллаб олишидан узок вақтгача химоя қилишга тўғри келса керак.

Протекционизм сиёсати ривожланаётган мамлакатларда айниқса машҳур бўлади. Улар таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, импорт урнини қўплаш мақсадида миллий саноатни қўллаб-қувватлаш учун протекционизм сиёсатидан фойдаланади.

Импортнинг урнини мамлакатнинг узидаги ишлаб чиқариш билан қўплашда арзон ва эркин бозор ахборотидан фойдаланилиши ҳам муҳимдир. Ривожланаётган мамлакатлар минглаб бир хилтоварлардан қайсинисини хорижда бемалол сота олишини аниқлашда етарли тажрибаси бўлмаслиги мумкин. Аммо марказий режалаштириш органлари (хусусий тадбиркорлик ҳам) қандай маҳсулот ўз бозорида харидорғир бўлишини

осонгина аниклай олади. Бунинг учун улар импорт руйхатига куз ташлашлари кифоя, бозорда сотилишга кафолат бўлган товарлар руйхати тезда тайёр бўлади. Агар мамлакатдаги янги товар ишлаб чиқарувчилар сарф харажат ва сафар муаммолигини хал этишга кодир бўлса, уларни божхоналар ёрдамида мухофаза килипши таъминлаш учун ҳамма асос бор.

3. Эркин савдо стратегияси ("фритрейдерлик") ташки савдодаги чеклашларни мумкин қадар камайтириш стратегияси. Одатда бу стратегияни бозорда етакчи уринни эгаллаб турган, уз товарларининг ракобатбардошлигига путур етишидан хавфсирашга асос бўлмаган мамлакатлар куллайди.

Сиёсат куп жихатдан келтириладиган махсулот ички ишлаб чиқариш билан ракобат қилмайдиган ёки муҳим тармоқлар учун ҳам ашё бўладиган мамлакатларда ҳам эркин савдо қилишга қаратилган. Агар импорт ички ишлаб чиқариш билан ракобат қураши бошламаса, мамлакат сиёсий қучларининг бу махсулот харидорга мумкин қадар арзон тушиши керак деган ҳулосага қилиши осонроқ бўлади. Ҳимоя қилладиган ҳеч нарса бўлмаса, протекционизм ишонарли эмас. Хорижий ишлаб чиқариш билан ракобатлашадиган тармоқларга нисбатан йирик тармоқ учун муҳим ҳам ашё ҳисобланган бундай товар одатда бож туловидан озод қилинади (ёки бу тулов жуда кам), аммо истиснолар ҳам бўлиши мумкин.

4. Такчил бозорни тулдириш стратегияси "тесқари протекционизм" дир. Бу стратегия миллий бозорда такчиллик катта бўлса, унда ҳамма учун жой топилсагина самарали бўлади.

Ўзбекистонда 1980йиллар охири ва 1990йиллар бошида хорижий товарларни жалб этиш мақсадида шу стратегия унсурларидан фойдаланилди. Собик СССР республикалари уртасида режа асосида белгиланган эски алоқаларнинг узилиши, янги мустиқ давлатларда бошланган иқтисодий танглик деярли барча товар бозорларида такчилликнинг авж олишига сабаб бўлди. Импорт махсулотларидан олинладиган бож туловларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредит бериш ва бошқа чоралар 1995 йилнинг урталарига келганда такчиллик муаммосининг тугатилишига олиб келди.

Давлат томонидан танлаб олинган у ёки бу стратегия барча товарлар ва бозорлар буйича амалга оширилса, уни жорий этиш шартлари жуда оғир қечиши мумкин. Агар бу айрим товарлар ва бозорлар буйича амал қилса, шартлари енгил бўлиши мумкин.

Бу енгиллик куп давлатларга уз фаолиятида бир неча ташки иқтисодий стратегияни бирга амалга ошириш имконини беради. Масалан, "Умумий бозор" мамлакатлари қишлоқ ҳужалиқ махсулотлари билан узаро савдо сотикда протекционизмга амал қилади, айна пайтда махсулотларнинг куп турлари бўйича жамоа асосида эркин савдо стратегияси танланган. АКШ Японияга нисбатан куп товарлар буйича эркин савдо қоидаларига амал қилмокда, аммо автомобилсозликда иккала

мамлакат уртасида протекционизм мавжуд бўлиб, у купинча "савдо уруши"ни келтириб чиқаради. "Савдо уруши" халқаро савдо йулидаги чеклашларнинг энг сунгги шакли ҳисобланади. "Савдо уруши" икки мамлакат ҳукуматларининг ички бозорга бирбирининг маҳсулотларини кириб келишини чеклайдиган узаро қарорлар қабўл қилишидир. Бундай "уруш"ларда ҳозир уқ отилмайди, қон туқилмайди, албатта, лекин бусиз ҳам эҳтирослар авж олади.

Масалан, 1992 йил сентябрида АҚШ билан Хитой ана шундай уруш ёқасига қелиб қолди. Бунга Хитойнинг АҚШдан импорт қилинадиган товарлар йулидаги бевосита тақиклашлар, қвоталар, лицензиялар, сифат андозаларига риоя қилишга ортиқча талаблардан иборат қовларни олиб ташлашдан бош қортгани сабаб бўлди. Хитой маъмурлари АҚШ билан савдодада қатта устунликка эришмаганда эди, уларнинг бош қортишига анча бепарволик билан қаралган бўларди. Узаро савдодаги аҳвол ХХР қойдасига эди: 1991 йилда Хитой америкаликларга узи қотиб олганидан 12,7 миллиард долларлик қуп маҳсулот қотган эди. Айни шу аҳвол АҚШ ҳукуматининг расмий вақилларидан бирининг "Хитой халқаро савдо тизимида жуда тез муҳим мамлақатга айланмоқда. Биз савдонинг бундай қаражасига эга мамлақатга уз қоидалари бўйича иш тутишига йул қуя олмаймиз. Улар экспортдан қойда олишни хоқлашса, импортга ҳам руқсат этишлари қерак" қейишга мажбур қилди.

АҚШ шу нуқтаи назардан Хитойдан импорт қилинаётган товарларга (йилга сал қам 4 миллиард долларлик) юқори бож туқовларини жорий этиб, Америка бозорида уларнинг нарқини икки қарақар ошириш билан қуқ қилди. Бунга жавобан Хитой маъмурлари ҳам агар АҚШ бож туқовларини оширадиган бўлса, Америка товарларига, жумладан қомпьютерлар, самолётлар, автомашиналар ва бошқаларга ҳудди ушанча, яъни 4 млрд. долларлик жазо бож туқовларини жорий қилишини айтди.

"Савдо уруши"нинг қуп йиллик тажрибаси яқши ривожланган мамлақатларга бундай аҳволда иққала томон ҳам ютқазинини, яқшиси "жанқовар ҳарақатлар" бошқанишига йул қуймаслик лозимлигини қўрсатди. Натижада халқаро савдода экспортни ихтиёрий рақививда қеклаш бошланди.

Япониянинг арзон автомашиналари экспорти туқайли АҚШ билан Япония ҳамиша "савдо уруши" ёқасида туради. АҚШ иқтисодиётида автомобил саноати алоҳида уринда туриши (АҚШ халқи фольклорига Генри Форднинг "форд учун нима яқши бўлса, Америка учун ҳам шу нарса яқши" қеган гақининг қирганлиги беқиз эмас) ҳисобга олинса, бу қорада қайдай эҳтирослар қужгон уйнаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Япония автомобилсозлари АҚШда уз машиналари савдоси бутунлай тақиклаб қуйилмаслиги учун уз маҳсулотини Америкага экспорт қилишни қеклашга рози бўлди, Япония ҳукумати эса Америка товарлари импортига қеклашларни қамайқирди.

Муваффакиятли ривожланишда халқаро савдонинг аҳамияти муҳимлигини ҳамда бу соҳада можаро чиқиши эҳтимоли катталигини англаш, шунингдек "савдо уруши"нинг оғир жароҳатлари XX асрда қуп мамлакатларни жаҳон бозорини ташкил этишнинг янги усулларини излашга мажбур қилди.

Муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон мамлакатлари ташқи савдо алоқаларини тартибга солиш учун қандай қоралар қўлланилади?
2. Ташқи савдо сиёсатининг қандай мақсад ва йўналишлари мавжуд?
3. Ташқи савдо сиёсатининг қайси усули классик усул ҳисобланади?
4. Савдо чеклашларини қўллаш мамлакат иқтисодиётига қандай таъсир қўрсатади?

Адабиётлар

1. Дюмулен И. "Барьерў на торговўх путях". - М., Международнўе отношения, 2000г.
2. Дюмулен И., Пресняков В., Соколов В. Внешнеторговўй режим ведухих зарубежнўх странFFВнешняя торговля. 2001. № 4
3. Линдерт П. "Экономика мирохозяйственнўх связей". - М.: Прогресс, 2000г.
4. Шреплер Х. "Международнўе организации". - М., справочник,, Международнўе отношения, 2001.

5-мавзу. Халкаро ва ташки савдони тартибга солиниши.

5.1.Ташки иктисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши.

5.2.Давлатнинг ташки иктисодий фаолиятга таъсир кўрсатиши воситалари.

5.3.Ўзбекистонда хорижий капиталларни жалб қилишнинг асосий йўналишлари.

5.1.Ташки иктисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши.

Бозор иктисодиётига утиш ташки иктисодий фаолиятни бошқаришга мутлақо янгича ёндашишни талаб қилади. Бундай бошқаришнинг вазифа ва максадлари маъмурий режали тизим доирасидагидан бошқача бўлиши равшан. Ташки иктисодий фаолиятни давлат йули билан бошқаришда қуйидагилар биринчи уринга қуйилади:

узок муддатга мулжалланган концепцияни (стратегияни) белгилаш;
экспорт ва импортга доир ахборот, шунингдек валюта, ташки савдо ва тулов балансларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

ташки иктисодий фаолиятда катнашувчи вазирликлар, идораларнинг, мулкчиликнинг барча шаклидаги концерн ва уюшмаларнинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналарнинг ишини назорат қилиш;

мамлакатнинг халкаро меҳнат таксимоотида янада фаолроқ ва самаралироқ иштирок этиши учун шарт шароит ва омилларни яратиш.

Ўзбекистан Республикасини ташки иктисодий фаолият субъекти деб эълон қилувчи ташки иктисодий фаолият тугрисидаги қонун айна бир пайга қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг ваколатига тааллуқлигини аниқ белгилаб беради:

ташки иктисодий фаолиятни ташкил этиишинг қонуний асосларини белгилаш;

ташки иктисодий сиёсатни, жумладан валюта кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республика валюта жамғармасини тушлаш ва фойдаланиш;

ташки иктисодий фаолият соҳасида халкаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш;

республиканинг, Ўзбекистон ҳуқуқий шахслари ва фуқароларининг манфаатларини хорижда ҳимоя қилиш;

республика ҳудудида хорижий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий қафолотлар белгилаш;

халкаро иктисодий ташкилотлар ва бирлашмаларда иштирок этиш;
республика Конституциясига асосланган бошқа ваколотлар.

Давлат уз миллий ва бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ташки иқтисодий фаолиятни бошқаради, шунингдек ана шу бошқарув жараёнида пайдо бўладиган муносабатларнинг иштирокчиларини қўллаб қувватлаб ёки ташки иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланишга ноқулай шароит яратиш йули билан таъсир утказди.

Ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларига давлат таъсири бевосита (масалан, аниқ экспертларга божхона туловларида имтиёз бериб) ёки билвосита (давлат бирор маҳсулотга юқори импорт тарифларини жорий этиб, ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларини бу маҳсулотни эмас, балки бошқа молларни четдан келтиришга ундайди) бўлиши мумкин.

Бундай таъсир ташки иқтисодий фаолият билан шугулланиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни бошқарадиган қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни қабўл қилиш йули билан утказилади ва унинг мақсади ҳам жамоат, ҳам хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бу мақсаднинг йўналишлари қуйидагича:

а) иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ўзинг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш.

Давлат йули билан бошқариш тамоман шу мақсадга қаратилган. Хусусан, давлат экспорт импорт операциялари ҳажми ва таркиби бўйича башоратларни тузади, божхона ҳамда валюта назоратини амалга оширади, товарлар ва ресурсларнинг арзон нархаларда экспорт қилинишига зумда сармоянинг мамлакатдан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун валюта тушумларини мамлакатга қайтаради ва шундай қилиб, ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади;

б) фуқаролар саломатлиги ҳавфсизлигини таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

Импорт қилувчида сифат шахрдатномаси, ветеринария ва санитария гувоҳномаси бўлишини назарда тутиб, муайян товарларни четдан келтиришга махсус талаблар қўйилади. "Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тугрисида"ги Ўзбекистан Республикаси қонунида маҳсулотнинг қўйилган талабларга мувофиқлиги белгиси ва сифат шаходатномаси бўлиши шартлиги қўзда тутилган. Маҳсулотни келтиришнинг аниқ таркибини Ўзбекистан Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси ва Давлат стандарти белгилайди;

в) ватанимиздаги ҳужалик ташкилотлариинг хорижий бозордан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

Шу мақсадда ҳукумат халқаро битимлар тузади, ўз товарларини экспорт қилишга қўлай имкониятни таъминлашга интилади, шунингдек бу товарларни экспорт қилиш чеклаб қўйилишига йўл қўймаслик учун тегишли чораларни қўради. Жаҳон тажрибасида миллий товарларни экспорт қилиш борасида демпингга қарши ва бошқа чекловчи чораларни

бир томонлама жорий этиш хавфи бўлган тақдирда интеграциялашган давлатлар гуруҳи: ҳамда давлатлар билан шартнома тузиш тартиби ҳам қабул қилинган. Битим тузилган тақдирда бу товарларни экспорт қилиш белгиланган квота билан чекланади.

Хорижий мамлакатлар импорт қилинаётган товарларнинг сифатига, шунингдек тамга (белги) босилишига ҳам муайян талаблар қўймоқда. Турли мамлакатларда четдан товар келтиришнинг ҳар хил тартиби мавжуд бўлиб, бир талай ҳужжатларни кузда тутати. Жаҳр савдо тажрибасида бир қатор турдаги товарларни импорт қилишни чеклаш қўлланилади, бундай чеклаш вақтинчалик ёки доимий ҳам бўлиши мумкин.

Экспортни амалга ошириш шартлари масаласида тегишли ахборотдан хабардор бўлиш ташки иктисодий фаолият билан муваффақиятли шугулланишнинг, миллий тадбиркорларнинг рақобат бардошлигини тегишли даражада бўлишига Эришишнинг зарур шартидир. Шу мақсадда ҳукумат мамлакат экспортчиларига ахборот ва маслаҳат билан хизмат кўрсатувчи тизимни барпо этади, бу давлатнинг иктисодиёти, жумладан миллий товарларни экспорт қилишни ривожлантиришга доир мажбуриятидан қилиб чиқади. Хорижда давлат номидан иш юритадиган ва зарур ахборотни туплаш учун катта имкониятга эга органларнинг мавжудлиги бундай тизимни барпо этиш учун негиз бўлади;

д) мамлакат тадбиркорларининг рақобат бардошлигини таъминлаш.

Миллий тадбиркорларни муҳофаза қилиш ва уларга моддий зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадида четдан келтириладиган айрим товарларга, жумладан, демпингга қарши ва заруратини қоплайдиган махсус бож туловлари белгилаб қўйилади;

е) иктисодиёт айрим тармоқларининг ривожини рағбатлантиришни таъминлаш ва фан техника тараққиётига қўмаклашиш.

Шу мақсадда давлат янги ускуналарни харид қилишга имтиёзли кредит бериши, экспорт кредитлари сугуртасини амалга ошириши, ҳам мамлакат саноати эҳтиёжларини қондириш, ҳам миллий товарларнинг хорижий бозорларга чиқишига қўмаклашиш учун ишлаб чиқаришни янгилаш, рақобатбардошликни оширишда экспорт импорт операциялари бўйича бир қанча имтиёзларни кузда тутиши мумкин;

ж) иктисодиёт айрим тармоқларининг эҳтиёжларини таъминлаш.

Бунга турли йўл билан эришилади. Масалан айрим тармоқ қорхоналарини зарур ҳолаш билан таъминлаш учун давлат бевосита вақолатли органлар орқали. уз эҳтиёжлари учун махсулот етказиб бериш туғрисида шартномалар тузати. Ҳол аш ё ва ускуналарни импорт қилишнинг имтиёзли тартибини белгилаб, бундай махсулотлар билан таъминлаш, шунингдек мамлакат тадбиркорларига зарур махсулотларни экспорт қилишни чеклаб қўйиш йўли билан ҳам қўмаклашиш мумкин;

з) ташки иктисодий алоқалар иштирокчиларини рўйхатга олиш.

Бу иш ташки иктисодий алокалар иштирокчиларини ҳисобга олишни таъминлаш, уларнинг ахборот ва маслахат билан кўрсатиладиган хизматдан фойдаланишлари, хориждаги ва Ўзбекистондаги шерикларининг амалий ихтисоси билан танишишларига шароит яратиш учун амалга оширилади. Уларни руйхатга олиш Ташки иктисодий алокалар вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий республика бўлинмаларига топширилган.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг асосий вазифаси ташки иктисодий фаолият иштирокчиларининг фаолиятини бошқариш юзасидан чеклаш чораларини белгилаш эмас, балки уларнинг жаҳон бозорига кириб боришларига ҳар томонлама кумаклашишдан иборат. Ташки иктисодий фаолиятнинг асосий жихатларини, бу соҳадаги фаолиятнинг асосий вазифалари, қоидалари ва йуналишларини "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаб беради.

Ташки иктисодий сиёсат Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Бу сиёсат "Ташки иктисодий фаолият тугрисида"ги қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ташки иктисодий фаолиятни ҳукукий, иктисодий ва маъмурий бошқариш чораларини уз ичига олади.

Ташки иктисодий алокалар иштирокчиларининг ишларини мувофиқлаштиришга доир бевосита ишлар, фаолиятнинг бу турига доир тақлифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг ҳукуматлараро халқаро иктисодий битимларини тузиш, республиканинг халқаро иктисодий ташкилотлар ишида иштирок этишини таъминлаш, ташки иктисодий фаолиятга доир аниқ мақсадларни қўзғовчи сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва бошқа тадбирлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан бевосита ёки тегишди давлат органлари орқали бажарилади.

Ташки иктисодий алокалар вазирлиги ташки иктисодий фаолиятни бошқариш механизмининг марказий қисми бўлиб, унга уз ваколатлари доирасида бу алокаларнинг аҳоли ва таракқиёти учун тегишли масъулият билан уларни давлат номидан бошқариш ҳуқуқи берилган. Вазирлик ягона ташки иктисодий сиёсат утқизиш, ташки бозорда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан иктисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ҳамда ташки иктисодий фаолият иштирокчиларига халқаро майдонда зарур шарт шароит яратиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 февралдаги Фармони билан ташкил қилинди.

Вазирлик фаолиятининг асосий вазифалари ва йуналишлари қуйидагича:

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг республика учун устивор йуналишларини аниқлаш асосида давлатнинг ташки иктисодий

сиёсатини белгилаш ва амалга ошириш, ташки савдони рағбатлаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

ташки иктисодий фаолиятни давлат йули билан бошқариш, унинг Ўзбекистан ҳудудида иш юритаётган иштирокчилари операциялари устидан улар мазкур фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини таъминлаш мақсадида назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистонда ва ундан ташқарида давлатнинг манфаати иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

ташки иктисодий алоқаларни ривожлантириш учун ташкилий ҳуқуқий ва иктисодий шароит яратиш;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳужалик алоқаларига фаол қўшилиши йули билан халқ ҳужалиги ва аҳолининг хорижий мамлакатлар маҳсулотига талабини қондириш;

ташки иктисодий алоқалар инфраструктурасини ривожлантириш, шу жумладан ахборот тизимларини барпо этиш, транспорт хизмати ва ундан фойдаланишни, экспорт ва импорт маҳсулотлари сертификациясини таъминлаш;

давлат экспорт имкониятларини кенгайтиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш;

иктисодиётга хорижий сармояни жалб қилиш, ундан самарали фойдаланиш, республика сармояларини хорижда оқилона жойлаш;

республикада ҳам, хорижда ҳам ташки иктисодий фаолият иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, МДХга аъзо давлатлар, шунингдек бошқа хорижий мамлакатлар билан ташки иктисодий алоқа масалаларида ҳамкорликни таъминлаш.

Вазирлик асосий эътиборни ташки иктисодий алоқаларни ривожлантиришнинг, бу алоқалар самарадорлиги оширишнинг, уз фаолияти механизмини такомиллаштиришнинг умумдавлат савдо сиёсий, башоратлаш ва таҳлилий масалаларига, вазирликлар, идоралар, ташки иктисодий ташкилотлар, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга уларнинг ташки иктисодий товарларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда ёрдам беришга қаратади.

5.2. Давлатнинг ташки иктисодий фаолиятга таъсир кўрсатиш воситалари.

Экспорт ва импорт тарифлар ёрдамида тартибга солиш ташки иктисодий фаолиятга давлат йули билан таъсир утқизишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. У бож туловларини жорий этиш йули билан амалга оширилади.

Бож тулови (тарифи) чегарадан утиш чорида мамлакатга сотиш учун олиб келинаётган хорижда ишлаб чиқарилган товар эгасидан давлат хазинаси фойдасига олинадиган туловдир.

Товар эгаси бож тулагач, зарар куришдан кутулиш ва фойда олиш учун товар нархини оширишга мажбур бўлади. Натижада хориждан келтирилган товар кимматлашади ва ракобатбардошлилигини таъминлайдиган нисбий афзаллигининг бир кисмини йукотади.

Баъзан бож шу кадар юкори бўладики, хорижий товарларнинг бозорда муваффакиятли сотилишига имкон колдирманди. Масалан, 1992 йил ёзида АКШ савдо вазирлиги Россия ва бошка МДХ мамлакатларидан келтириладиган уран хом ашёсига 115, 82 фоиз бож туловини жорий этди. Бунинг сабаби Америка фирмаларининг ракобатсиз уран хомашёси ишлаб чиқаришини химоя килиш эди.

Умумий тарзда караладиган бўлса, бож тулови иктисодий мазмуни жихатидан импорт килинадиган товарлардан олинадиган билвосита солик бўлиб, уни харидор, яъни импортчи тулайди. Бож сиёсатининг иккиёкламалиги шунда намоён бўлади: бож хамиша хазинани тулдириш воситасидир ва айни пайтда у четдан келтириладиган товарларнинг нарх борасидаги ракобатини бож тулови миқдорида камайтириш йули билан ички бозорни иктисодий жихатдан химоя килиш вазифасини бажаради.

Бож тарифи мамлакатлар ва товарлар буйича таркибга эга. Аввало тарифнинг мамлакатлар буйича тузилишини караб чикайлик. Одатда, мамлакатда камида иккита бож тарифи белгиланади. Биринчиси савдода кулай шароит яратиш тугрисида шартнома тузилмаган малакатлар учун бош (умумий) тариф, иккинчиси савдода кулай шароит яратиш тугрисида шартнома тузилган мамлакат учун. Ривожланаётган мамлакатлар учун алохида тарифлар хам ўрнатилиши мумкин.

Маълумот учун материал

1996 йилга Ўзбекистон савдо-сотикда энг кулай шароит яратиш тугрисида куйидаги давлатлар билан шартнома тузди: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Германия, Греция, Дания, Хиндистон, Ирландия, Испания, Италия, Хитой, Корея, Латвия, Литва, Люксембург, Нидерландия, Покистон, Польша, Португалия, Руминия, Словакия, АКШ, Туркия, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония.

Бундан ташкари 'Ўзбекистон Республикаси куйидаги давлатлар билан эркин (бож туловисиз) савдо килиш имкониятига эга: Беларусь Республикаси, Грузия Республикаси, Козогистон Республикаси, Киргизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон, Украина.

Энди товарлар буйича бож тарифлари тузилишини куриб чикайлик. Товарлар бож таснифининг турли миллий ва халқаро тузилмалари мавжуд.

Божхоналар буйича ҳамкорлик кенгаши (Брюссель шаҳри, Белгия) томонидан ишлаб чиқилган. Товарларни тавсифлаш ва шартли белги қўйишнинг мувофиқлаштирилган тизими энг куп тарқалган.

Товарларни тавсифлаш ва шартли белги қўйишнинг бу тизими унли олти ракамдаги код қоида­сига асосланган. Масалан 210431 раками қўйидагиларни билдиради: 21товар гуруҳи, 04товар моҳияти, 31товарнинг кичик маъкеи. Товарларни бундай шаклда тавсифлаш жаҳон миқёсида бутун божхоналар иш юритишида компютерлашган ягона тизимни барпо этишга ёрдам беради.

Божларнинг эҳтимол тутилган даражасига келсак, уларни аниқлаш миллий бож сиёсатининг энг мураккаб вазифасидир. Бири­чи­дан, ҳар бир товар бозорининг жаҳон бозоридан ажралиб туриши даражасини иқтисодий жиҳатдан асослаш зарур. Иккинчидан, бож даражаси савдо сиёсат соҳасидаги воситаларнинг кўрсаткичларидан бири бўлиб, уларнинг ўзгариши савдодаги халқаро шартномалар ва битимларга мос келиши керак. Уч­ин­чи­дан, юқорида ай­тил­ган ички ва ташқи турдаги вазиятни ҳисобга олиб, бир вақтнинг ўзида юзлаб номдаги товарларга бож миқдорини белгилаш ҳаддан ташқари сермеҳнат ишдир.

Бож тарифининг ўзгарувчи жадвали каби қонуниятни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Унда махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг қонун қабўл қилувчиларга таъсир ўтказиш қобилияти ёркин намоён бўлган. Бож туловлари одатда бир тармоқдан иккинчи тармоққа келадиган оралик махсулотларга нисбатан истеъмолчи харид қиладиган тайёр махсулотга юқорирок белгиланади. Чамаси, бу тамойил истеъмолчи гуруҳларининг махсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши турадиган қучли лобби (таъсир ўтказадиган) ташкилоти тузишга қодир эмаслигининг оқибатидир, бунга саноати ривожланган мамлакатларда шақар, мол гушти, туқимачилик буюмларига бож туловларининг юқори қўйилиши ёркин далилдир. Лобби (таъсир) қуввати махсулот ишлаб чиқарувчиларникига нисбатан қам бўлмаган фирмаларнинг ўзлари махсулотни харид қиладиган бўлса, вазият ўзгаради. Шу боис оралик махсулотни импорт қилиш тарифлари туғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида протекция натижалари оғиз бўлишини қўтиш мумкин.

Урушдан сўнги даврда тариф чеклашлари аста секин қамайган сари нота­риф чеклашларнинг аҳамияти орта бошлади. 40 йилларнинг охири ва 50 йилларнинг бошида қўп мамлакатлар бундай чеклашдан урушдан кейинги иқтисодиётни тиклаш ёки умумий иқтисодий қолоқлик ҳолатидан қиқиш жараёнида халқаро битимларга доир туловлар ўстидан қаттиқ назоратни сақлаб қолиш мақсадида фойдаланди. Қўп томонлама музоқаралар натижасида 50 йиллардан бошлаб тарифлар даражасини анча пасайтиришга муваффақ бўлинди, бироқ нота­риф қовлар дахлсиз қолаверди. 1967 йилда тарифларни қамайтириш юзасидан Кеннеди

музокаралари якунланиши пайтигача нотариф товарлар халқаро савдо йулида асосий тусик бўлди. 70йилларда бу говлар янада юкорилашди.

Ташки савдони нотариф чеклашнинг 50га якин турли усуллари бор. Хозирги даврда давлатлар бу усулларнинг купидан фойдаланмокда. Масалан, АКШ вақти вақти билан санитария андозаларини жорий этади, Аргентинада тайёрланган мол гушти бу андоза талабларига жавоб бермайди. Колумбия "аралаштириш талаби" деб аталган усулдан фойдаланиб, пулатни импорт килувчиларни келтирилайтган хар бир тонна пулат ҳисобида маълум миқдорда кимматрок Колумбия пулатини сотиб олишга мажбур килмокда. Бошқа нотариф говларга куйидагилар киради: ташки савдога давлат монополияси, давлатнинг фақат шу мамлакатни узида ишлаб чиқарилган махсулотдан фойдаланиидши таъминлаш, маъмурий турачилик говлари, мураккаб валюта назорати ва бошкалар. Бу говларнинг баъзиларини давлатнинг конуний бошқариш фаолиятига киритиш мумкин, бошкалари эса ташки савдони очикдан очик камситишга каратилган.

Нотариф говларнинг барча турлари орасида энг куп таркалгани импорт квоталари, ёки хар йили мамлакатга келтиришга рухсат берилган хорижий махсулот ҳажмини миқдор жихатидан чеклаб куйишдир. Давлат мамлакатга махсулот келтиришга имозат берувчи лицензияни чекланган миқдорда беради ва лицензияси, импортни такиклайди. Лицензияли импорт ҳажми ички бозордаги талабдан кам бўлса, квота фақат импорт ҳажм ишини камайтириб колмайди, шу билан бирга ички бозордаги нархларнинг лицензия эгалари хорижда товар сотиб олган жахон бозоридаги нархлардан ошиб кетишига олиб боради. Шу жихатдан Караганда импорт квоталари тариф чеклашларига ухшайдир.

Бир неча сабабларга кура давлат тариф чеклашларига нисбатан импорт квотасини афзал куриши мумкин. Биринчидан, бундай сиёсат импортга харажатларнинг янада купайишига кафолат бўлади, ундай холларда хорижий ракобат каттик тус олади. Иккинчи жахон уруши бошларида валютанинг амалдаги расмий кийматида мамлакатлар уз ракобат мавкеи ёмонлашганини сизди. Бу хол уларни тулов балансини тенглаштириш юзасидан каттик чоралар куришга мажбур килди. Бунда квота импорт ҳажми аник белгилаб куйилиши гаровидир. Агар импорт товарлар ракобатбардошлигининг ошганлиги улар нархининг пасайишига олиб келса, бу хол импорт туловлари камайишини тезлаштиради холос. Тариф эса, аксинча, нархларнинг пасайиши четдан келтирилайтган товарларга ички талаб ўзгариб турадиган шароитда импорт ҳажмининг ва умумий кийматининг купайишига олиб бориши мумкин. Хуллас тарифнинг жорий этилиши тулов балансини бошқаришни кийинлаштиради.

Тариф ставкаларини ошириш халқаро савдо битимлари билан тартибга солинса, квота иктисодий сиёсатни амалга оширишда ҳукуматга

катта имконият ва ҳуқуқ беради, шу жихатдан ҳам квоталар тарифларга нисбатан афзалроқдир. Агар импорт билан рақобат қиладиган тармоқлар муҳофазанинг юқори даражали бўлишини талаб қилса, ҳуқумат, айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда, тарифни мустақил ошира олмайди. Катъийроқ импорт квоталарини жорий этиш осонроқ бўлади. Дунёдаги куп мамлакатларда давлат ҳокимияти квоталар мамлакат фирмаларига нисбатан ҳам бошқариш вазифасини амалга оширишни енгиллаштиради, деб ҳисобламоқда.

Эркин рақобат шароитида импорт квотаси афзалроқдир, чунки бундай шароитда импорт квотаси унга мос қиладиган тариф билан барабар мавқеда туради. Аммо қуйидаги шартлардан бирортасига риоя қилинган тақдирда ҳам у хавфли бўлиб қолади: 1) агар квота монополия ҳокимиятнинг қузатиб борса... 2) агар импорт лицензиялари самарали жойлаштирилмаса... Бу иккала ҳолни ҳам қуриб чиқайлик.

Агар импорт квотаси ички бозорда монополия вужудга қилишига сабаб бўлса, импорт квотаси унга тенг тарифга қараганда миллат учун қимматга тушади. Ички бозорда эса монополия вужудга қилиш эҳтимоли йуқ эмас. Мамлакат ишлаб чиқаришида етакчилик қиладиган фирма (масалан, Америка велосипедсозлигида "Швинн" фирмаси) таққиламайдиган тариф жорий этилишидан монополия ҳуқуқига эга бўлолмайди, чунки жаҳон бозоридаги нархларга тарифни қушганда шаклланивчи нархдаги товарлар унга рақобат қилади. Аммо импорт миқдори квота билан чеклаб қуйилган тақдирда мамлакатдаги фирма нархни ошқандан қурқмайди, чунки рақобат қилувчи хорижий маҳсулотнинг мамлакатга қелтириладиган қисми қажми квота миқдоридан ортмайди. Натижада квота маҳсулотга талаб ўзгармайдиган шароитда мамлакатнинг етакчи фирмасига юқори нарх белгиланишдан монополияга ҳос фойда олиш учун сунгги" имконият ҳисобланади. Ҳуллас, монополия ҳуқуқини вужудга қелтирадиган квота ички бозорда нархнавинг олишига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қамайишига олиб қелади ва тарифга нисбатан катта миллий зарар етқазади.

Импорт квоталарининг миллий фаровонликка таъсири ҳокимиятнинг импорт қилиш ҳуқуқини қандай тақсимлашига боғлиқ. Импорт лицензияларини тақсимлашнинг асосий усуллари қуриб қикамиз:

1. Рақобат асосидаги қимошди савдоси.
2. Ошқора афзал қуриш тизими.
3. Лицензияларни "қаражат усули" бўйича тақсимлаш.

Шу уқта усул орасида рақобат асосида утқиладиган қимошди савдоси энг арзон ва адолатли, учинқиси эса энг қиммат ҳисобланади.

Давлат импорт лицензияларини очик қимошди савдосида ёқи яширинча сотиши мумкин. Ошқора қимошди савдоси қуйидагича қечади. Давлат велосипед ёқи пулат проқати ёҳуд бошқа бирор товарнинг маълум миқдорини сотиб олишга импорт лицензиясини сотиш бўйича фалон

жойда, маълум вақтда кимошди савдоси утказилишини ҳар 3 ойда эълон қилади. Савдо рақобатли бўлиши учун бундай хабарлар етарли миқдордаги давогарларни туплаши лозим. Фирибгарлик қонунга мувофиқ жазоланадиган жойда бу муҳимдир. Кимошди савдосида импорт лицензиясига импортчи нархи билан импорт товар ички бозорда сотилиши мумкин бўлган энг юқори нарх уртасидаги тафовутга тахминан тенглашадиган нарх белгиланиши керак.

Рақобат асосидаги кимошди савдосининг бошқа тури қупрок тарқалган. Давлат ҳокимияти порага уқадиган шароитда импорт лицензияларини тақсимлаш чоғда яширин бизнес авж олиши мумкин. Бундай ҳолларда лицензияни қупрок пора берганлар олади. Бундай тур ижтимоий зарар келтириши мумкин. Бундай очикдан очик порага сотилишнинг доимий тус олиши иқтисодий маҳкамаларнинг истеъдодли ходимларини порахур амалдорларга айлантириши мумкин. Бундан ташқари афкор омма олдида фoш қилинган бундай порахурлик ижтимоий кескинликни қучайтиради, чунки у давлат девонида ҳокимият суиистеъмом қилинаётганини кўрсатади.

Импорт лицензиялари ошқора афзал билиш асосида жойлаштирилиши мумкин. Бунда давлат импорт лицензияларини олдиндан ҳеч қандай рақобат утқазмай, буюртма ва музоқараларсиз маълум фирмаларга бирқитиб қуяди. Импорт лицензиялари қупинча нуфузли фирмаларга қвоталарни жорий этиш арафасида импортнинг умумий ҳажмида уларнинг улушига мос миқдорда берилади. Америка ҳукумати 1959 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда нефтга импорт қвоталарини ҳудди шу тарзда тақсимлади. Ички бозордаги нархларнинг ортиши натижасида ҳар йили бир неча миллиард доллар фойда берадиган импорт лицензиялари нефть компаниялари уртасида уларнинг 1959 йилга қадар нефть импортидаги улуши асосида эркин ва бегараз тақсимланди.

Санаб утилган усулларнинг суштиси импорт лицензияларини "ҳаражатлар усули" билан тақсимлашдир. Бундай ҳолларда давлат лицензияни олишга даъвогарларни нарх билан боғлиқ бўлмаган асосда рақобатлашишга мажбур қилади. Бу сиёсатнинг ҳамма томонидан қабўл қилинган ва номақбўл қуринишларидан бири лицензияларни қим олдин қелса, ушанга бериш қондасидир. Бу усул лицензия олишга даъвогарларни унумли меҳнатини қолдириб, қимматли вақтини навбатда туришга сарфлашга мажбур этади. Саноат ҳом ашёсини импорт қилишга лицензияларни тарқатишнинг қенг қулланиладиган яна бир усул лицензияларни қатта ишлаб қиқариш қувватига эга фирмаларга беришдир. Бу ҳам қатта миқдордаги лицензия олиш умидида фойдаланилмайдиган уқуналарга ортиқча сармоя сарфлаш натижасида ресурсларнинг нобуд қилинишига олиб боради. Даъвогарлардан уз даъвосини асослаб беришни талаб қиладиган бундай тадбирларнинг ҳар бири давлат масъул шахслари билан алоқа ўрнатиш учун вақт ва пулни беҳуда сарфлашларга, шунингдек

импорт лицензияларини таксимлаш билан шугулланувчи оргикча давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ туланишига олиб келади.

Экспортга моддий ёрдам бериш ҳам ташки ктисодий алокаларни бошқаришнинг нотариф усуллари каторига киради.

Экспортга ёрдам тарикасида маблаг ажратиш халқаро шартномаларга зид бўлади. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларни бирлаштириб турган ГАТТ коидаларидан бири экспортга моддий ёрдамни "инсофсиз рақобат" деб баҳолайди ва маҳсулотни импорт қилувчи мамлакатларга протекцион "компенсация бож" олиш йули билан жавоб чораларини қуришга руҳсат этади. ГАТТ талабларини четлаб ўтиб, давлат йули билан экспортга ёрдам беришнинг жуда қўп усуллари мавжуд. Масалан, давлат экспортчиларнинг ўзларига ёки ўларнинг хорижий миқозларига қам фойда туланидиган қарз бериш учун солиқ туловчилар маблағидан фойдаланиши мумкин. Америка Экспорт-импорт банки ёки "Эксимбанк" бунга мисол бўла олади. Асримизнинг 30-йилларида ташкил топган бу банклар Америка экспортчиларига ва ўларнинг хориждаги маҳсулот етказиб беришчиларига арзон кредит бериб, Америка импортчилари ва ўларнинг хориждаги харидорларига бирор марта ҳам кредит бермай, обрўси тушган. Давлат реклама ташкил этиб ва экспорт бозоридаги талаб ва таклифлар тугрисида арзонга ахборот бериб, экспорт маҳсулотини хорижда сотишини рағбатлантириш борасида бевосита харажат қилиши ҳам мумкин. Солиқ тизимида ҳам экспорт учун ишлаб чиқарадиган товарлари ва хизмати хажмига қараб фирмаларга имтиёз бериш назарда тутилади.

"Эксимбанк" ёрдамнинг катта қисми Америкадаги етти та йирик компания ва ўларнинг хориждаги миқозлари тасарруфига ажратилган. Бу айниқса "Боинг" компаниясига тааллуқлидир. Бу компаниянинг хориждан қабўл қилган буюртмалари "Эксимбанк"нинг арзон кредити билан таъминланган. Бу банк ажратаётган ёрдам маблағининг қўп қисми қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларига тугри келади. Барча етакчи мамлакатлар ортиқча қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини солиқ туловчилар маблағига қабўлатли харид қилиш, шунингдек экин майдонларидан фойдаланмаганлик учун муқофот тулаш орқали фермерлар даромадларини маълум даражада саклаб туриш бўйича давлат дастурини амалга оширишга маҳкум этилган.

Гарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари фермерлар даромадларини бир даражада ўшлаб туриш сиёсатини ўтказишга бюджет харажатларини қамайтириш учун ортиқча маҳсулотни чет элга ўз зарарига сотмоқда, баъзан эса жаҳон бозоридаги нархларни қаддан ташқари қиммат деб ҳисоблаётган МДХ мамлакатларига таклиф қилиб, бу нархлар ўртасидаги тафовутни қўплаш учун бюджетдан қўшимча маблаг ажратмоқда.

Давлат савдо сиёсатининг навбатдаги йуналиши демпинг экспортга бюджетдан маблаг ажратиб ёрдам беришга ухшашдир. Биз яна мислсиз вазиятга ва унинг гайритабиий натижаларига дуч келамиз.

Демпинг нархнаво борасидаги халқаро камситиш бўлиб, унда экспорт килувчи фирма уз махсулотини бирор хорижий бозорда бошка бозордагига (одатда уз мамлакати бозоридагига) нисбатан арзон сотади. Мазкур бозордан ракибни кисиб чиқариш ва мақсадга эришгандан сунг нарх даражасини тиклашни мулжаллаб вақтинча арзон нарх белгилаш карокчиларча демпинг деб аталади. Доимий демпинг эса уз номига мувофик вақт билан чекланмайди.

Халқаро иқтисодий ларзида, айниқса, демпинг кенг кулланилади. Ташвишли 20 ва 30-йилларда ҳам казилма, ҳам кайга ишлаш тармоклари махсулотлари халқаро савдосини купинча демпингда айблашарди (ва бу асосли эди). 70-йилларда демпинг яна жамоатчилик эътиборида бўлди. 80-йилларнинг бошларида Америкада хорижий ракобатни камайтириш учун компания бошлади. АКШ ҳукумати бир канча хорижий фирмани уз махсулотларини Америка бозорида демпинг буйича сотишда айблади. Бу ракобатга карши каратилган компаниянинг бир қисми эди. 1970 йилда Япониянинг "Сони" фирмаси билан юз берган воқеа жуда машхур бўлди. Текширишда "Сони" Японияда ишлаб чиқарилган телевизорларни Америка бозорида 180 доллардан сотгани, айти пайтда Япониянинг узида бу телевизор 333 доллар туриши аниқланди. Бундан хабар топган Япония истеъмолчилари америкалик телевизор ишлаб чиқарувчиларнинг норозилигига кушилди. 1975 йилда АКШ молия мақамаси 8 та хорижий мамлакатнинг уз махсулотини Америка бозорида сотаётган автомобил фирмаларига нисбатан тарихда мислсиз демпингга карши текшириш бошлади. АКШ агар бу фирмалар нархни ички бозордаги даражага кутармаса, бу мамлакатлардан Америкага автомобилларни импорт килишга божтарифи жорий этилади, деб пуписа килди. Эҳтимол айти шу хол "Сони" ва "Фольксваген" фирмаларининг Америка бозорига мулжалланган ишлаб чиқариши бевосита АКШ ҳудудида жойлаштиришига сабаб бўлди. ("Сони" Сан Диегода, "Фольксваген эса Нью Стэнтон ва Пенсильванияда).

5.3. Ўзбекистонда хорижий капиталларни жалб килишнинг асосий йуналишлари.

Ўзбекистон кескин бозор ўзгаришлари йулига утган хар кандай давлат сингари хорижий капиталга нисбатан стратегиясини ишлаб чиқиши керак. Карийб барча ривожланган ва тез ривожланаётган давлатлар, айниқса, охирги 40 йил мобайнида, иқтисодиётларига тугридан-тугри хусусий куйилмалар ва кредитлар шаклидаги хорижий капитални фаол жалб килдилар.

Иктисодиётдаги хорижий инвестициялар миқдори мамлакат иктисодий ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Жаҳонда инвестицион хавфлар рейтинги жуда куплаб мавжуд бўлиб, улар баъзида объектив равишда, баъзида эса унчалик объектив бўлмаган ҳолда у ёки бу давлатга капитал куйганда олиш мумкин бўлган даромадни ҳисоблашади.

Инвестицион муҳит бозор ислохотларининг етуклиги, жаҳон ҳамжамиятининг мулк ҳуқуқлари барқарорлиги ва умуман ушбу мамлакатдаги ҳолатга ишончининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда қулай инвестицион муҳит яратилган. Мамлакатда хорижлик экспертлар томонидан юқори баҳоланган “хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳақидаги” Қонун қабул қилинган. Ўзбекистондаги барқарорлик туфайли сиёсий хавф йук ҳисоб. Капитал айланиши юқори бўлган соҳалар - ёкилги-энергетика мажмуи, тоғ-қон саноатининг ривожланиши мамлакатга хорижий инвесторлар қизиқишини оширмоқда.

Ҳозирги шароитларда хорижий инвестициялар - бу янги иш уринлари, янги замонавий технологиялар жорий қилиш имконияти, қушимча валюта маблағлари олиш имконияти, мамлакатнинг жаҳон ҳужалигига интеграциясини англади. Хорижий капитал мамлакатимизга бозор ислохотларининг энг мураккаб қисми - иктисодиёт структурасини қайта қуриш, барқарор талабга эга товарлар ишлаб чиқаришга утишга ёрдам беради. Бундан ташқари қўшма корхоналар рақобат муҳити яратишга қўмақлашади. Бусиз эса ички истеъмол бозорини тулдириш мумкин эмас.

Ўзбекистонда инвестициялар биринчи навбатда иктисодиёт структурасини қайта қуришга, яъни Республика учун энг истикболли ва фойдали ишлаб чиқаришларга йўналтирилмоқда.

Қатор асос соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўпайиши иктисодиётда узиш руи бераётганини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ички иктисодиётдаги муваффақиятлар ташки иктисодий фаолиятга, ташки алоқалар тизими яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси иктисодиёти олдида учта узаро боғлиқ стратегик вазифалар турибди:

- маъмурий бошқарув иктисодиётидан бозор иктисодиётига утиш, яъни, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ҳужалик ислохотларини амалга ошириш;

- ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, узишнинг интенсив шаклига утиш;

- Ўзбекистоннинг миллий иктисодиётини жаҳон ҳужалигига интеграциялаш.

Ҳар уччала вазифани бажариш ташки иктисодий фаолиятни ривожлантириш ва хорижий капитални жалб қилиш жараёни билан боғлиқ.

Ташки иктисодий фаолият ва инвестициялар масаласи нафақат келажакдаги максадлар учун, балки ҳозирги кундаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун муҳимдир:

- ишсизликни камайтириш;
- тадбиркорликни ривожлантириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- инфляцияга қарши кураш ва ҳ.к..

Муҳокама учун саволлар

1. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасининг ташки савдоси қайси йуналишларда амалга оширилмоқда?
2. Ўзбекистон Республикасида ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишчи қандай қонунларни биласиз?
3. Замонавий халқаро савдо қандай узиға ҳосилқларға эға?

Адабиётлар

1. Дюмулен И. “Барьерў на торговўх путях”. - М., Международнўе отношения, 2000г.
2. Дюмулен И., Пресняков В., Соколов В. Внешнеторговўй режим ведухих зарубежнўх странВнешняя торговля. 2001. № 4
3. Линдерт П. “Экономика мирохозяйственнўх связей”. - М.: Прогресс, 2000г.
4. Шреплер Х. “Международнўе организации”. - М., справочник,, Международнўе отношения, 2001.

6-мавзу. ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР САВДОСИ.

6.1. Халқаро хизматлар савдоси ҳақида тушунча.

6.2. Хизматлар бўйича асосий ташқи савдо битимлари.

6.3. Халқаро туризм хизматлари.

6.4. Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталаш.

6.1. Халқаро хизматлар савдоси ҳақида тушунча

Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларидан бир шундан иборатки, унда товарлар халқаро савдоси билан бир қаторда хизматлар савдоси ҳам кенг ривож топган. Товарлар ва хизматлар халқаро савдоси ўзаро боғлиқдир. Хорижга қанча кўп товарлар сотилса, шунча кўп хизматлар ҳам кўрсатилади, яъни улар ўз ичига бозорларни таҳлил қилишдан товарларни транспортировка қилишгача бўлган жараёнларни қамраб олади.

Хизматлар - бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид муносабатлар асосида амалга ошириладиган фаолият бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг белгилашига кўра **экспорт қилинадиган хизматларга** хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга (ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга) мувофиқ, белгиланган тартибда республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар (ишлар) қиради.

БСТ нинг низомига асосан хизматлар қуйидаги 12 секторга бўлинади:

- бизнесга кўрсатиладиган хизматлар;
- қурилиш хизматлари;
- алоқа хизматлари (почта, курьерлик ва телекоммуникация);
- дистрибьюторлик хизматлари (савдо агентларининг хизматлари, чакана ва улгуржи савдо, франчайзинг);
- транспорт хизматлари;
- молиявий хизматлар;
- таълим хизматлари;
- медицина хизматлари;
- туристик хизматлар;
- рекреацион хизматлар;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар;
- бошқа тавсифланмаган хизматлар;

Бошқа таснифга кўра хизматлар бўйича асосий ташқи савдо битимларига транспорт хизматлари, инжиниринг (муҳандислик-техника хизматлари), ижара муносабатлари (лизинг), туристик хизматлар,

информатика ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги маслаҳат хизматлари, су\урталаш каби хизматлар киритилади.

Хизматлар соҳаси моддий ишлаб чиқаришга нисбатан давлат томонидан хориж рақобатидан химоя этилади. Халқаро хизматлар савдоси асосий тамойилларининг тартибга солиниши ТСББ доирасидаги музокараларнинг Уругвай раундининг мунозарали масалаларидан бири бўлди. Ушбу музокараларнинг бошидаёқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлди. Биринчи гуруҳ мамлакатлари хизматлар савдоси ҳам халқаро савдони тартибга солишнинг умумий тизимига киритилиши тарафдори бўлсалар, иккинчи гуруҳ мамлакатлари хизматлар моддий товарлардан ажратилиши тарафдори эдилар. Шу сабабли Уругвай раундининг бошида хизматлар бўйича алоҳида музокара гуруҳи тузилди. Музокараларни олиб бориш учун намуна ва асос сифатида ТСББ олинди, лекин товарлар ва хизматларнинг чегаралараро ўтказилишида сезиларли фарқлар мавжуд бўлганлиги туфайли янги битим – Хизматлар савдоси бўйича бош битим (ХСББ) расмийлаштирилди.

6.2. Хизматлар бўйича асосий ташқи савдо битимлари

Дистрибьюторлик хизматлари. Экспорт-импорт операциялари бевосита ёки билвосита бўлиши, яъни товар соҳиблари ёки воситачилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Воситачилар сифатида брокерлар, дилерлар, коммиссионерлар, консигнаторлар, улгуржи харидорлар, савдо агентлари фаолият кўрсатиши мумкин. Экспорт-импорт операцияларидан ташқари ташқи иқтисодий фаолият амалиётида товарларни сотиш учун ташқи савдонинг савдо, аукцион (кимошди савдоси) ва биржа сингари махсус шаклларида ҳам фойдаланади.

Илмий-техник тадқиқотлар натижалари савдоси. Хизматлар ташқи савдосида илмий-техник тадқиқотлар натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутди. Илмий-техника билимларини айирбошлашга доир келишувлар нафақат илмий, балки тижорат қийматида ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг олди-сотдиси билан бо\лиқдир. Илмий-техника билимлари савдосига доир операцияларда патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклида майдонга чиқадиган интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек “ноу-хау” тушунчаси билан бирлаштирилган техник билимлар ва тажриба иштирок этади.

Молиявий хизматлар. Ташқи савдо алоқалари молиявий алоқалар билан бо\ланади, зеро молия савдо пайдо бўлиши билан ва савдо ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Молия – пул оқимида, пулларнинг узлуксиз борадиган оборотида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, молия-пул фондлари шаклланиши ва улардан

фойдаланишда ҳамда пул маблаълари обороти пайтида юзага келадиган муносабатлари тизимидир. Молия учта функцияни бажаради:

- фондларни шакллантириш ва нақд пул маблаъларини олиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблаъларидан фойдаланиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблаъларини шакллантириш ва улардан

фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Халқаро кредитлаш, халқаро суурталаш, халқаро банк хизматини кўрсатиш (ҳисоб-китоблар, депозитлар ва бошқа банк операциялари) молиявий ташқи иқтисодий алоқалар шакллари ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жаҳон иқтисодиётида фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришга оид ва инвестицион ташқи иқтисодий алоқаларнинг пайдо бўлиши ва чуқурлашишига олиб келди.

6.3. Халқаро туризм хизматлари

Халқаро туризмнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни. Халқаро туризм хизматларни халқаро айирбошлаш қисми ҳисобланади. Давлатлааро мулоқотларнинг ривожланиши билан хизматлар соҳаси алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқди ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим шакллари билан бирига айланди. Унинг молиявий натижалари алоҳида мамлакатларнинг тўлов баланслари якунига борган сари кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон савдосининг деярли 1\4 қисмини унинг кўринмас деб номланадиган моддалари ташкил этади ва улар товарлар билан халқаро савдога қараганда анча тез ўсади, бунинг устига ўсиш суръатлари тезлашмоқда. Кўринмас моддаалари бўйича савдонинг ўсиши шу жиҳат билан қизиқарлики, у ҳатто жаҳон иқтисодиётидаги бухрон ҳодисалари кучайиши муносабати билан жаҳон товар оборотининг ўсиш кўламлари пасайган даврда ҳам содир бўлган.

Халқаро хизматлар соҳаси ташқи иқтисодий алоқалар жараёнида шакли бўйича ҳам, ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича ҳам товар алмашишга хизмат кўрсатиш, сармоя ҳаракатланиши ва мазкур мамлакат хорижий валютада тушум ва тўловларнга эга бўлган бошқа фаолият турлари бўйича энг хилма-хил жорий операцияларни бирлаштиради. Бунга биринчи навбатда халқаро туризм, транспорта ташишлар, суурта операциялари, банк фаолияти ва хорижга капитал кўйиш билан боланган хизматлар ҳамда кўп сонли бошқа операциялар: маданият соҳасида алмашиш, ахборот, эксперт ва бошқа хизматлар киради.

Халқаро хизматларнинг энг салмоқли таркибий қисмларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятининг ўсувчан соҳасини тақдим этувчи, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида катта бизнеснинг гуркираб ўсувчи жабҳасига айланган **халқаро туризм** ҳисобланади.

Туристтик бизнес улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг салкам 6 фоизи, суммар сармоя қўйилмаларининг фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи ва барча солиқ тушумларининг 5 фоизи тўри келади. 1995 йилда жаҳондаги ҳар бир 16-чи иш ўрни туризмга тўри келар эди. Халқаро туризмнинг улушижаҳон экспортнинг салкам 7 фоизини ташкил этади, бу эса экспортдан тушган даромадлар суммасида туризм нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт қилишдан ва автомобилларни экспорт қилишдан даромадлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди демакдир.

1998 йилда Жаҳон туристик ташкилоти томонидан 625 млн туристик ташрифлар қайд этилди, улардан олинган дармад бир йилда 9 фоиз қўпайиб, 445 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса туризмни жаҳон ҳўжалигининг етакчи жабҳаларидан бири айланиш йўлида қўйилган катта кадамни англатади. У ҳатто айрим ноқулай сиёсий ва иқтисодий шароитларга қарамай жадал ривожланишни давом эттирмоқда. Жаҳон туристик ташкилотининг прогнозларига қараганда, жаҳон ялпи миллий маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 2005 йилда 12-14 фоизга етади.

Туристтик бизнес тадбиркорларни озгинагина бошланғич инвестициялар, уларнинг тез қопланиш муддатлари, туризм хизматларига доимий талаб, ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллигининг юқори даражаси билан жалб этади. Иқтисодиёт ривожланишининг муайян босқичида саёҳат қилишга эҳтиёж кескин ошганда, ана шундай саёҳатлар учун хизматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам пайдо бўлишди. Бу алоҳида турдаги товар - туризмнинг шаклланишига олиб келди.

Шундай қилиб, аввал туризм истеъмолчилар бозорида сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган товар сифатида вужудга келди. Туризм товар сифатида хизматлар (моддий ва номоддий) шаклида сотилади. Туристларга (саёҳат қилаётган кишиларга) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизматларни ишлаб чиқарувчилар “туризм” соҳасига бирлашишди. Туризм биринчи ҳаётий зарур товар ҳисобланмайди, шунинг учун инсоннинг фақат унинг даромадлари муайян даражада ва жамиятнинг бойлиги мўайян даражада бўлганда зарурий эҳтиёжи бўлади.

Туризм одамларнинг турли туристик йўналишлар бўйича ҳаракатланиши натижасидир;

туризм ҳар доим икки унсурни ўз ичига олади: тайинланган жўга саёҳат ва у ерда тўхташ;

туризм - туристнинг туристик йўналиш бўйича вақтинча ҳаракати, яъни турист қанчадир вақтдан кейин ўзининг доимий яшаш жойига қайтади;

туризм - фойда олиш бўйича фаолиятини ўзига олмаган саёҳатдир.

Туризм аҳолининг бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакат) бошқасига, агар у яшаш жойи ёки иши ўзгариши билан боғлиқ бўлмаса,

вақтинча кўчиши билан тавсифланади. Туризм – дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ёки амалий учрашувларда иштирок этиш мақсадида саёҳат қилиш билан боғлиқ ҳаловатдир.

Туризмда эҳтиёжни тўқидирадиган омиллар учта асосий гуруҳга киритилиши мумкин: маърифий, минтақавий, иқтисодий.

Тарихий-маданий диққатга сазовор жойларга тарихий ва археологик ёдгорликлар, музейлар, бадий галереялар, театрлар ва бошқа объектларни киритиш лозим.

Алоҳида қизиқишни этнографик жиҳатдан диққатга сазовор сифатида тавсифланадиган урф-одатлар, кийим-кечак, таомлар ва халқ ижодининг бошқа кўринишлари уйғотади.

Хўжалик юритишдаги диққатга сазовор нарсаларга хўжаликни юритишнинг ўзига хос шакллари киритиш лозим.

Минтақавий омиллар гуруҳига минтақага туристларнинг келишлари учун сабаб бўла оладиган мазкур минтақадаги воқеалар, масалан театр ва мусиқа фестиваллари, кинофестиваллар, турли турдаги спорт мусобақалари (олимпиадалар, эзгу хоҳиш ўйинлари, спартакиадалар, спорт курашлари ва ҳоказо), ярмаркалар, карнаваллар, кўргазмалар ва ҳоказолар киради.

Туризм ички ва халқаро бўлади. Халқаро туризм иштирокчиси хорижлик турист деб аталади.

“Хорижлик турист” атамаси (халқаро шартномаларда – оддийгина “турист”) ҳозирги вақтгача тугамаган узоқ эволюцияни босиб ўтди.

БМТ бир неча бор хорижлик турист таърифини кўриб чиқди. БМТнинг 1963 йилдаги Халқаро туризм ва саёҳатлар бўйича Рим конференцияси томонидан ифодаланган таърифга кўра хорижда бўлган талабалар ва ўқувчилар ҳам турист ҳисобланишади.

Туристларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари белгиланган эди:

йўлишлар, қурултойларга (илмий, маъмурий, спорт ва бошқа) борадиган фуқаролар;

хизмат ишлари бўйича борадиган фуқаролар;

мамлакатда ишга жойланиш учун шартнома тузиб ёки шартномасиз келадиган фуқаролар;

мамлакатга доимий яшаш учун шартнома тузиб ёки шартномасиз қоладиган фуқаролар;

чегаранинг бир томонидан яшайдиган, иккинчи томонида эса ишлайдиган чегара туманлари аҳолиси турист деб ҳисобланмайди.

Бироқ кўплаб давлатлар халқаро даражада “турист” атамасининг аниқ ва бир турдаги изоҳини ишлаб чиқмаган ва шу билан халқаро туризм соҳасида ўзларининг ҳамкорлиги тўғрисида халқаро шартномалар ва битимлар мавзуини аниқлашмаган.

Туризм хизмати умуман хизмат каби фойдали самарада ифодаланадиган муайян истеъмолчилик ҳаракатидир, у одатда, намоён

бўлганда инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондиради. Бунда хизмат ё буюм, яъни буюм (товар) ёрдамида, ёхуд жонли меҳнатнинг ўзининг фаолият кўрсатиши жараёнида кўрсатилиши мумкин.

Хизматлар ишлаб чиқаришининг кўрсатилган икки усули хизматлар ўзининг ҳам икки турини шартлайди. Биринчи хизмат тури - бу шундай хизматларки, буюмда бевосита ифодаланиб, истеъмол товарлари билан дахлдордир. Бу турдаги хизматларни кўрсатиш ўзининг мазмунига кўра моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнидан фарқ қилмайди, унга айнан ўхшаш, сабаби бу ерда меҳнат жараёнинг барча бешта унсури яққол: меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнатнинг ўзи (яъни инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти), технология ва ташкил этиш. Бу биринчи турдаги хизматларни моддий (ишлаб чиқаришга доир) деб аташга асос беради. Турист учун озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича хизматлар хизматининг ушбу турига мисол бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол қиймати сифатида меҳнат одамларнинг аниқ этиёжини қондиради. Бундай хизматни истеъмол қилиш бошқа шундай товар каби шу меҳнат берадиган алоҳида истеъмол қиймати хизмат деб аталади, чунки меҳнат хизматни буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўрсатади.

Номоддий хизматлар уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жамоат меҳнати харажатларига эквивалент қийматга ҳам эга.

Номоддий хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам аниқ меҳнат, ҳам мавҳум меҳнат сарфланадики, у билан уларнинг ҳам истеъмол қиймати яратилади.

Туристик хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолияти туристларга турли хил хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ. Туристлар туризм хизматларини ишлаб чиқариш ва ушбу хизматларни сотишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарадиган хизматлар истеъмолчилари бўлиб майдонга чиқишади.

Хизматларни истеъмол қилишни сотиш ва ташкил этиш жараёнида туристларга хизмат содир бўлади, чунки истеъмолни сотиш ва ташкил этиш бўйича фаолият – хизмат кўрсатиш жараёнидир. Ушбу учта функциянинг мавжудлиги хўжалик юритувчи барча туристик субъектларни ягона соҳа - туризмга бирлаштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтгача халқ хўжалиги соҳаларининг амалдаги таснифида туризм аниқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эмас. Бу ҳозирги замонда бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатиши шароитларига жамоат ишлаб чиқаришни таснифий чизма қурилишининг соҳавий принципи номувофиқлиги натижасидир.

Жамоат ишлаб чиқаришининг диверсификацияси ўсишида соҳанинг жамоат эҳтиёжларини қондиришдаги функционал роли унинг мезони бўлади. Шунинг учун аҳолининг истеъмол воситаларига (бирга олинган товарлар ва хизматлар) эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий соҳалар

таркибида туризм кирадиган ижтимоий–маиший инфратузилманинг соҳавий мажмуи ажратилади. Соҳанинг мезони маҳсулотнинг предметлиги эмас, унинг аҳамияти бўлади. Шунинг учун ҳам истеъмол предметлари (озик-овқат, ёдгорликлар ва ҳоказо) ишлаб чиқариладиган туризм, бу маънода ягона функционал мезонга эга.

Туризмнинг халқ хўжалиги мажмуи соҳалари таркибидаги ўрнини қуйидаги позициялардан баҳолаш керак.

Туризм янги моддий қийматни яратади ва уни хизматлар шаклида сотади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш бўйича номоддий хизматларни бажаради ва сотади, шунинг учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш функцияларига эга.


Туризм соҳасида содир бўладиган хўжалик жараёни ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш жараёни ҳисобланади.

Туристтик экспорт, импорт ва туристик бозор тушунчаси ва мазмуни. Туризмни товар сингари мамлакатга импорт қилиш ва ундан экспорт қилиш мумкин.

Жаҳон туристик ташкилоти томонидан қуйидаги таърифлар қабул қилинган: туристларни етказиб берувчи мамлакатлар ва туристларни қабул қилувчи мамлакатлар.

Туризм хизматларни сотиш учун тўловлар, яъни пул оқимлари қабул қилувчи мамлакатга тушганда, **бу туризмни экспорт қилишни** англатади. Хорижлик турист бу мамлакатга келар экан, қабул қилаётган тараф унга тақдим этадиган ўзининг пулларини ўз туристик эҳтиёжларини қондиришга сарфлайди. Демак, туристларни қабул қилаётган мамлакат туристик маҳсулотларини экспорт қилади ва туристнинг пуллари унинг худудида қолиб кетади. Бир вақтнинг ўзида бу турист пул олиб чиқадиган мамлакат учун **туристик импортни** англатади.

Бу туристик экспортнинг муҳим хусусияти ва унинг товарларни экспорт қилишдан фарқидир, чунки товарларни экспорт қилганда пул оқими қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади (4-расм).



4-расм. Туристтик экспортнинг товарлар экспортидан фарқи.

Хизматлар савдоси тўғрисидаги бош битимнинг (ГАТС) 1-моддасида “хизматлар савдоси” тушунчаси бор, унда бир мамлакатнинг ҳудудида истеъмолчига савдо воситасида иккинчи мамлакат хизматларини тақдим этиш (яъни туризмга нисбатан қулланилганда - мамлакатга келаётган хорижлик туристларга хизматлар) ташқи иқтисодий, экспорт деб тан олинади дейилган, чунки ушбу ҳолда оловчи мамлакат фуқаролари томонидан хизматларни етказиб берувчи мамлакат ҳудудида хизматларни истеъмол қилиш ўрни бор.

Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, кўрсатилган битимлар ҳар доим ҳам жойнинг ўзида бўлмайди, масалан, меҳмонхонада туристларни қабул қилиш жойида ёки туроператорлар битимлари содир бўладиган жойда. Битим туризм хизматлари сотувчиси ва харидорни бевосита жалб этмай тузилиши мумкин. Масалан, телекс, телеграмма, факс орқали, телефон қўнғироғи ёрдамида ёки чек бўйича. Бунинг сабаби бўлиб, туристик бозор махсус жой ёки географик зона билан чекланмагани ҳисобланади.

Туристтик бозор - бу туризм хизматларни (турлар, туристик маҳсулот) сотишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидир. Туристтик бозорда туризм хизматларига турист тақдим этадиган талаб ва туристик фирма томонидан туризм хизматларига тақлиф тўқнаш келади.

Туризм хизматлари ишлаб чиқарувчилари - бу туристик фирмалардир (туроператорлар, турагентлар), улар фойда олиш мақсадида ва туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди.

Туристтик индустрия ўзида меҳмонхоналар ва жойлашишнинг ўзга воситалари, транспорт воситалари умумий овқатланиш объектлари, кўнгил очиш объект ва воситалари, маърифий, амалий, соломлаштириш, спорт ва ўзга аҳамиятдаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматларини тақдим этадиган ташкилотларни жамлайди.

Келтирилган чизма туризмга талаб туристларнинг талаб кўрсатувчи сифатида муайян шарт-шароитлари билан шартланганини кўрсатади: туристик эҳтиёжли ва саёхат қилиш хоҳиши бор одамлар; юқори харид қобилиятига эга одамлар, уларнинг талаби энг нуфузли турларга, оригинал саёхатларга, туристик хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига қаратилган

(комфорт, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг алоҳида эътибори, индивидуал гид-таржимон ва автотранспортнинг берилиши ва ҳоказо); харид қилиш ҳуққи одамлар. Турист – бу туризм хизматлари харидори. Туристнинг харид қилиш ҳуққи уни рекламага муайян тарзда муносабат билдиришга мажбур этадиган барча табиий, руҳий, ижтимоий ва бошқа сабабларга тегишли. Бу туристик бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши жуда муҳим омилдир. У туристик бозорни алоҳида секторларга бўлишни талаб этади, уларни ўрганиш туризм хизматларига таклиф ва талабни энг мақбул қўшишга эришишда ёрдам беради.


Туристтик бозор исталган мамлакат иқтисодиётига нисбатан икки цикллилига билан тавсифланади (чизма). Бу шу нарсада ифодаланадики, юқори даражада ривожланган туристик бозор давлатни бойитишга олиб боради ва аксинча.

Туризмнинг ривожланаётган иқтисодиёти туристларнинг барча эҳтиёж ва хоҳишларининг қондириш имкониятларига эга эмас. Туристтик ресурсларнинг мўллиги туризмнинг анча мураккаб ва кўп қиррали моддий – техник базасини яратишни назарда тутди. Туристтик индустриядан иқтисодий самарани оширишда даромаднинг бир қисмидан янги туристик эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилади, иккинчи қисми эса иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, жумладан саноатни ҳам ривожлантириш учун йўналтирилиши мумкин.

Туризмнинг иқтисодий фаоллиги унинг таркибий соҳалари ривожланиши билан бевосита боʻланган. Туризм ривожланишининг муҳим омили ижтимоий барқарорлик ҳисобланади, чунки туризм бутун иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатдаги сиёсий аҳволга боʻлиқ. Бундан ташқари, туризм шаклларида кўпчилиги туристик хизматларга мавсумий талаб билан боʻланган.

Туризмни бир томонлама ривожлантириш мумкин эмас. Туризмнинг тез юксалтирилиши учун мамлакат иқтисодиёти барча тармоқларининг уйʻун ривожланиши ва бир вақтда улар иқтисодий фаоллигининг кўпайиши талаб этилади.

Туризмнинг шакллари, турлари ва хиллари. Туризмнинг фаолият кўрсатишининг иқтисодий самарадорлиги кўп томондан унинг шакллари таснифи билан белгиланади. Туризм шакллари таснифи деганда, уларнинг муайян амалий мақсадларига боʻлиқ бўлган бир турдаги гуруҳларини тушуниш лозим.



5-расм. Туристтик бозорнинг икки циклиги.

Туризм шаклларида ҳар бири туристларнинг ўзига эҳтиёжлари билан тавсифланади ва бу эҳтиёжларни қондирувчи тегишли хизматлар тўпламини назарда тутди.

Туризм шакли турист ўз мамлакатининг давлат чегарасини босиб ўташи билан боғланган, яъни туризмни шаклларга бўлиш асосида мамлакатга оид аломат ётади.

Ушбу аломатга кўра туризмнинг икки шаклини ажратишади: ички ва ташқи.

Ички туризм - ўз мамлакатининг ичида маҳаллий туризм, шу ерда доимий истиқомат қилаётган шахсларнинг ўз мамлакати чегараларидаги саёҳати.

Халқаро туризм - бу бошқа мамлакатга туризм, яъни хорижий туризм. У кириш ва чиқишли бўлади. Чиқиш туризми – бир мамлакатда доимий яшовчи фуқароларнинг иккинчи мамлакатга саёҳати. Кириш туризми – муайян мамлакат чегараларида бу ерда доимий яшамайдиган шахсларнинг саёҳати. Халқаро туризм кўплаб омиллар таъсирида ривожланади, уларни уч гуруҳга киритиш мумкин: **демографик, иқтисодий, ижтимоий.**

Демографик омилларга жаҳон аҳолисининг ўсиши, аҳолининг тўпланиши ва ҳаётининг ҳаракатчан стереотипига олиб келадиган урбанизация жараёни киради. Йирик шаҳарлар аҳолиси жисмоний ва маънавий кучлар сарфларини тиклаш учун муҳитни ўзгартириш заруриятини кескин ҳис этишади. Умумий қардош тилга эга турли мамлакатлар халқларининг бир бирларига қизиқиши ошади, бу авваламбор тил тўсилининг йўқлиги, тарих ва маданиятнинг умумийлиги билан боʻланган.

Иқтисодий омиллар жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши билан боʻланган бўлиб, бу ерда товарлар ишлаб чиқариш билан таққослаганда хизматларни ишлаб чиқариш кўпайиши тамойили ва бунинг натижаси сифатида аҳолининг умумий истеъмолида хизматларни (шу жумладан туризм хизматларини) истеъмол қилиш улуши кўпайиши қузатилмоқда. Иқтисодий омилларга туризм тармоғида илмий–техник тараққиётининг жадаллашиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши киради. Хорижий туризм моддий-техник базасининг ривожланиши, туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишнинг янги шакллари яратиш туристик ҳаракатларини интенсивлашга, янги жойларнинг рекреацион соҳасига жалб этишга кўмак беради.

Ижтимоий омиллар - инсоннинг ҳаёт шароитлари ва фаолияти билан боʻланган омиллар. Халқаро туризмнинг ривожланишига ҳақ тўланадиган таътил давомийлигининг кўпайиши ҳамда йил давомида икки марта саёҳат (ёзда ва қишда) қилиш имконини берадиган таътилни икки бўлиш бевосита таъсир қилади. Туризмнинг ривожланишига пенсияга чиқиш ёшини камайтириш ҳам кўмаклашади, бу эса уошиши ҳисобига учинчи ёшда деб номланмиш туристларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Туризм тури мамлакат ёки унинг минтақаси бюджетида молиявий натижаларни акс эттириш спецификаси билан боʻланган. Мазкур аломатга кўра туризм шаклларида туризмнинг икки турини ажратишади: фаол ва пасив.

Мамлакатга хорижий туристлар ёки мазкур минтақага маҳаллий туристларнинг келиши фаол туризм ҳисобланади. Фаол туризм мазкур мамлакат ёки минтақага пул (валюта) олиб кириш омили бўлиб хизмат қилади.

Бир мамлакат фуқароларнинг бошқа давлатларга саёҳат қилиши ёки туристларнинг мазкур мамлакат минтақасидан чиқиши пасив туризм ҳисобланади. Пасив туризм мазкур мамлакат ёки минтақадан пул (валюта) ни олиб чиқиш омили ҳисобланади.

Саёҳатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб туризмнинг қуйдаги турлари ажратилади: рекреацион, маърифий, илмий, амалий.

Рекреацион туризм – дам олиш, соʻломлаштириш ва даволаниш мақсадидаги туризм. Бунда фуқароларнинг санаторийларда бўлиши (касаллик варақаси бўлган ва бўлмаган тақтирда ҳам) туризмга кирмайди,

чунки мазкур ҳолда санаторий–касалхонанинг бир туридир. Одамларнинг дам олиш кунлари хордик чиқариш, хурсандчилик қилиш, спортбилан шуғулланиш мақсадида ҳаракат қилиши “ҳафта охири” туризми деб аталади.

Маърифий ёки маданий туризм – муайян дастурга кўра тарихий–маданий диққатга сазовор жойлар ва ноёб табиий объектлар билан таниши мақсадида саёҳат қилишдир.

Илмий туризмда конгресслар, симпозиумларва ҳоказоларга ташриф буюриш устун бўлиб, бунда у одатда экскурсион сафарлар билан тугайди.

Саёҳатни ташкил этиш тавсифига кўра индивидуал, гуруҳли, уюшган ва ташаббускор (уюшмаган), стационар ва кўчма туризмга ажратишади.

Бир кишининг туманларни кўришга ўхшашлар давомийлиги, ётоқ шароитлари ва ҳоказолар таърифини ўз ичига олган шахсий режага кўра саёҳати индивидуал саёҳат деб аталади,худди ўша шароитларда ёки туристик хўжалик юритувчи субъект режасига кўра одамлар гуруҳи (шу жумладан оиланинг ҳам) саёҳати гуруҳли туризм деб аталади.

Бир турист ёки туристлар муайян муддатга олдиндан сотиб олинганйўлланма бўйича туристик хизматлар мажмуи билан таъминланади (турбазаларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, курсовкалар бўйича дам олаётганлар). Уюшган туристларга туристик хизматларнинг бир қисминигина муайян муддатга сотиб олганлар ҳам киради (мисол учун, фақат овқатланиш учун курсовка).

Туристик хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро ҳақ қандай мажбуриятлар билан боғланмаган алоҳида турист ёки туристлар гуруҳининг саёҳати ташаббускор (уюшмаган) туризм деб аталади.

Ташаббускор туризм – ҳаракатланишнинг фаол усуллари қўллаш билан туристлар томонидан ташкил этиладиган саёҳатдир.

Стационар туризм туристни туристик йўлланманинг бутун амал қилиш муддатида доимий жойлаштириш ўрни билан боғланган. Кўчма туризм – саёҳат билан боғланган туризмдир (круизлар, турлар).

Ижтимоий туризм – бу давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминладиган саёҳатлардир.

Туристик йўлланмаларнинг интенсивлиги бўйича доимий в амавсумий туризм фарқланади. Туристик минтақаларга йил бўй ва нисбатан бир маромда борилиши доимий туризм деб аталади. Бу авваламбор машҳур цивилизация, маданият, соғломлаштириш марказлари учун хосдир: жаҳоннинг машҳур шаҳарлари, курортлар, ноёб минерал сув ва балчикларга эга бўлган жойлар.

Айрим минтақалар туристларни кўпроқ йилнинг муайян вақтида жалб этади. Бунда туризм мавсумий туризм ҳисобланади. Йилнинг фақат муайян вақтида бориб кўриладиган туристик минтақалар (мисол учун, ёзда ёки қишда) бир мавсумли туристик минтақалар сифатида тавсифланади. Йилнинг исталган вақтида (қишда ҳам, ёзда ҳам) бориб кўриладиган

минтақалар икки мавсумли деб аталади. Мазкур туристик минтақани туристларнинг келиб кўриш мунтазамлигига қараб мавсумлар юқори даражада (яъни тўлиб кетган), сокин (ўртача даражада) ва жимжит (сокин, туристлар деярли келмайдиган) мавсумларга бўлинади.

Туристларнинг саёҳатда бўлиш давомийлигига қараб қисқа муддатли ва давомий туризмга ажратилади. Қисқа муддатли туризм – саёҳат 3 суткадан кўп давом этмайдиган туризмдир.

Давомий туризм – саёҳат муддати уч суткадан ошадиган туризмдир. Саёҳатда бўлиш муддатидан келиб чичиқиб туризмнинг эҳтиёжлари жиддий равишда ўзгаради.

Саёҳат вақтини муайян (доимий) йўналишда қисқартириш туристнинг транспорт таркибийлиги улуши (яъни унинг транспортга сарфлари) харажатларининг қўпайишига олиб келади. Туристларнинг ёшидан келиб чиқиб болалар, ёшлар, катта ёшлар туризми ажратилади.

Ҳамкорлик қилиш шаклига қараб туристик гуруҳлар билан валютасиз ва валютали алмашишни ажратиш мумкин. Валютасиз алмашиш муайян кунлар давомида кўрсатиладиган хизматларнинг тенглиги асосида туристик гуруҳларнинг ўзаро бориб келишларидан иборат. Валюта асосида шерикчилик туристик гуруҳларнинг хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш кўрсатиладиган хизматлар учун шериклар келишиб олган валютадаги тўловлар назарда тутади: қоидага кўра икки тарафлама битимларда бир кунлик комплекс хизмат кўрсатишнинг валюта қиймати белгиланади.

Халқаро туризмнинг урушдан кейинги амалиётида тез кўламларда парадорес ва таймшер ривожлана бошлади.

Парадорес (ингл. parade - томошага чиқариб қўйиш) мамлакатнинг миллий архитектура меросини сақлаб қолиш учун қадимги қалъа ва саройларни туристик меҳмонхоналар ва экскурсия мақсадларида фойдаланишдан иборатдир.

Таймшер (ингл. time share - вақтни бўлиш) – туристик бизнесда кўчмас мулкдан, ундан муайян вақт давомида пул бадалига мутаносиб равишда фойдаланиш имкони билан биргаликда эгалик қилишдир. Фойдаланиш вақти уч рангга (қизил - энг қиммат, оқ ва кўк) жамланган ҳафтаalarda ўлчанади ва мавсумлар бўйича талаб ўсишини акс эттиради.

1971 йилда RSI (Recort Condominiums International) глобал тизими яратилди, яъни бу деярли бутун жаҳондаги (2400 отелъ ва курортлар) машҳур курортларнинг коттежларини узоқ вақтга ижарага олиш (25-30 йилга) ва алмаштириш тизимидир.

Туризмни молиялаштириш. Йилдан йилга саёҳат қилувчиларнинг сони кўпайиб бормоқда ва улар ўз ўзидан чет элда ўз харажатларини тўловни амалга оширишлари лозим бўлади. Банклар чет эл валютаси ёки йул чеклари ва хизматларнинг асосий етказиб берувчилари бўлиб ҳисобланадилар. Улар алмашув бюрolari билан рақобатлашадилар.

Алмашув бюроларининг асосий вазифаси валюта алмаштириш ва йўл чеклари бўйича тўловни амалга оширишдир. Лекин алмашув бюроларининг иш вақти банкларнинг иш вақтига қараганда узокроқдир. Уларда комисион тўловлар юқорироқ. Хозирги кунда туризмни молиялаштириш билан қўрилиш жамоалари ҳам қатнашмоқдалар, улар эса асосий рақобатчи бўлиши ҳам мумкин.

Банклар туризмни молиялаштириш ва су\урталаш билан шу\улланадилар, лекин одатда туризм агентликлари уларга жидий зарба кўрсатсдилар. Туризм агентликлари туристларга юқори даражадаги хизматлар йигиндисининг ёки бронь килинган татиллари таклиф этадилар.

Туристлар ўз мамлакатларида ҳам, чет элда ҳам камрок нақд пул олиб юришга ҳаракат қиладилар, чунки ҳар қандай вақтда хавф-хатар руй бериши мумкин. Лекин барибир туристлар баъзи бир жойларда нақд пул олиб юришга мажбур бўладилар. Чунки ҳамма ҳудудларда ҳам йўл чеклари ва кредит карточкаларини ишлатиш ҳали яхши ривожланмаган.

Чет эл валютаси. Кўпчилик саёхатчилар чет элга кетаётганда йўл чеклари ва ҳ.к. лардан ташқари нақд пул олиб кетадилар, чунки улар тунда ёки байрам ва дам олиш кунларида етиб борсалар, йўл чекларини нақд пулга алмаштириш имкони бўлмайди. Шунинг учун банклар ҳар қандай чет эл валюталарини сотадилар. Агар қандайдир чет эл валютаси камрок тарқалган бўлса, уни банкнинг валюта савдоси бўлимига буюртма қилиш мумкин.

Лекин ҳамма давлатларга ҳам чет эл банкнотлари ва тангаларини эркин олиб кириш ва олиб чиқиш руҳсат берилмаган. Бу шунинг билан англатадики банк баъзи бир жойларга валютани етказиб бера олмайди ва валютани олиб кириш ва олиб чиқишда баъзибир чеклашлар мавжуд бўлади. Валюта алмаштириш билан шуғулланувчи шахс бундай чеклашлар ҳақида миждозга маълумот бериши керак. Буюк Британияда валюта чегараланиши 1979 йилгача мавжуд бўлган, кейинчалик эса бу бекор қилинган. Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги уз чегараси орасида валюта чегараланишларини олиб ташлаш бўйича уз олдида мақсад қўйди.

Тангаларни алмаштириш одатда амалга оширилмайди, чунки уларга ишлов бериш банкнотларга қараганда қимматроқ туради.

Чет эл валютасини олишнинг афзалликлари:

1. Кўп ташриф буюриладиган давлатларнинг валютасини қийинчиликсиз олиш мумкин.

2. Бирон бир давлатга етиб келиш билан валютани ишлатиш мумкин, банк очилишини кутиб ўтирмай. Барча харидларни нақд пулга қилиш мумкин, чунки четроқ жойлашган ҳудудларда бошқа тўлов усуллари ишлатиб бўлмайди.

Чет эл валютасини олишнинг камчиликлари:

1. Йўқотиб қўйиш ёки ўирлатиб қўйиш хавф-хатари юз бериши мумкин.
2. Кетиш олдида валютани фунт стерлингда тўлаш керак бўлади
3. Агар валюта кўп миқдорда олиб чиқиб кетилаётган бўлса, у кўп жой эгаллаши мумкин.
4. Кам ташриф буюриладиган давлатлар валютасини олишда қийинчилик бўлиши мумкин.
5. Бир қанча давлатларга саёхат қилинса шунча хил валюталарни олиб ўтиш керак бўлиши мумкин.
6. Кетишдан олдин валюталарни банкдан олиш шарт.
7. Валюталарни олиб ўтишда валюта чегараланишлари мавжудлиги сабабли қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Йўл чеклари. Йўл чеклари кенг тарқалган бўлиб, улар валюта банкноталарига нисбатан кам жой эгаллайдилар. “Томас Кук” йўл чекларини ишлатиш бўйича пионер эди ва ҳозирги кунда “Мидленд Бзик” банкининг филиали бўлиб ҳисобланади. Бундай чеклар фунт стерлингларда чиқарилиши мумкин ёки Буюк Британиянинг банкларида кўрилиш жамиятларида почта Бошқарувида ва телеграфларида бошқа асосий бўлган валютада чиқарилиши мумкин. Бошқа валюталарда ҳам чеклар берилиши мумкин, лекин одатда 3 банк гуруҳларидан бири, яъни “Американ Экспресс”, Виза” ва “Мастеркард” бундай чекларни чиқаради ва сафарга отланувчи уларга имзо қуйиши керак, уларни тартиб рақамларини ўрнатиб чеклар ишончли жойда эканлигига ишонч билдиришлари керак, чунки акс ҳолда йўқотиш ёки угирлик содир бўлган тақдирда улар уз пулларини қайтариб ололмайдилар. Агар чек берилиш шартлари ҳақиқатда бузилмаган бўлса, чек берувчи 24 соат ичида тўлаб бериши керак. Саёхатчи йўл чекларини бўйича нақд пул олмоқчи бўлса, у банкга бориб кассада чекларга имзо қўйиши керак. Бу имзо эса биринчи имзо билан текширилади. Шундай йўл билан фақатгина чекнинг эгасигина олиши мумкин. Баъзи бир меҳмонхоналарга ва дўконларга чек билан тўлаш рухсат этилган, лекин бу ҳали кенг тарқалмаган.

АҚШда фунт стерлингдаги йўл чеклари ҳатто банклар томонидан ҳам қабул қилинмайди. Лекин АҚШ долларидаги йўл чеклари шундай кенг тарқалганки, баъзи пайтларда у нақд пул ўрнига ўтиши мумкин. Саёхат сўнгида ишлатилмаган фунт стерлингдаги йўл чеклари мижознинг жорий ҳисоб рақамига ўтказилиб юборилади.

Йўл чекларнинг ижобий томонлари:

1. Йўл чекларини онсон олиш мумкин.
2. Фунт стерлинг ёки бошқа валюта танлаш имкони.
3. Улар олиб юриш учун ишончли ва қулайдур.
4. Инкассация қилишда улар кенг тарқалгандир.

5. Агар улар йўқотиб ёки ўирлатиб қўйилса, улар бўйича дарҳол тўлов амалга оширилиши мумкин.

Йўл чекларининг камчилиги:

1. Йўл чекларини нақд пулга алмаштириш банкларда амалга оширилиши сабабли, банкларнинг ишлаш вақти бўйича муаммолар келиб чиқиши мумкин.

2. Йўл чекларига товар ва хизматларни харид қилиб бўлмайди. Шу туфайли банкга бориш учун ҳам вақт кетиши мумкин.

3. Йўловчи ўзида йўл чекларининг серия рақамларини ёзувини сақлаши керак, йўл чеклари йўқотиб қўйилган тақдирда у бўйича тўловни олиш учун.

4. Тўлов сафар олдида амалга оширилиши керак.

5. Чек берилаётган пайтда комисион тўловлар тўланади.

6. Улар сафар олдида банкдан олиниши керак.

Кредит карточкалари. Юқорида айтиб ўтилгадек, кредит карточкалари билан операция қилувчи барча Британия компаниялари куйидаги икки халқаро гуруҳга тегишлидир:

“Виза” (“Барклейкард”, “Транскард”) ва “Мастеркард” (“Аксесс”). Бу шунингдек Британия кредит карточкалари бутун дунёда товар ва хизматлар харид қилиш учун маҳаллий валютада ўтиши мумкин.

Саёхатчи шунингдек нақд пулни шу гуруҳга тегишли банклардан олиши мумкин, лекин кредит карточкалари берувчи компаниялар хизмат учун тўловлар олиши мумкин. Фоизлар қўйилган вақтдан бошлаб олиниши мумкин, агар кредит карточкаси харид учун эмас нақд пул олиш учун ишлатилаётган бўлса кредит карточкалари орқали чет эл валютасини ёки йўл чеклари ҳам олиш мумкин ва бу бўйича харажатларни кредит карточка бўйича қилиш мумкин.

Кредит карточкаларининг чет элда ишлатишнинг ижобий томонлари:

1. Олдиндан ҳеч қандай келишувлар тузилмайди.

2. Олдиндан тўловлар тўланмайди.

3. “Виза” ва “Мастеркард” карточкалари миллионлаб савдо марказларида қабул қилинади, шунинг учун банкга ҳам кам борилади.

4. Ташриф буюриш вақтига қараб товар харид қилинаётган пайтда фоизсиз кредит олиниши мумкин.

5. Саёхатчи фақат бир жойда унча катта бўлмаган карточкани сақлаши керак.

6. Кредит карточкасини барча ташриф буюриладиган давлатларда ишлатиш мумкин.

7. Кредит карточкасининг компанияси бошқа туризм хизматларини кўрсатиш мумкин.

8. Кўзда тутилмаган харидлар қилиниши мумкин.

Кредит карточкасини чет элда ишлатишнинг камчиликлари:

1. Кредит карточкаси бўйича бўнаклар олиш қимматига тушиши мумкин.

2. Шарқ давлатларида ёки ривожланаётган давлатларда кредит карточкалари умуман қабул қилинмаслиги мумкин.

3. Кредит карточкаларининг компаниялари тўлов гувоҳномаси ишлаб чиқилмагунча қиймати ноаниқ бўлиб қолади.

4. Ҳисобламай пул ишлатиш натижасида, қарзлар билан ҳисоблашишга тўри келади.

Тўлов карточкалари. Тўлов карточкалари худди кредит карточкалари сингари тўлов воситаси сифатида кенг қўлланилади, лекин кредитлаш манбаларини таклиф қилмайди, чунки ҳар бир ҳисоблар бўйича ҳар ойнинг охирида ҳисоблаш керак бўлади. Бундай карточкаларга мисол қилиб “Райнерс Клуб” ва “Американ экспресс” компанияларини келтириш мумкин. Ижобий ва салбий томонлари худди кредит карточкалари сингаридир. Бўнаклар нақд пулда олиниши мумкин.

Чет элга пул ўтказмалари. Чет элга пул ўтказишнинг турли хил усуллари мавжуд:

- Унча катта бўлмаган пуллар миқдорини почта бошқаруви агентликлари ва телеграф орқали ёки халқаро банк орқали ўтказиш мумкин.

- Банк траттаси – бу банк томонидан ўзининг чет элдаги ҳисобига ёзилган чеки бўлиб ҳисобланади. Тратталарни асосан фирмалар чет элдаги сотиб олинган товар ва хизматлар учун тўлов воситасида ишлатадилар. Бу саёхатчилар учун қулай эмас, уларни ишлатиш узоқ вақт талаб этади.

- Почта ўтказмаси – бу бир банк томонидан чет элдаги банкга бирор бир суммани тўлаб бериш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси бўлиб ҳисобланади. Бу авиакомпания орқали юборилади.

Агар мижоз бўнақа тўловни чет эл меҳмонхонасига ёки яна кимгадир амалга ошириш керак бўлса, у қуйидаги йўллар билан амалга ошириши мумкин.

- Почта ўтказмаси. Мижоз чет элдаги олувчининг банк реквизитларини билиш керак.

- Халқаро ўтказма. У почта ўтказмасига қараганда арзонроқ.

- Банк траттаси.

Қисқа муддатли туризм хизматлари. Клиринг банклари саёхат ва татилларини суғурта қилишда суғурта брокерлари сифатида қатнашадилар. Банклар суғурта полисларини таклиф қилиш билан бирга, бошқа шу соҳадаги фирмалар билан рақобатлашадилар. Туризм бизнесида қатнашадиган банклар:

- Уларда ўз бўлим ва пунктларида автоматлаштирилган пул ўтказишларнинг воситалари мавжуд.

- Саёхатчиларга маслаҳатлар берадилар ва чет элда паспорт, виза ва кўча йўл ҳаракати қоидаларини эслатиб ўтадилар.

- Бизнесменларга чет элдаги бозорлар ҳақида ахборотлар берадилар ҳамда турли хил танишувларни ташкиллаштирадилар.
- Саёҳатчилар қайтиб келганда сўнг йўл чеклари бўйича тўловларни амалга оширадилар.

6.4. Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталаш

Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталашнинг моҳияти ва турлари. Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталаш - давлатнинг, унинг хўжалик юритувчи субъектлари ва фукароларининг муайян воқеалар содир бўлганда (су\урта ҳоллари) улар томонидан тўланадиган су\урта мукофотлари (яъни бадаллари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобига мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро иқтисодий муносабатлардир.

Су\урта мукофоти (ёки бадал) – су\урта учун ҳақ бўлиб, уни су\урталанувчи су\урталовчига су\урта шаҳодатномасига (полисига) му вофиқ киритишга мажбур.

Су\урта шаҳодатномаси (полиси) (франц. police, итал. Polozza - тилхат, тўлов қо\ози) – су\урталовчи томонидан су\урта қилиш тў\рисида гувоҳнрма сифатида бериладиган су\урталаш (ёки қайта су\урталаш) тў\рисида ёзма шартнома.

Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталаш жараёнида иккита субъект иштирок этади: шаҳодатнома (полис) соҳиби ва су\урталовчи.

Шаҳодатнома (полис) соҳиби (су\урталанувчи) – су\урта қизиқишини ифодаловчи, су\урта мукофотини тўлайдиган ва қонун кучи ёки икки томонлама битим (су\урта шартномаси)га кўра су\урталовчи билан аниқ су\урта муносабатига кирадиган хўжалик юритувчи субъект ёки фукародир.

Шаҳодатнома (полис) соҳиби бўлиб су\урталовчи билан су\урталаш шартномалари тузган ёки қонун кучига кўра су\урталанувчи бўлган шахс тан олинади.

Су\урта шартномасини тузганда шаҳодатнома (полис) соҳиби су\урталовчига ташқи иқтисодий хатарни баҳолаш учун аҳамиятга эга бўлган, унга маълум бўлган барча вазиятларни ҳамда су\урта қилишнинг мазкур объектига нисбатан тузилган ёки тузилаётган барча шартномалар тў\рисида хабар бериши керак. Су\урта вазияти содир бўлганда полис соҳиби су\урта қилинган мол-мулкка зарар етишини олдини олиши ёки камайиши учун барча зарур чораларни кўришга мажбур.

Су\урталовчи су\урта фаолиятини амалга ошириш учун яратилган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, су\уртани ўтказувчи ва су\урта фондининг яратилиши ва сарфланишини юритувчи бўлади.

Мамлакатнинг тўлов балансида су\урта операциялари шаҳодатнома (полис) соҳиби (яъни су\урталовчи) ёки су\урталовчи норезидент бўлганда акс эттирилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урталаш ташқи иқтисодий хатарларни су\урталашни англатади ва у ёки бу шаклдаги халқаро ҳамкорликнинг маҳаллий ва хорижий иштирокчилари манфаатларини таъминловчи су\урта турларининг мажмуидан иборатдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни су\урта қилиш умуман су\урта каби мол-мулкнинг шахсий су\уртаси, жавобгарликни су\урта қилишни ўз ичига олади.

Шахсий су\урта фуқароларнинг су\урта ҳимоясини амалга оширишни англатади. Мулкый су\урта қилишда су\урта муносабатларининг объекти объекти бўлиб турли турдаги мол-мулк ва мулкый манфаатларчиқади. Мулкый су\уртанинг иқтисодий аҳамияти су\урта вазияти оқибатида вужудга келган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Жавобгарликни су\урта қилишда **су\урта муносабатларининг объекти** шаҳодатнома (полис) соҳибининг (яъни су\урталанувчининг) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жисмоний ёки юридик учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ҳисобланади. Полис соҳибига (су\урталанувчига) фуқароларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий мол-мулки ва уларнинг мулкый манфаатлари тааллуқли бўлган мулкый су\урта қилишдан фаркли равишда ва су\урта су\урта қилинганлар ҳаёти ва со\лиги билан бо\лиқ бўлган муайян ҳодисалар содир бўлиши ҳолатига ўтказиладиган шахсий су\урта қилишдан фаркли ўлароқ, жавобгарликнинг су\урталашнинг мақсади ҳар бир су\урта ҳодисасида ўзининг аниқ пул ифодасини топадиган эҳтимол бўлган зарар келтирувчилар манфаатларини су\уртавий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Жавобгарликни су\урталаш су\урта суммаси ва су\урталанганни, яъни зарарнинг ўрни тўланиши керак бўлган фуқаро ёки хўжалик субъектини белгилашни назарда тутмайди.

Су\урта қилинган ва су\урта суммасининг қиймати су\урта ҳодисаси содир бўлганда, яъни учинчи шахсларга зарар етганда аниқланади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг кўп тарқалган турига туристларни су\урта қилиш, ташқи савдо юқларини (юқ ва ёки транспортни) ташиш, валюта хатарларидан су\урта қилиш, хорижий инвестицияларни су\урта қилиш, тўланмаган кредит учун қарздор жавобгарлигини су\урта қилиш, тўланмаган кредит учун қарздор жавобгарлигини су\урта қилиш ҳисобланади.

Су\урталашнинг кўпгина турлари учун уларнинг юридик жиҳатдан тузилиши иихтиёрий ҳисобланади. Бироқ товар етказиб бериш тў\рисида, туристик хизматлар тў\рисида, қурилиш ва ташишга пудрат тў\рисида, у ёки бу мол-мулкнинг ижараси ва бошқалар тў\рисида битимлар тавсифи, қоидага кўра, су\урталашни шартнома амал қилишининг зарурий шарт-

шароити сифатида ҳисобга олади. Тегишли контрактларнинг мазмунига боʻлиқ ҳолда суʼурталаш харажатларини тарафларининг исталгани олиши мумкин, у ўз манфаатларига ва маҳаллий суʼурта ташкилотларига мўлжал қилиб суʼурта компанияси ва суʼурталаш шартларини танлайди.

7-МАВЗУ. ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО САВДОГА ТАЪСИРИ

- 7.1. Ташқи иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсатининг тутган ўрни.**
- 7.2. Валюта курслари режимини тартибга солиш.**
- 7.3. Валютани конвертация қилишда чиқадиган муаммолар.**

7.1. Ташқи иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсатининг тутган ўрни

Ташқи иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсати муҳим ўрин тутди. Валюта сиёсати у ёки бу мамлакат томонидан халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида, ривожланишнинг у ёки бу тарихий босқичида мақсадларга мувофиқ амалга оширилувчи чора-тадбирлар мажмуасидан иборатдир. У жорий ёки узоқ муддатли мақсадлардан келиб, икки хил кўринишда амалга оширилиши мумкин, яъни тузилмавий ва жорий.

Тузилмавий валюта сиёсати барча мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга қаратилган валюта ислоҳоти шаклида ўтказилади ва одатда маълум валюталарни мавқеини мустаҳкамлашга бўлган кураш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга валюта сиёсати қисқа муддатли чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган жорий (валюта курсини ва қимматбаҳо металллар бозорининг амал қилишини тартибга солувчи) тенденцияларни шакллантирувчи шарт-шароитларни тақозо этади.

Мамлакат томонидан олиб бориладиган валюта сиёсати мамлакатнинг ички ва ташқи бозорларида сотиладиган товарларга бўлган миллий валютадаги баҳоларга таъсир кўрсатади. Ўз навбатида бу сиёсатнинг унсур ва шакллари жаҳон хўжалиги эвалюцияси, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва жаҳон майдонидаги кучларнинг тақсимооти каби омиллар таъсирида вужудга келади. Мамлакат валюта сиёсатининг иқтисодий табиати тарихий қиррада тушунилади, чунки бунда валюта чекланишлари, валюта операцияларини эркинлаштириш, валюта инқирозининг олдини олиш ва валюта барқарорлигини таъминлаш каби у ёки бу аниқ масалалар устувор бўлади.

Валюта сиёсати **дисконт** ёки **девиз** шакллари олиши мумкин. Одатда, валюта курсини ва тўлов балансини тартибга солиш, халқаро капитал ҳаракатига, пул массасига, шунингдек, кредитлар динамикасига таъсир кўрсатиш мақсадларида мамлакат марказий банки дисконт сиёсатини амалга ошириши мумкин. Бу марказий банк томонидан ҳисоб ставкасининг ўзгартирилишини ифода этади. Шундай қилиб, тўлов баланси пассив бўлган шароитда ҳисоб ставкасининг оширилиши фоиз ставкаси анча паст мамлакатлардан капитал оқиб келишини кучайтиришга ёрдам беради. Шу сабабли, дисконт сиёсати мамлакатдан капиталнинг

оқиб кетишининг олдини олади, тўлов балансини меъёрга келтиради ва тўлов курсини кўтаради. Бироқ мамлакат иқтисодий тур\унлик даврини бошдан кечираётган бўлса, тўлов балансини яхшилаш мақсадида ҳисоб ставкасини ошириш иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги беқарорлик шароитида у ёки бу фоиз ставкаларини ўзгартириш мамлакатдан капитал оқимини ҳар доим ҳам белгиламайди. Бундан ташқари, жаҳон ҳўжалигида халқаро капитал ва кредит ҳаракатини тартибга солувчи омиллар кучаяётганлиги ҳисоб сиёсатининг тўлов балансига таъсирини яна ҳам сусайтиради.

Валюта сиёсатини юргизишнинг самаралироқ усули бўлиб *девиз* сиёсати ҳисобланади. Бунда давлат миллий валюта курсига хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш орқали таъсир кўрсатади. У қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин: валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификациялаш, валюта чекланишлари, валюталарнинг конвертланиши даражасини, шунингдек, валюта курсини тартибга солиш, девальвация ва бошқалар.

Валюта интервенцияси – бу миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозоридаги операцияларга аралашishi жараёнидир ва бунинг учун марказий банк хориж валютасини сотади.

Валюта захиралари диверсификацияси – бу девиз сиёсатининг кўринишларидан бири бўлиб, валюта захираларининг таркибини унга турли валюталарни киритиш орқали тартибга солишга йўналтирилгандир.

Аксарият ҳолларда давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар валюта курсларининг валюта паритетлари режимини ўрнатиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширадилар. Валюта режимлари эвалюциясида қатъий валюта курслари режими (Бреттон Вудс келишуви), сузиб юрувчи валюта курслари режими (“Ўнлар гуруҳи” Париж конвенцияси), “Европа валюта илони” режимларининг ишлатилганлигини таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда ўнга яқин валюта курслари режимлари мавжуд. Кўпчилик давлатлар иқтисодий ислохотларни ўтказиш давомида қўш валюта бозори сингари валюта сиёсати шаклини ҳам қўллаганлар. Мазкур валюта сиёсати шакли валюта бозорини икки қисмга бўлишни талаб этади: расмий валюта курси – тижорат операцияларида, бозор курси эса – молиявий операцияларда қўлланилади. Ушбу сиёсатни қўллаш миқёси сузувчи валюта курсларига ўтиш билан тобора қисқариб боради. Валюта сиёсатининг анъанавий усулларидан яна бири девальвация, яъни миллий валюта курсининг бошқа хорижий валюталар курсига нисбатан пасайтирилиши жараёни ва ревальвация – миллий валюта курсининг кўтариш жараёнидир.

7.2. Валюта курслари режимини тартибга солиш

Алмашув курслари режими вариантларини танлаш икки омилга боғлиқдир:

-мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг жаҳон сахнасида тутган ўрни ва ривожланганлик даражаси;

-мамлакат бошидан кечираётган вақт (давр) орали\и.

Алмашув курслари режими вариантлари мамлакат ҳукуматининг иқтисодиётга аралашуви даражасидан келиб чиқади, яъни:

-курс мамлакат ҳукумати томонидан аниқланади;

-ҳукумат режими ўрнатишда аралашади;

-ҳукумат аралашуви умуман мавжуд эмас, курслар режими эса бозор томонидан аниқланади.

Биринчи вариант бир хорижий валютага ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта валютага нисбатан чоралар кўришни назарда тутди. Ҳукуматнинг аралашуви курснинг “судралувчи бо\ланиши” ни талаб этади. Бунда ҳукумат инфляция темплари орасидаги фарқларни устивор савдо шериклари бўлган мамлакатлар билан тенглаштириб, девальвация бўйича чораларни амалга оширади. Шунингдек ҳукумат мамлакатнинг устивор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, курснинг “ифлос сузиши”, яъни сузувчи курслар устидан бевосита бошқарувни ўрнатиш амалга оширилиши мумкин.

Учинчи вариант мамлакат валюта курси бозордаги валютага бўлган талаб ва таклиф асосида аниқланувчи вазиятни акс эттиради. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳар бир алмашув курси режими айрим афзалликларга ва камчиликларга эга. Биз уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Қатъий курс режими қуйидаги афзалликларга эга:

-миқдор жихатдан аниқлик (савдога ёрдам беради ва капитал оқимини ра\батлантиради);

-валюта-молиявий сиёсатга ишончни оширади.

Шулар билан бирга, қатъий курснинг афзаллиги инфляция суръатини ушлаб туришда ўз аксини топади. Валюта-молиявий сиёсатга бўлган юқори ишонч меҳнат бозорида ҳамда молиявий бозорлардаги инфляцион кутишларни юмшатади.

Бироқ ушбу режим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:

Мамлакат қатъий курсни ушлаб туриш учун керак бўладиган экспорт бозорларини йўқотиши ва валюта захираларининг етишмаслигидан юзага келадиган маълум иқтисодий шокларга бардош бера олмаслиги мумкин. Бу ҳодисалар ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишига ва ишсизлар сонининг ўсишига олиб келувчи ички нархларнинг кескин пасайиши билан бирга кузатилади. Қатъий курс режимини ўрнатишда валюта миқдорини аниқлаш юзасидан муаммо келиб чиқади, лекин “бир валютага бо\лаб қўйиш” ҳолатида ушбу мамлакат қуйидагича тавсифланади:

- барча компаниялар томонидан мамлакатнинг молиявий бозорларида бу сиёсат қулай тушунилади;

- курсларга ҳукумат томонидан таъсир этиш имконияти анча қисқаради;

- савдода алмашув курси rischi камаяди, чунки бир хил валютада олиб борилган операциялар йирик савдо ҳамкорлари учун афзалроқдир;

- бир валюта курсининг тебраниши ички валюта курсининг бошқа амалдаги валюталарга нисбатан тебранишига сабаб бўлади.

Бундан фаркли ўлароқ, “валюталар саватчасига боʻлаб қўйиш” билан катъий курс сиёсати қуйидаги параметрлар билан тавсифланади:

а) валюта саватчаси таркиби яхши маълум бўлмаганлиги сабабли ҳукумат валюта бозорини билан бевосита бошқармоқда деган тахмин туфайли чет эл инвесторлари ушбу сиёсатни қийин қабул қиладилар;

б) ушбу сиёсат якка валюта қиймати ошиши рискинни бартараф этади ва бу ўз навбатида мамлакатнинг ўз савдо ҳамкорлари билан битимларини тартибга солиш масаласида жуда ҳам муҳимдир. Бироқ валюта қийматининг кўтарилиши экспорт ҳажмининг камайишига, импортнинг ошишига ва шу билан бирга, мамлакат тўлов балансининг ёмонлашишига олиб келади.

Бу режимнинг бошқа афзалликлари шулардан иборатки, агар барча валюталар саватчалари ўзлари боʻланган алмашув курсларига нисбатан бир хил олинган бўлса, у ҳолда валюта курсининг тебраниши анча камроқ бўлади.

Алмашув курсларининг сузувчи режими. Мамлакатнинг валюта-молия сиёсати эркин сузувчи режим шароитида маълум даражада мустақил шаклланади. Ушбу курс рақобатбардошликни қўллаб-қувватлашга ва ташқи импульс ва шокларга тезда мослашишга имкон беради ва энг муҳими, мамлакат ҳукумати мос курсни аниқлаш функциясидан озод бўлади. Бу режим ушбу афзалликларга эга бўлишига қарамай, айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:

- агар валюта бозори (ҳажм жихатидан) кичикроқ бўлса, у ҳолда бу режимда бир неча катта битимлар мавжуд ҳолатни издан чиқариши мумкин;

- бу режим давлат томонидан тартибга солинганда, шунингдек, валюта, молия, фискал чоралари қабул қилинганда валюта сиёсатининг самарадорлигини таъминлаб бериши мумкин;

- чет эллик инвестор ва савдо ҳамкорлари учун бу режим шароитида ноаниқлик шартларининг мавжуд бўлишини таъкидлаш лозим;

- валюта курсининг ҳукумат томонидан бошқарилуви таҳдиди (“ифлос сузиш”) мавжуд бўлиб, бу бозор субъектлари ишончини сўндиради;

- агар мамлакатда йирик спекулятив капитал оқими мавжуд бўлса, алмашув курслари сезиларли даражада валюта-молия мустақиллигини чеклайди.

Ушбу режимдан фойдаланиш халқаро тижорат алоқаларининг ривожланмаганлиги шароитида энг самарали ҳисобланади, яъни ишлаб чиқариш ҳолати ташқи савдога жуда ҳам боʻлиқ бўлмаган ҳолда.

Сузувчи валюта курсларини жорий қилишнинг асосий шартлари бўлиб ривожланган молиявий бозорнинг мавжудлиги, дунё тизими билан интеграциялашганлик даражаси, миллий ва чет эл пул активларининг ўзаро ўрнини босиши, шунингдек, молиявий воситачиликнинг ривожланганлик даражаси ҳисобланади. Юқоридаги омилларнинг мавжуд бўлмаслигига қарамай, кўпгина давлатлар сузувчи курслар режимига

ўтганлар. Бунинг сабаблари сифатида тўлов балансининг бир маромда турмаслигини, қатъий курсларни ушлаб туриш учун валюта резервлари ҳажмининг камлигини, валюталарнинг “қора” бозорини тўсиб қўйиш хоҳиши каби омилларни киритиш мумкин. Бу режимга биринчи бўлиб, аксарият ҳолларда саноати ривожланган давлатлар ўтишди ва ундан кейин ривожланаётган давлатлар ўта бошладилар. Бироқ миллий валюталарнинг сузувчи курсини киритиш ХВФ нинг барқарорлаштириш дастурлари доирасида ва техник ёрдам мавжуд шароитда содир бўлди. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётни тузилмавий қайта қуриш, валюта ва божхона режимларини эркинлаштириш, талабни чеклаш ва ҳоказолар каби иқтисодий чоралар мажмуасини ўтказиш заруриятини тақозо этди. Ушбу асослар йўқ бўлган шароитларда эса, кўпчилик давлатлар қатъий ва сузувчи курсларни биргаликда қўллаш режимидан фойдаландилар. Унинг модефикациялашган шакли бўлиб **“судралувчи”** валюта курси ҳисобланади. *“Судралувчи”* валюта курсининг моҳияти шундан иборатки, бунда валютанинг алмашув қиймати майдалаб ва қисман коррективировка қилинади ва бу бир ойда 1-2 марта такрорланади.

“Судралувчи” валюта курсининг афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- экспорт қилувчилар ва потенциал инвесторлар ишончини оширувчи “судралиш” темпларини олдиндан эълон қилиниши;

- қатъий валюта курсини бир маромда ушлаб туриш имкониятларининг мавжудлиги. Масалан, ички инфляция йилига 10% бўлганда ва савдо ҳамкори ҳисобланган мамлакатда инфляция суръати йилига 5% бўлганда “судралиш” темпи йилига 5% қадрсизланиш орқали белгиланади.

“Судралувчи” валюта курсининг камчиликлари:

- оптимал алмашув курси вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин ва бу ўзгариш иқтисодиётдаги номуносабатликнинг олдини олиш учун “судралиш” темпини доимо коррективировка қилишни талаб этади;

- бу режим қатъий алмашув курсига нисбатан юқорироқ инфляцияга сабаб бўлиши мумкин.

Тарих шуни кўрсатадики, алмашув курслари режими фақат бир маротабагина алмашган эмас. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тартибга солиб турилувчи ва ХВФ томонидан назорат қилинувчи қатъий алмашув курси тизимидан фойдаланилган эди. Бунда давлат алмашув курсини келишилган чегараларда сақлаб туриш мажбуриятини олган ва ўз валютасини ташқаридан бўладиган таъсирлардан ҳимоя қилиш чоратадбирларини кўрган.

1973 йилдан бошлаб Бреттон Вудс тизимининг инқироzi туфайли кўпгина мамлакатлар валютанинг кенг сузишини қўллаш имкониятига эга бўлдилар ва йирик давлатлардаги алмашув курсларининг тушиб кетиши ҳамда ривожланаётган мамлакатларда тўхтовсиз юқори инфляциянинг мавжуд бўлганлиги сабабли ўзгарувчанроқ тизимларга ўтдилар.

Бу мамлакатларда тўлов баланси камомати иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлди ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ниятида бу мамлакатларнинг кўпчилиги “*судралувчи болам*” режимини афзал кўрдилар.

Кўпгина мамлакатлар марказий банклари ташқи иқтисодий фаолиятни рабатлантириш мақсадида *бир нечта валюта курслари мавжуд бўладиган режимдан* фойдаланадилар. Бунинг зарурияти шундан иборатки, миқдорий чекланишлар ва маъмурий тўсиқларсиз тўлов балансини тартибга солиш имконияти мавжуд бўлади. Шу билан бирга импорт қилинувчи товарлар нархининг ўсишини олдини олиш учун валютанинг юқори расмий курси ушлаб турилади, капитал ва операциялар ҳаракати эса сузувчи курс орқали амалга оширилади. Валюта курсларининг бу режими одатда экспортнинг ноанъанавий турлари учун қўлланилади. Юқорида айтилганларни умумлаштириб шуни таъкидлаш лозимки, бу режимдан ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида фойдалаш тўғрироқ бўлар эди, лекин ундан фойдаланиш муддатини чегаралаш зарур, чунки бу тизимдан узоқ муддат фойдаланиш ресурслар тақсимоотида чалкашликлар содир бўлишига олиб келади ва нисбий баҳолар тузилишини ўзгартиради. Шунингдек субъектларнинг фойдани ишлаб чиқариш фаолиятдан эмас, балки валюта курслари орасидаги фарқдан ола бошлаши муаммоси юзага келади.

Валюта интервенцияси. Валюта курсини тартибга солишнинг усулларида бири бўлиб, марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида унинг амал қилишига аралашиши ҳисобланади. Бунда валюта бозорларида хориж валютаси таклифи ортиқча бўлса, марказий банк уни сотиб олади; ва аксинча хориж валютаси таклифи камайганда эса уни сотади. Шунингдек, марказий банк хориж валютаси таклифини ва унга бўлган талабни мувозанатлаштиради ва унинг курсининг тебраниш миқёсини чеклайди.

Шуни тан олиш керакки, валюта интервенциясини қўллаш маълум бир камчиликларга эга. Бу камчиликлар расмий валюта резервлари миқдори билан боғлиқ. Шунга кўра, валюта резервлари миқдори етарли бўлмаган ҳолларда кўпгина давлатлар валюта чекланишларидан фойдаланишга ошиқадилар.

Валюта чекланишлари. Валюта чекланишлари давлат томонидан қонун билан ёки маъмурий тартибда ўрнатилган чоралар ва қоидалар қисобланади. Уни қўллаш шарт бўлиб ташқи тўловлар ва тушумларнинг мувозанатини таъминлаш юзасидан мавжуд тўлов балансининг сурункали ёки йирик камомати ҳисобланади. Валюта чекинишларининг турли хил кўринишлари мавжуд. Улар маълум бир чегаралардан бошлаб то экспортдан тушган тушумларнинг 100 фоизигача марказий банкка расмий курс бўйича мажбурий сотиш талабигача бўлиши мумкин. Шунингдек чекланиш сифатида импорт қилувчиларга хориж валютасини сотишни лицензиялаш амалиётидан ҳамда махсус рухсатномасиз валюта бойликларини олиб чиқиш ёки олиб киришни таъқиқлаш шаклларида фойдаланиш мумкин.

Валюта девальвацияси ва ревальвацияси. Кўпгина мамлакатлар ташқи дунё билан халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантира бориб, турли мамлакатларда инфляциянинг турли даражаларига дуч келдилар. Бунда агар қатъий валюта курслари режими қўлланилаётган бўлса, марказий банклар ўз миллий валюталарининг расмий курсини қайта кўриб чиқишга эҳтиёж сезадилар, чунки валюталарнинг харид қилиш қобилияти билан белгиланган реал курслар расмий курслардан сезиларли фарқ қила бошлайди.

Қоида бўйича, кадрсизланиш даражаси унчалик юқори бўлмаган валюталар курси доимо ошиб боради; кадрсизланиши юқори суръатларда бўлган валюталар курси эса расмий валюта курсига нисбатан кескин тушиб кетади. Бундай ҳолатда валюта курсини коррективировка қилиш операцияларига эҳтиёж сезилади, яъни девальвация ёки ревальвация қилишга.

7.3. Валютани конвертация қилишда чиқадиган муаммолар.

Валюта муносабатлари дунё хужаликлари алоқаларини боғлашда катта имкониятга эга, валютани конвертация қилишда жуда куп муаммолар чиқади.

Конвертирланадиган деганда бошқа давлатлар пул бирлигига ва товарларга эркин алмаштириш жараёни тушинилади.

Хозирги дунё валюта системаси томирлари урушнинг охириги йилларига тугри келади. Шу вақтларда АКШ ва бошқа куп давлатлар уз валюталарини ковертирлашни кабул килдилар ва катта эътибор бердилар.

Куп вақт утишига карамасдан ривожланган куп давлатлар уз валюталарини обрусини кутаришга эътибор бердилар.

Дунё иқтисодини тез ривожланиши ва хужалик жараёнини кенг интернационализация қилишда баён килинган кадамлар белгиланди. Бундай масалаларни ечишда дунё масштабини бирлаштириш керак. Бу ишларни қилишда Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1944, Европа валюта кенгаши 1958-1973 ЕВК, Европа системаси 1978, ва бошқа ташкилотлар кенг урин тутади. Бунда ХВФ асосий вазифаларни бажарди ва валюта билан ишлашда йигилиб колган муаммоларни хал қилиб борди.

Хозирги вақтда ХВФга 60 давлат аъзо бўлиб келмокда, бу давлатлар валюта операцияларини бажаришда куп имкониятларга эга. Эски суз “кенг конвертирланган“ еки “айлантириш” валютаси олтин стандартларидан келиб чиккан бўлиб чексиз банкнотни олтинга алмаштириш шароитида. Олтин стандартларининг асосий вазифалари пул бирлигида олтинни таксимланиши.

Валютани олтинга айлантириш, биринчи жахон уришидан олдин бошланган эди ва 1929 йил бошларида хеч бир давлат олтинга бўлган муносабат ва когоз пулларни олтинга алмаштирамас эди. Узок вақт бундай алмаштиришни АКШдоллари саклади, 1971 йил олтинни алмаштириш узил кесил кучайиб кетди.

2-Жахон уруши вақтида купгина давлатлар валюта чиқаришни чегараладилар. Фақат АКШ доллари Швейцария франкидан ташқари ҳамма валюталар эркин конвертирлашдан тухтади.

1944 йил ХВФ ташкил килинди бу давлатлараро масалани ечишда хал килинди Ковертирланган валюта ХВФ да қурилганидек халқаро ва дунё бозорида кенг миқёсда тақсимланди.

ХВФга қирган давлатларнинг валюта чекланишининг рухсат берилиши 5 йил утиш вақти муддати билан, ХВФ рухсат берганда 1951 йил эътиборга олинди.

ХВФ қирган давлатлар АКШ долларини валюта захираси деб инобатга олинди. Доллар олтин билан тенг деб олинди ва баҳолари қиймати бир-бирида тенг деб ҳисобланди.

1. ХВФ ўзгариш муносабати билан ХВК уз қонунларини ўзгартириб туғри ва шунга аъзо бўлган фондлар уларни мустаҳкамладилар.

Валюта қурилиши 2 та турга бўлинади.

1. Де-фактор.

2. Де-юре.

ХВФ уставига биноан узига керак бўлган ХВ чегараланган.

ХВФга 1985 йил 60 давлат аъзо бўлди, ички ва ташқи валюта операцияларини чегараланиши ХВФ кўрсатмасига биноан амалга оширилган. Ривожланган давлатлар айланма маблағлар ҳисобига чегаралашни амалга оширган.

70-йил уртасигача ХВФ конверслан усулдан валюталарни 1 турдан 2 чи турга ўзгартирган. Валюта финанс системасини структурали ўзгаришини Халқаро иқтисодни асосий ХВФ устав кўрсатмаларида қурилган. Асосий олтин доллар ўзгаришига чегара қуйилган. “Сузувчи гуруҳ” режими қиртилди. Бунинг ҳаммаси конвертирлашни қайта тушуниш ва янги қуникмаларни амалга оширишни кўрсатди. Шунинг учун ХВФ эркин валюталардан фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқди. Унинг 2 та шароитда: 1-дан бу валюталар Халқаро операциялар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, 2-дан асосий валюта бозорларида эркин фойдаланишдан иборат. Бундай эркин қулланиладиган валюталар 1986 йил ХВФ Германияда маркани, француз франки, япон иени, инглиз фунт стерлинги ва АКШ доллари саналар эди. Бу валюталар ХВФ да кредитларни учуриш ва тулов фойзини асосида тузилган фонд ҳисобланади.

Бундай форма ва валюта конвертирлаштириш ўзгаришини ҳаёт ўзгаришига ва ХВ системасига боғланди. Шундай қилиб агар валюта конверсиясини олтинга қиёс қилиб асосий қилиб, ХВ системасида бу валюта бошқа давлат валютасига ўзгаради, лекин олтинга эмас. Бундай конвертирлашга фақат АКШ доллари 1971 йилдан бошлаб Марказий банк орқали олтинга ўзгартирилар эди.

Бундай конвертирлашнинг 2 та усули мавжуд: тулик конвертирланган ва тулик бўлмаган конверсия.

Тулик конвертирланган деб шуни тушуниш керакки, хар кандай ишни ва керакли вақтда чет эл фукароси ва миллатлар эгаси кўрсатилган давлатларга олиб кириш-чикиш ва чегараларда бўладиган валюталарни хужжатлаштириш доимий бир хилда бўлиши шарт.

Бундай конвертерланган формалар олтин улчовлар буйича ва конунларда кўрсатилгандек бундай ёки ундай хар хил ҳуқуқлардан резидент ва чет эл давлатларда жисмоний ва юридик шахслар халқаро валюталарни олтин тангаларга алмаштириш чет давлатлар билан барча маълум белгиланган фуқороларга берилади.

Тулик бўлмаган конвертерлаш кўрсатмаларга асосан ҳақиқий бор нарсага аниқлаб валютани чеклаш тармоқларга бўлинади.

1958 йил Гарбий Европа давлатларида тулик бўлмаган мулокат киритилган, алоқаси бўлмаган маълум бир давлатга шахсий мурожати утказиш ва маҳсулотни конверсиялаш алоҳида ҳисоб чет давлат жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади. Айрим шахслар учун валюта чегарасини саклаш мумкин.

Бундай ҳолатда мурожат килиш деб уни маълум шахс бўлмаган деб айтилади. Киритилган шундай конун буйича мурожат килиш боғланмаган тузилишни ўзгармайдиган миллатлараро ҳужалик механизми ва талаб валюта эҳтиёжи сакланади. Айрим киритилган конвентирлаш шахслар учун бошқарувчи валюта, уларга эркин кириш чикиш ва маҳсулотларни чегарадан ташқарида алмаштириш, чет эл валютасида олди-сотди ҳеч қандай чекланмайди. Бундай айрим конвентирлашда импорт нарсаларни ичкарига киритиш тушунилади. Формаларда конвентирлаш катта бўлмаган ёки тулик бўлмаган ички қоидалар ташқарига мурожат килиш билан боғлиқ бўлади. Ички конвентирлаш қайта қуриш таркибини, миллий иқтисод узвий боғланишини ички ва ташқи бозорда кўрсатади, жаҳон баҳосини ички тенглигини ушлаб туради. Айрим конвентирлаш тарқатилган турдаги валюталарни ва валютланган товарларни бирлаштиради. Масалан:

Агар маълум жойда конвентирлаш валюта олиш ва натижавий ишни якуни, бу ишни биз тижорат тарзидаги конвентирлаш деб оламиз. Бу мурожат килишни француз франки, Америка долларининг ҳисоби билан кириш - чикиш ва чегарада бўладиган валютани хужжатлаштириш доимий бир хилда бўлиши шарт.

Бундай конвентирланган формалар олтин улчамлари буйича ва конунларда кўрсатилганидек, хар хил ҳуқуқлардан резидент ва чет эл давлатларидаги жисмоний ва юридик шахслар халқаро валюталарни олтин тангаларга алмаштириш чет давлатлар билан алоқа қиладиган фуқороларга берилади.

Француз банкларида айрим конвентирлашни кўрсатишда ҳаракат капитали кўрсатилади. 1992 йил Европа системаси давлатлари тулик валюта чекланишига утилди. Айрим конвентирланган валюта зонасини кенг валюталар давлати зонасига кенг валюталар давлати киритилган.

Конвентирланган валюталарни беркитиш қандай бўлади?

Асосий шароит конвентирланган валюталарни киритиш балансини бир хилда саклаш ва туловни чеклашни белгилайди.

Хеч бир давлат ҳисобот балансидаги дефицит чет эл ҳисоботидан катта бўлмаслиги керак. Дуне пул бирлигига чиқиш, халқаро микесда айлантириш шундай шароит яратадики, эркин харидор ва истеъмолчи сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу чет элдаги ички бозорда кенг фойдаланилади:

- кенг тарқалган чет эл инвестицияси ва чет давлат инвестицияларини бажариш;
- сон ва сифат жиҳатдан халқаро стандарт баҳосида дуне микесига чиқиш;
- дуне ҳисобида халқаро пул бирлигининг эҳтиёжи;
- ҳужалик асосида иқтисодий ҳисобот материаллари финанс ва меҳнат иш юзасидан.



Халқаро валюта ва ички иқтисодиёт дунё бозорида ташқи поғонага кутарилади, шунинг учун ФРГ, Япония, Швейцария валюталари США доллари билан конкурентлашади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига утиш бизнинг давлатимизда кун тартиби валютани конвентирлаш бўйича шундай савол қўяди.

Совет рубли дунё микесида конвентирланмаган. Ташқи ҳисоблар охириги вақтгача тула-туқис ички туловлардан иборат эди. Аниқ қоида чет эл валюта-чет эл фуқаролари пуллар совет юридик ва жисмоний шахслар ҳар қандай аралаш валюталар катта давлат назоратида бўлган.

Мухокама учун саволлар

1. Валюта курси нима ва миллий валюталар қандай алмаштирилади?
2. Валюта конвертирланиш даражаси нимани аңлатади?

3. Миллий бозорда хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни белгиловчи омилларни кўрсатинг.

Адабиетлар

1. Гольцберг М.А. “Халкаро савдо-сотик” М. ”Бином”,2001
2. Н.Г. М э н к ь ю. Макроэкономика. М., 2001.
3. П. Л и н д с р т. Экономика мирохозяйственных связей. М., 2001.
4. С. Фишер, Р. Д о р н б у ш , Р. Ш м а л е н з и. Экономика. М., 2000 .
5. Фомичев И. “Халкаро савдо-сотик”,М, 2001.
6. Э. Д о л а н. Макроэкономика. М., 2000.

8-мавзу. Халқаро савдода товар биржалари.

8.1.Товар биржалари ва уларнинг фаолияти.

8.2.Форвард битимлар, фьючерс битимлари ва опционлар.

8.3.Савдо уйлари.

8.1. Товар биржалари ва уларнинг фаолияти.

Маркетинг инфраструктурасининг таркибий қисмини қишлоқ хужалиғи (товар- хом ашё)биржаси ташкил этади. Қишлоқ хужалиқ товар биржаси, тижорат қорхона бўлиб, улғиржи савдо истеъмол ва ишлаб чиқаришга мулжалланган торварларни эркин баҳода етказиб беради. Биржа ўз фаолиятини очик савдода, маълум жойда биржа қоидаcига мос равишда амалга оширилади.

Юқорида келтирилган биржа тугрисидаги таъриф унинг ўқ фаолиятини ўзида акс эттиради: қонуний, ташкилий ва иқтисодий.

Қонуний жихати- товар биржалари махсус хужжат асосида бирлашманинг ў ўқи бу шакли эканлиғи тан олинади. Бу бирлашмаларга тижорат воситалари пул маблағлари, омонатчилар (пули қуйган қиши) қиради ва ўз мулки ва ижарага олинган мулкни биргаликда фойдаланади. Умуман барча биржа аъзолари биржа мулкининг эғаси бўлиб, биргаликда фойдаланувчилардир, шу билан бирга қуйилган капитал маблағлар ва олинган даромадалр эғаси ҳамдирлар.

Ташкилий жихати - товар биржалари фаолияти ўзига хос қурилишга эға бўлган савдо жойини эслатади, харидор ва сотувчини ўчраштиради (очик биржаларда) ўқи воситачи мутахассислар (брокер, дилер, маклерлар) орқали харидор ва сотувчилар ўртасида битим тузилади.

Иқтисодий жихати - товар биржаларининг фаолияти йирик ўлғуржи товар бозори ва шу билан бирга реал бозор баҳолари асоси сифатида характерлидир. Катта хажмдаги молия ресурслари ва товарларнинг биржаларда жамғарилиши ва марказлаштирилиши иқтисодий асосланган истикболли баҳони аниқлаш имқонини беради, товар ва пул захираларини ўзаро бир-бирига боғлаш, ишлаб чиқариш ва истеъмолни бирлаштириш, қуп сонли битимлар асосида хужалиқ фаолиятини режалаштириш имқониятини беради.

Товар биржалари ходимлари тадбирқорлик фаолиятини мустақиллик, ўз-ўзини қоплаш молия маблағи билан таъминлаш принципида амалга оширади. Улар ўз фаолиятларини амалга оширишда давлат органларига қарам бўлмайди. Бошқаришда амалга қулланилаётган қонунларга таяниб иш юритишади.

Товар биржалари савдода ўчрашиш турига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- ёпик товар биржалари. Бунда биржа аъзолари брокер, дилер, маклерлар ва уставга қура биржа аъзолари деб қабўл қилинган шахслар қатнашади.

- очик товар биржалари. Бунда биржа савдосига катнашиш хохиши бўлган барча ходимлар иштирок этиши мумкин.
- ихтисослашган товар биржалари. Маълум турдаги товарлар билан муомала хизматини бажаради.

Товар биржалари аъзолари юридик ёки молиявий шахс жумладан чет эл фукароси ҳам бўлиб биржа устави талабларига жавоб бериши ва уз вақтида аъзолик бадалини тулаши шарт.

Биржа аъзоси бўлиши унун жой сотиб олиши ва тегишли текширувдан утиши лозим бундан ташкари биржа кенгаши тасдигидан утиши керак. Банк ҳисобларида маълум миқдорда пул бўлиши маълум укув курсини утиб имтихон топширган бўлиши лозим. Биржа аъзолари узининг жойини ижарага бериши мумкин. Бунда ижара хаки томонлар келишуви асосида аникланади. Товар биржалари брокер компанияларисиз нормал фаолият кўрсата олмайди.

Товар биржалари куйидаги вазифаларни бажаради:

- хужалик субъектлари ёки катнашувчи биржа воситачилари уртасида биржа савдоси учун шароит яратиб бериш;
- Биржа савдосини утказиш, товарлар буйича талаб ва таклифни урганиш, зарурият тугилганда воситачи вазифасини бажариш;
- Товарлар баҳосини аниклаш ва уни махсус бюлитенларда чоп этиш;
- Биржа битимларини расмийлаштириш;
- Биржа операцилари буйича торишувларни хал этиш;
- Товар оборотини урганиш, тартибга солиш ва енгиллаштириш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш;

Бозор иктисодиётининг режали шаклланишида биржа фаолиятига бўлган эътибор каттадир. Биржа ёрдамида махсус режани ишлаб чиқиш ва унга ўзгартириш кирита оладиган махсус тизим ишлаб чиқилган бу режали ва хакикий баҳоларнинг келишуви, махсулотга бўлган талаб ва таклифни мослаштиришни таъминлайди.

8.2. Форвард битимлар, фьючерс битимлар ва опционлар.

Товар биржаларида товарларнинг бир шахсдан иккинчисига утиши билан боғлиқ уч услуб мавжуд:

1. Товарни харид килиш ва сотиш.
2. Келажакда товарларни етказиб бериш учун икки томонлама битим тузиш (форвард битим).
3. Биржа битимлари (фьючерслар ва опционлар) харид килиш ва сотиш.

Товарларни биржада савдо килиш одатдаги бозорда олиб бориладиган савдо сингари амалга оширилади. Харидор товарни кургандан кейин, сифати ва бошқа кўрсаткичларига қараб унга баҳо қуйиларди. Бундан ташкари товарларнинг нуманасини ярмаркага ёки улгуржи бозорга қуйиш орқали ҳам савдо қилинади.

Товарларни биржага олиб сотувчи оркали амалга оширилади. Биржада сотилган, сотилиши ва олиб келиниши лозим бўлган товарларни саклаш учун омборхоналар бўлиши керак.

Икки томонлама битимлар тузишда (форвард битим) сотувчи ва харидор махсулотни етказиб бериш бахоси кабул қилиш унинг сифати уни аниқлаш услуби ва бажарилган битимга ҳақ тулаш қоидаси туғрисида мажбурийат оладилар.

Икки томонлама форвард битим истаган товарга тузилиши мумкин. Бозорда бевосита сотиладиган товарга нисбатан чекланиш шундаки шартномада махсулотларнинг стандарт кўрсаткичлари мавжуд бўлади.

Лекин замонавий товар биржалари икки томонлама форвард битимлар тузиш жойи сифатида қам қулланилмоқда бунинг сабаби мавжуд товарлар билан савдо қилиш анча қийин чунки сотувчи товарни биржага ташиб қилиши керак, биржадан харидорга ёки у яшаб турган жойга олиб бориши керак. Бўлар ҳаммаси товарларни етказиб бериш доирасини чеклайди, биржа миқозлари сонини қамайтиради. Бундан ташқари ишлаб чиқарувчидан биржага ундан харидорга етказишга нисбатан анча арзонга тушади. Ва ниҳоят товар ишлаб чиқарилгандан кейин реализация қилиниши мумкин. Қушимча товар ишлаб чиқариш жараёнида бир баҳо ишлаб чиқарилгандан кейин эса бошқа баҳо қўйилиши мумкин. Шунинг учун, товарларни бевосита товар биржаларда сотиш баҳо хавф хатаридан холи эмас.

Энг қўп тарқалган услуб фьючерс ёки шошилиш битимдир. Бу битимнинг мазмуни шундаки товар ишлаб чиқарувчи биржа хизматчиси брокерга ҳали етиштирмаган махсулотини, баъзида экинлмаган экин учун битим тузишда воситачилик қилгани учун маълум миқдор пулни беради. Брокер уз навбатида олинadиган махсулот ҳажмини мулжаллаб, у билан узок муддатли битим тузади.

Товар ишлаб чиқарувчи яхши имконият туғилиши биланок, яъни юқори ҳосил олгандан кейин, ҳосилнинг маълум қисмини узида қолдириб, брокерга ҳам белгиланган улушини беради. Брокер зиён қўрмайди у воситачилиги учун олинган ҳақни олгандан кейин шартномага қўра етиштирилган ҳосилнинг бир қисмини кабул қилади ва тузилаган битим асосида тегишли шахсга ёки ташкилотга махсулотни беради.

Агар ҳосил бўлмай қолса, товар ишлаб чиқарувчи брокерга ҳосилни олиш зарур бўлган воситаларни (уруғлик, машина, угит ва бошқаларни) қайтармайди. Бу ҳолда брокер ютқазади, албатта унчалик эмас қишлоқ хужалик махсулотларининг тахминий ҳажмини аниқлаб энг яхши ва ёмон ҳолатларда энг қўлай иш юритишни олидиндан режалаштиради. Қишлоқ хужалик махсулотларини оз ёки қўп етиштириш мумкин, лекин ҳеч нарса олмаслик ҳолати бўлмайди. Шунингдек, брокер ҳосил қам бўлганда ҳам махсулот олади ва уни юқори баҳода сотиб битим жараёнида сарф қилинган харажатларини қоплаши мумкин. Шундай қилиб, фьючерс

битими катнашчилари бўлажак бозорни баҳолайди ва ишлаб чиқарувчи даромадини (режалаштирилган ва ҳақиқий бҳолар уртасидаги колдик) олишга умид қиланди. Харидор эса сотиб олинган шартномани юкори баҳога сотишга мулжаллаб иш юритади.

Масалан, фермер 50 бош бузокни августда сотиб олиб февраль ойигача бокишни режалаштирди дейлик. Бузокларнинг бир центр тирик вазнинг таннарни тахминан 4 минг сум. Биржада август ойида 1 ц. Мол гушти 4,5 минг сумни ташкил этди. Фермер хар 1 ц. Гуштан 500 сумдан фойда олиш етарли деб ҳисоблайди. Шуда узининг брокери оркали тузган битимда 50 бош тирик бузокларнинг хар бир цент. ни 4,5 минг сумдан баҳолайди.

Айтайлик февраль ойида биржада бузокларнинг тирик вазнига 4 минг сум баҳо белгиланади. Фермер шартномани шу баҳога сотиб олади. Маълумки, у шартномани хар бир центнер гушт ҳисобига 4,5 минг сумдан сотган эди, 4 минг сумдан сотиб олди, биржа унга хар бир центнер гушт учун 500 сумдан ортиқчасини тулади.

Ҳақиқатда фермер бузокларни якин гушт комбинатида сотади ва хар бир центнери учун 4 минг сумдан пул олади. Фермернинг умумий даромади хар бир центнер гушт учун 4500 сумни ташкил қилади фермер дастлаб мулжаллаган баҳога сотади.

Опцион - бу иккала шартнома тузувчилар уртасидаги битим бўлиб улардан бири мукофот олади сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олади бошқаси эса мукофот пулини тулайди ва маълум товарни белгиланган вақт давомида конкрет баҳони сотиш ҳуқуқини олади.

Савдо уйлари.

Улгуржи савдода савдо уйларида таъсир доираси ва аҳмияти катта. Савдо уй шахсий тижорат корхоналарининг янги авлоди бўлиб товар биржаларига нисбатан замонавий маркетинг шароитига қупрок мослашган.

Бу шу билан характерлики товар биржасида савдо сотувчига ҳам, харидорга ҳам огир. Қуп бугинли биржани бошқариш, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар уртасида минимум уч воситачи, яъни брокер - сотувчи, биржа, брокер сотиб олувчи бўлса, савдо уйи товар харакатининг оддий схемасини таклиф этади. Бу ерда товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи уртасида битта воситачи, яъни савдо уйи мавжуд.

Иккинчидан, савдо уйи стандарт бўлмаган товарлар, хар хил озик-овкат маҳсулотлари, кишлок хужалик хом-ашёлари ва бошқа товарлар буйича операциялар бажаришга яхширок мослашган. Йирик тайёрлов ташкилотлари сифатида маҳсулотларни катта ҳажмда қамайтирилган нархда сотиб олиш мумкин.

Биржа савдоси битимларининг эгасизлигига асосланади. Бусиз брокер мижозидан воситачи бўлишни талаб қила олмайди. Шунинг учун товар биржаларида товар ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар билан

бирга тугридан тугри алока килишдан манфаатдор эмас. Савдо уйлари уз акционерларига маълум афзалликларни таклиф этсада улар таъминотчи ва истеъмолчидан ажралиб қилишдан манфаатдор эмас.

Савдо уйлариининг афзалликлари улар чиқарадиган акциянинг паст баҳолиги билан ҳам характерланади. Йирик савдо биржаларининг акциялари 20-30 бробар номинал баҳосига нисбатан юкори бўлади. Савдо уйлари акциялари унча қиммат эмас.

Муҳокама учун саволлар

1. Биржанинг қандай фаолият қуринишлари мавжуд?
2. Биржалар қандай турларга бўлинади?
3. Биржа савдосининг қандай услублари мавжуд?
4. Фьючерс битимлари нима?

Адабиетлар

1. Гольцберг М.А. “Халқаро савдо-сотик”М.”Бином”,2001.
2. Фомичев И. “Халқаро савдо-сотик”,М, 2001.
3. “Иқтисодий шарҳ” №3,1998.

9-МАВЗУ: Халқаро савдода эркин иқтисодий зоналар.

9.1. ЭИЗнинг ташкилий-функционал тизими.

9.2. ЭИЗ тизими.

9.3. Хужалик режими ва ЭИЗ мақсадлари.

9.4. ЭИЗнинг ташкил этилиши ва амал қилиш механизми.

9.1. ЭИЗнинг ташкилий-функционал тизими.

ЭИЗ миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг самарадорлигини оширишда, жаҳон хужалигига интеграциялашувда муҳим роль уйнайди.

ЭИЗнинг ташкил қилиниши ташки иқтисодиёт либерализациялашувидан ва активлашувига қаратилган. Уларнинг иқтисодиети ташки дунёга очиклигининг юксак даражасига эга, божхона, солиқ ва инвестицион режимлар эса ички ва ташки инвестициялар учун қулай шароит яратган.

ЭИЗ купгина мамлакатларда кенг тарқалган. 90-йиллар бошларида бундай зоналардан 1000 таси дунёда амал қилган. Гарб мутахассисларининг фикрича 2000 йилга келиб, жаҳон товар оборотининг 30% и бундай зоналар орқали ўтади. Трансмилий корпорациялар ўз фаолияти учун қулайроқ шароитлар қидиришда бундай зоналарни қўйиб олиниши мумкин бўлган потенциал захира деб қараб чиқишади. Купгина трансмилий корпорациялар кенгайтишининг асосий йўналиши ЭИЗ да ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш деб ҳисоблашади.

ЭИЗ мамлакатнинг қолган иқтисодиёт тизимидан фарқи бўлган мушакил ҳудудий -географик жойдир. Илмий нашриётлар ва халқаро организациялар ҳисоботларида ҳар хил турдаги зоналарнинг характеристикаси учун “эркин иқтисодий зоналар” атамаси қўлланилади. Аммо менинг фикримча ушбу атама ҳодисанинг асл маъносини тулалигича изохламайди. Уларнинг қўйида қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, ришчалар, махсус маъмурий қонунлар аслида маълум бир ҳуқуқий ва ҳужалик режимдан озод қилмайди, балки имтиёзлар яратиш, тадбирқорликни стимуллаштириш билан уни енгиллаштиради ҳолос. Бундан ташқари, купгина ривожланаётган мамлакатлар учун бу зоналар екстерриториал маънода махсус ҳисобланади, зона аҳолисининг ҳаёт савияси ва шароити, ишлаб чиқариш ва кадр потенциалининг концентрациялашуви ва бошқалар. Шу туғайли, бундай зоналарни “ махсус иқтисодий зоналар “ деб айтсак тугрироқ бўлади.

ЭИЗ саноати ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Германия) ҳамда ривожланаётган мамлакатларда амал қилади, “Янги индустриал мамлакатлар” дан бошлаб, нисбатан кам ривожланган мамлакатларда (Шри-Ланка, Гватемала ва х.); бундай зоналар Шарқий

Европа мамлакатларида ҳамда Хитой ва Вьетнамда мавжуддир. МДХ худудида зоналар ташкил килиниши жараени давом этмокда. Улар бир неча квадрат километрдан иборат бўлган худудлардан ҳамда ун юзлаб километрлардан иборат бўлган худудларни уз ичига олади.

9.2. ЭИЗ тизими.

ЭИЗнинг ташкилий- функционал тизими турли кирраларга эгадир. Баъзан у еки бу ЭИЗни синфлаштириш кийин , чунки у купгина зоналарнинг белгиларига эга. Дунеда кенг таркалган ЭИЗдан куйидагиларни ажратиш мумкин.

1.Эркин савдо зоналари.

Эркин савдо зоналари(ЭСЗ) энг куп АКШ да кабўл килинган махсус карорда кузда тутилган, унинг максади савдони куллаб-кувватлаш, савдо операцияларни тезлаштириш, савдо харажатларини камайитириш эди. Конунда айтилганки, хар бир расмий портда энг камида битта мустанкил ташки савдо зонаси ташкил этилиши мумкин. Йирик халкаро аэропортлардаги махсус “Дьюти фри” дуكونлари ЭСЗга киради. Молиявий режим нуқтаи назарига кура, улар давлат чегарасидан ташкарида деб ҳисобланади. ЭСЗга имтиёзли савдо режимларига эга озод портлар киради. Хозирги пайтда дунёда 600дан ортик эркин портлар ва 4000 ЭСЗ мавжуд.

2. Махсус бож зоналари.

Махсус божхона зоналари (МБЗ) энг содда иктисодий зона сифатида экспорт учун мулжалланган чет эл товарларини саклаш, кадоклаш ва кайта ишлаш учун транзит ёки консигнацион омборларини акс эттиради. Бундай зоналар озод божхона худудлари деб аталади. МБЗ товарларни киритиш ва чиқаришга божхона туовларидан озоддир. Улар купгина мамлакатларида мавжуд.

3. Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари.

Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари имтиёзли савдо режими, инвестиция учун катор имтиёзлар саноат ишлаб чиқариш ва махсулот экспортининг ривожланган худудини уз ичига олади. Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти анча кенг таркалган хона тури ҳисобланади.

4. Махсус экспорт кайта ишлаш зоналари.

Ишлаб чиқариш зоналари.

Экспорт кайта ишлаш зоналари (ЭКИЗ) ЮНКТАД маълумотларига кура, миллий божхона худуди доирасидаги, одатда халкаро портларнинг якин атрофида жойлашган, асбоб-ускуна, йигиш компонентлари ва материаллар божхона назоратсиз утадиган зона деб ҳисобланади. Импорт килинадиган махсулотлар ЭКИЗда кайта ишланади, кейин эса кабўл киладиган томоннинг божхона хокимиятининг аралашувисиз экспорт килинади. Махсулот кабўл киладиган томоннинг миллий божхона худудига кирадиган вақтдан ташкари божхона туовларини тулаш талаб килинмайди.

ЭКИЗ импортнинг урнини босувчи саноатдан экспортга мулжалланган саноатга утишни амалга оширувчи катор ривожланаётган мамлакатлар учун характерлидир. Бундай зоналарнинг ижобий таъсирига энг куп янги индустриаллашган мамлакатларда эришилади. Хозирги вақтда дунёда бундай мамлакатларнинг сони 350га етди. ЭКИЗ валюта воситаларини ишлаб топиш мақсадида ташки бозорга мулжаллаб ташкил қилинади.

5. Техник-иктисодий ривожланиш зоналари.

Техник-иктисодий ривожланиш зоналари (ТИРЗ) миллий иктисодиёт учун эффектив, юкори технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилишда намуна сифатида вужудга келтирилади. ТИРЗда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усуллари, ташкил қилиш ва маркетингнинг прогрессив усуллари кенг қулланилади, ҳамда етакчи саноат технологияси ишлаб чиқарилади. ТИРЗ айниқса ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган.

ТИРЗга узининг амал қилиш хусусиятига кура янги ва юкори технологиянинг ривожланиш зоналари яқинроқдир. Бундай янги ва юкори технологиянинг ривожланиш зоналари энг АКШ, Япония ва Хитойда жойлашган. АКШда уларни “технопарклар”, Япония- “технополислар”, бошқа мамлакатларда - бизнес инновация марказлари ва “инкубаторлар” деб номланади. Технопарклар ТИРЗдан фарқли равишда янги ва юкори технология, илм-талаб махсулотларини ривожлантиришга қаратилган. Унда кундалик ва истикбол илмий-амалий муаммоларини, махсулот ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқарадиган кадрлар ва муҳандислар потенциали жамланган.

Дунёдаги энг машхур ва АКШнинг энг йирик “Силикон - Белли” компанияси дунёдаги ҳисоблаш техникаси ва компьютерларни ишлаб чиқаришнинг 20% ташкил қилади. АКШда бундай зоналар жами 80та. Японияда етакчи илмий бўлимларга асосланган 20га яқин технополислар ташкил қилинган. Хитойда эса бундай зоналар 50дан ортиқдир.

6. Комплекс ва куп тармоқли иктисодий зоналар.

Бу зоналар қолган зоналарнинг деярли ҳамма хусусиятларига эга. Масалан, Шэнь-Чжень (ХХР) ЭИЗга эркин савдо зоналари ва технопарк қиради.

7. Очик районлар.

Бўлар хорижий капитални жалб қилиш учун имтиёзли инвестицион режим тузилган ҳудудни уз ичига олади. Хитойда кенг тарқалган “очик зоналар” мамлакат соҳилининг деярли ҳаммасини уз ичига олиб мамлакат ичкарасига ҳам қирмоқда. Бу районларда техник-иктисодий ривожланиш зоналари, технопарклар, экспортга мулжалланган ишлаб чиқариш жамланган.

8. Оффшор зоналар.

Оффшор зоналар (ОЗ) ёки “солик портлари” 70-йилларда вужудга кела бошладилар. ОЗ харидорларни узининг валюта-молиявий режимининг қулайлиги, банк ва тижорат сирлилигининг юкори даражаси,

давлат назоратининг коникарлилиги билан жалб килади. Бундай зоналар энг куп Британия хамкорлиги давлатларида кенг таркалган. Дунёда 30дан ортик мустахкам ва комплекс оффшор фаолиятли марказлар мавжуд. Оффшор компаниялар азалдан амал килаётган давлатларга Панама, Норманн ороллари, Ирландия, Швейцария ва бошкалар киради. Охирги ун йилликда ОЗ Исроил, Мальта ва Малайзияда вужудга келган. ОЗдаги саноат, савдо ва банк компанияларидан соликлар ё умуман олинмайди (Ирландия, Либерия), ёки жуда кам миқдорда олинади. Швейцарияда маълум шароитларда бўлиши мумкин бўлган соликнинг энг кам миқдори ўрнатилган. ОЗ даги имтиёзли режим валюта чегараларининг йуклиги, фойда олиб чиқиш эркинлиги, капиталнинг паст даражаси, чет эл инвестори учун бож туловларининг йуклиги, экстерриторияллиги ва бошкалар билан характерланади. ОЗ ни ташкил килувчи давлатлар учун фойда кушимча чет эл инвестицияларини жалб килиш, даромаднинг купайиши, кушимча иш жойларининг вужудга келишидадир. Бўларнинг хаммаси миллий иктисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Оффшор бизнеси банк, сугурта ишида, денгиз кема транспортида, кучмас мулк билан бўлган операцияларда, траст фаолиятида, экспорт-импорт операцияларининг хамма турларида, консалтингда жамланган.

Мутахассислар ОЗ фаолияти хакида бир фикрда эмаслар. Купларининг фикрича, оффшор марказларда гирром пуллар ювилади ва хар хил турдаги банк хийлалари амалга оширилади.

Россия тадбиркорларнинг купи оффшор ҳисобидаги валютадаги даромадни яшириб, ОЗда оффшор компанияларини ташкил киладилар. Бунинг олдини олиш инвестиция учун имтиёзли режим яратиш ва Россияда валютани саклашни вужудга келтириш билан амалга оширилади. Акс холда, ташки иктисодий алокаларнинг либераллашуви шароитида валюта купайиб борувчи хажмда мамлакат ташкарисига чикиб кетади.

Халкаро ЭИЗ каторига пайдо бўлиши халкаро меҳнат таксимооти ривожланишининг замонавий даражаси, ишлаб чиқаришнинг интернационализациялашуви билан характерланган туман иктисодий зонани киритиш мумкин.

“Тумаган” ЭИЗси Россия, Хитой, КХДР чегараларининг кесишган жойида жойлашган. Бу лойиха 25-30 йилга мулжалланган. ЭИЗда хитой ва корейс саноат корхоналари курилган. Россия бу корхоналарга уз хом ашёсини кайта ишлаш учун юборади. ЭИЗда ишлаб чиқаришни ташкил этган тадбиркорлар куплаб имтиёзларга эга бўладилар. ЭИЗни ташкил килиш лойихасига Хитой, Урта Осиё ва Европадан утувчи темир йули курилриши хам киритилган. Бу йул Европага бўлган масофани анчагина кискартиради.

9.3.Хужалик режими ва ЭИЗ мақсадлари.

Хар хил турдаги ЭИЗларнинг умумий хусусияти бошка давлатлардаги тадбиркорлар учун бўлган режимдан фаркли равишда божхона, молия ва солик имтиёзларини уз ичига олувчи инвестицион

мухитдир. Турли мамлакатларнинг зоналаридаги маъум бир имтиёзларнинг фарқи бор, умуман олганда эса улар бир хилдир.

ЭИЗда амал килувчи энг куп таркалган имтиёзлар куйидагилардир:

- * зонага олиб кирилувчи машина, асбоб-ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришни ташкил килиш учун компонентларга туланадиган турли хил туловлардан тула озодлик;
- * чет эл фирмаларини соликлар тулашдан озод килиш (вактинчалик) ҳамда колган барча соликлар ва туловларни тулашда имтиёзлар яратиш;
- * имтиёзли кредитларни яратиш;
- * бинолар, транспортни имтиёзли тарифлар буйича ижарага бериш;
- * ЭИЗга киришни чет эл инвесторлари учун соддалаштириш ва эркин тадбиркорликни кафолатлаш.

ЭИЗнинг характерли хусусияти ишчи кучини ишлатишни назорат килиш (асосан хизматчиларнинг ижтимоий химоясини чегаралаш, ЭИЗ худудида профсоюзларнинг фаолиятини таъкиклаш, минимал маош ва иш куни давомийлигининг максималлаштиришида иш фаолиятининг тухтатилиши, тадбиркорларни ижтимоий сугурта фондларига туланадиган туловлардан озод килиши ва хоказо). Бундай режим чет эл тадбиркорларининг кушимча фойда олишини таъминлайди.

Кулай инвестицион мухитда нисбатан арзон ишлаб чиқариш омиллари, инвесторлар учун молиявий- маъмурий имтиёзлар мавжуддир.

ЭИЗнинг ташкил килиниши ва амал килишининг жахон тажрибасида жахон бозорига интеграцияни кучайтириш халқаро иктисодий муносабатларни куллаб-куватлаш (эркин савдо зоналари, экспорт учун ишлаб чиқариш, божхона ва бошкалар) учун тузилган зоналар билан бир каторда, маълум бир фаолият ва ишлаб чиқариш тармоқларини куллаб-куватлайдиган махсус режимли зоналар тузилган (колган районларни ривожлантириш зоналари, туристик зоналар, агрополислар ва бошкалар).

Шунинг учун, ЭИЗни ташкил этилиш максадлари бир-биридан фарқ килиш мумкин. АКШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган мамлакатларда, ЭИЗ майда ва урта бизнесни депрессив районларда ривожлантиришга йуналтирилган минтакавий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган. Шу максадда бундай районларда иш юритувчилар учун бошка районлардагига нисбатан купрок молиявий имтиёзлар ва фаолият эркинлиги берилган. Бу программалар чет эл капиталини жалб килиш учун махсус тузилмаган. Худди шу максадда ЭИЗ ривожланаётган мамлакатларда тузилган, натижада колок мамлакатлар динамик ривожланаётган мамлакатларга айланди. Бундай давлатларга Сингапур, Туркия киради. Саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, бу мамлакатларда ЭИЗ чет эл капиталини жалб килиш учун тузилган. Алохида таъкидлаб утиш жоизки, бу давлатларда чет капиталини жалб килиш максади миллий иктисодиётни ривожлантириш эмас, балки жуда куп даромад олиш эди. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар билан ривожланган мамлакатларнинг трансмиллий капитали билан ҳамкорликда кизикишлар паритетини топиш динамик иктисодий ривожланиш учун

мухим шарт бўлиб ҳисобланади. Бунинг ишлатилиши ЭИЗ нинг давлатга чет эл капиталини жалб килишнинг умумий стратегиясига кушилиши осон бўлади.

РАН шаркшунослик институтининг тадқиқотида кура, 26 давлат буйича ЭИЗ га чет эл капиталини жалб килиш учун сарфланган маблағ уртача ҳисобда 4 доллар 1 доллар чет эл инвестициясига тугри келади. Масалан, Хитойдаги 4 та ЭИЗда 80-йилларнинг охирига келиб чет эл инвестициялари 4 млрд.долларни ташкил этди. Айни пайтда узининг бошлангич инвестициялари 22 млрд. доллардан ошган, бу эса 5,5 марта купрокдир. ЭИЗ уйи инфраструктураси давлатнинг марказийлашган воситалари ҳисобига ташкил килинган. Табиийки, бундай харажатлар ЭИЗ узок муддат давомида юкори фойдалилик билан амал килган пайтдагина копланеди.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИЗ умумий хусусиятларига ва ривожланиш даражаларига эга. Биринчидан, махсус худудий бирликлар сифатида улар худудини кенгайтириш, савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятининг масштабини катталаштириш тенденциясига эга. Шу билан бирга, улар инфраструктурасини доимо яхшилаб, ташки дунё билан янада кулай шароитлар яратади. Иккинчидан ЭИЗ бошқарувининг махсус режими чет эл тадбиркорлари учун янада либераллашган ва имтиёзли бўлмокда. ЭИЗ нинг иктисодий интернационаллашуви тенденцияси яккол кузга ташланади. Бўларнинг ичида трансмиллий корпорациялар жойлашмокда. Учинчидан, ЭИЗ фаолиятининг амал килиш жараёнида савдо сотик ва саноатнинг куп кисми амалга ошади. Туртинчидан, замонавий НТР ичида янги ва юкори технологияни ишлаб чиқиш билан боглик бўлган илм-талаб ишлаб чиқариш жамланган ЭИЗга катта ахамият беради.

Гап шундаки, ЭИЗнинг ривожланиши амалга оширилаётган умумий иктисодий ислохатлар доирасида юз беради ва ЭИЗ ривожланишинг катализатори бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг колган худудларга таъсири даражиси анча чегараланган. Саноати мамлакатлар учун бундай таъсирнинг таркалиши масаласи куйилмаган. ЭИЗ нинг ташкил килиниши маълум минтаканинг тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ёки иктисодиётнинг у ёки бу тармогида эътиборни жамлашда катта роль уйнайди. Бундан ташқари, ЭИЗнинг ташкил килиниши сармойани киритиш ва уларни кейинчалик ривожлантириш билан асосланади. Марказлаштирилган ёрдамсиз уларнинг хаёти йук.

ЭИЗнинг муваффақиятли амал килишининг куплаб намуналари билан бирга уларни муваффақиятсиз ташкил килиш хам мавжуд. Шундай килиб, Шри-Ланка, Сенегалда ва бошқа мамлакатлардаги хар хил турдаги ЭИЗ фақатгина муваффақиятсиз бўлиб колмасдан, балки амал килиш томондан тухтатилган. Бундай вазиятнинг асосий сабабларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий
- иктисодий

- ташкилий.

Сиёсий сабаблар мамлакатдаги умумий мувозанатсизлик фукароларнинг хавотири, хаттоки харбий харакатлар билан боглик.

Иктисодий сабабларга инвесторларнинг фикрига кура зонадаги инвестиция режими коидаларининг жуда хам кийин ва чалкашиб кетиши билан боглик. ЭИЗ бошқарувининг бюрократик ташкили, чет эл инвесторини зонада руйхатдан утказиш буйича куплаб нолойик жараёнларнинг амалга ошиши, ёмон тарғибот ва махсус зонанинг афзалликларини ёмон реклама килиш-бўларнинг хаммаси ЭИЗнинг тақдирида уз аксини топади

9.4. ЭИЗнинг ташкил этилиши ва амал килиш механизми.

ЭИЗни Россия ва МДХда ташкил килишнинг асосий вазифаси миллий хужаликларнинг жахон иктисодиетига интеграциялашувидир. Бу зоналарнинг амал килишини лойихалаштириш ва ташкил этиш фаолияти халқаро тажриба ва Европа иктисодий хамкорлиги талабларига асосан амалга оширилади. Айни пайтда лойихалаштирилувчи хар бир ЭИЗнинг хусусияти кузда тутилади. Улар жойлашиши, объектнинг характери, маҳаллий шарт-шароитлар ва минтақа, шаҳар, ҳудуднинг вазифалари билан аниқланади.

ЭИЗни ташкил килишнинг биринчи қадами, бу унинг мақсади ва вазифасини аниқлаш. Қоидага биноан, улар бир-бири билан узвий боглик. Шундай қилиб, комплекс характерга эга зоналарнинг мақсади табиий ресурсларни узлаштиришни тезлатиш ва шу асосда экспорт потенциалини ривожлантириш, энг янги технологияни киритиш йули билан замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор алоқаларини ривожлантиришда тажрибани орттириш ҳисобланади. Кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ЭИЗни ташкил килиниш вазифалари ўрнатилади.

Бундай вазифалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чет эл капиталини жалб қилиш
 - зонани ички иктисодиёт ва жахон бозори уртасидаги богловчи сиффатида ишлатиш
 - янги хужалик ислохотларини ишлаб чиқиш
 - уз ва чет эл тадбиркорларининг хужалик фаолиятини яхшилаш
- учун имтиёзли шароитларни яратиш

ЭИЗни ташкил килиш-кийин жараён. У уз ичига турт босқични олади:

1. Лойихалаштиришдан олдинги давр.
2. Бошлангич давр.
3. Ташкил қилиш даври.
4. Амал қилиш даври.

Бошлангич даврда ЭИЗни ташкил қилиш мулжалланган ҳудуднинг маъмурияти мутахассисларини жалб қилиб, ташкил қилишнинг мақсадини

аниклайди,ЭИЗнинг максадий йуналиши ва тармокли таркиби белгилайди,хамда бошка параметрларни шакллантиради.

Олиб борилган ишларнинг натижаларига асосан ЭИЗни лойихалаштириш карори ва унинг расмий тан олиниши учун керак бўладиган хужжатларни тайёрлаш карори кабўл килинади.

ЭИЗни ташкил килиш хакидаги карор кабўл килингандан кейин унинг амал килишига кириш даври бошланади,яъни асосий элементларининг инфраструктурасини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятининг шартларини аниклаш.Бундан кейин зонанинг амал килиш даври бошланади.

Мухокама учун саволлар

1. Эркин иктисодий зоналар тузишнинг асосий максадлари нима?
2. Эркин иктисодий зоналарнинг кандай шакллари мавжуд?
3. Ўзбекистон Республикасида эркин иктисодий зоналар ташкил килиш истикболлари хакида фикрингиз?

Адабиётлар

- 1.Гончарова О. “Торговёе барьерё на пути к свободной международной торговле” Российский Экономический Журнал №8,2001 г.
2. Балаков П. “Международнёе торговёе отношения и расчётё” . Москва. 2000 г.
3. Пряхин Н. “Международнёе торговёе объединения и организации” Российский Экономический Журнал №2 2001.

**10-мавзу: Халқаро савдода ташқи савдо операцияларини
ташқил қилиш.**

10.1.Ташқи иқтисодий шартномалар. Ташқи савдо олди-сотдилари шартномалари тушунчаси ва унинг шакллари.

10.2.Ташқи иқтисодий шартномаларни субъектлари.

10.3.Олди-сотди шартномаларини ҳуқуқий тузиш ва тартибга солиниши.

10.4.Олди-сотди шартномаларини бажариш.

10.1.Ташқи иқтисодий шартномалар. Ташқи савдо олди-сотдилари шартномалари тушунчаси ва унинг шакллари.

Ташқи иқтисодий шартномаларга пудрат шартномалари, саноат объектлари қуришда техник ёрдам бериш бўйича турли хизматлар кўрсатиш шартномалари, шунингдек ташқи савдо товарлар олди-сотдиси бўйича шартномалар қиради. Қуйида ташқи савдо товарлар олди-сотдиси бўйича шартномалар ҳақида суз боради.

Халқаро товарлар олди-сотдиси бўйича шартномалар ҳақидаги 1980 йилги Вена конференцияси бундай шартномалар деганда тижорат корхоналари турли давлатларда жойлашган томонлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаларини тушунади.

Олди-сотди шартномаларининг турли шакллари мавжуд.

Бир марталик етказиб бериш шартномаси - бир марталик келишув бўлиб, унда маълум кунда, маълум вақт мобайнида, маълум даврда келишилган миқдордаги товар етказиб бериш назарда тутилади. Товар етказиб бериш белгиланган вақт мобайнида бир ёки бир неча марта амалга оширилади. Мажбуриятлар бажарилгандан кейин шартнома амал қилишдан тухтайди.

Бир марталик шартномалар қисқа муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин.

Доимий етказиб бериш шартномалари - шартномада келишилган муддат мобайнида маълум миқдорда доимий равишда товар етказиб беришни назарда тутди. Бунда муддат қисқа муддатли (одатда бир йил) ва узок муддатли (5-10 йил, айрим ҳолларда ундан ҳам купрок) бўлади.

Мажмуа усқуналари етказиб бериш бўйича шартномалар - усқуналар экспорттери ва олувчи-импорттерлар, шунингдек бундай етказиб беришларни тулдиришда қатнашувчи ихтисослашган фирмалар ўртасида алоқа мавжудлигини назарда тутди. Бунда бош етказиб берувчи тулик мажмуа ва ўз вақтида етказиб бериш, шунингдек сифат учун жавоб беради.

Товар учун ҳақ тулаш шаклига қараб пул билан ҳақ тулаш ва тулик ёки қисман товар шаклида ҳақ тулаш шартномалари фарқланади. Пул билан ҳақ тулаш шартномаларида томонлар келишган валюта, шартномада назарда тутилган тулов усуллари (нақд пул, авансли ва кредитли тулов) ва ҳисоб-қитоб шакллари (инкассо, аккредитив, чек, вексель) қулланилади.

Хозирги пайтда аралаш шаклдаги тулов шартномалари кенг таркалган. Масалан, мақсадли кредит шартларида корхонани “калит остида” куришда тулов қисман пулда қисман товар шаклида амалга оширилади.

Бизнинг мамлакатимизда бартер келишувлари - бир товарни бошқа товарга оддий, келишилган миқдорда айирбошлашни назарда тутувчи товар айирбошлаш ва уринни тулдириш келишувлари кенг таркалган. Бу келишувларда ё узаро етказиб бериладиган товарлар миқдори ёки қандай суммага тенг товар етказиб берилиши белгиланади.

Оддий уринни тулдириш келишуви - товар айирбошлаш келишуви каби тенг қийматдаги товарлар етказиб беришни назарда тутади. Аммо товар айирбошлаш келишувидан фарқли равишда оддий уринни тулдириш келишувидан томонлар томонидан нархларнинг узаро келишиб олинishi ҳам қўзда тутилади. Бундай келишувда одатда иккита эмас, бир неча товарлар қўрсатилади.

10.2. Олди-сотди шартномаларининг субъектлари

Халқаро тижорий шартномаларнинг томонлари контрагентлар деб аталади. Халқаро тижорий операцияларининг асосий қисми фирмалар томонидан амалга оширилади. Фирма деганда саноат, савдо, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигида фойда олиш мақсадида хўжалик фаолияти юритувчи корхона тушинилади. Хар бир фирма ўз мамлакатининг савдо рўйхатида рўйхатга олинади. Жаҳон хўжалигида иштирок этувчи корхоналар қуйидагиларга бўлинади: 1)хўжалик фаолияти қурилиши ва амалга ошириладиган операцияларнинг харақерига қўра; 2)хўқуқий ҳолатига қўра; 3)мўлқ қурилишига қўра; 4)миллий капиталга тегишлилигига қўра; 5)фаолият соҳасига қўра.

Биринчи гуруҳга саноат, савдо, транспорт, транспорт-экспедиторлик, сугурта, инжнiring, ижара, туризм, реклама ва бошқа соҳалардаги фирмалар.

Иккинчи гуруҳга шахсий тадбиркорлар ва тадбиркорлар бирлашмалари қиради.

Учинчи гуруҳга хўсўсий, давлат ва кооператив фирмалар қиради.

Туртинчи гуруҳга миллий, хорижий ва қўшма фирмалар қиради.

Бешинчи гуруҳга халқаро соҳада фаолият қўрсатувчи фирмалар - аввало трансмиллий корпорациялар қиради.

Афсўски, ўшбу иш хажми хар бир тушўнча моҳиятини очиб бериш имқонини бермайди.

10.3. Ташки иқтисодий шартномаларнинг хўқуқий тартибга солиниши.

Ташки иқтисодий шартномаларни тартибга солишда минтақавий ва универсал харақтердаги халқаро шартномалар катта роль ўйнайди.

Ташки иқтисодий шартномаларни тартибга солувчм катор халқаро келишўвлар мавжуд. Бу биринчи навбатда “халқаро товарлар олди-сотдиси

хакидаги бир хил конун хакидаги” ва “халқаро товарлар олди-сотдиси тузиш тартиби хакидаги бир хил конун хакидаги” 1964 йилда Гаага конвенциясидир. Бу конвенцияларга кам сонли давлатлар имзо чекканлари учун улар кенг тарқалмаган. Ўзбекистон бу конвенцияга аъзо эмас. БМТнинг 1980 йилдаги халқаро товарлар олди-сотдиси хакидаги конвенцияси (куйида 1980 йилши Вена конвенцияси) катта аҳамиятга эга.

Ушбу конвенция универсал ва келишувчанлик характериға эға чунки унда турли ҳуқуқий тизимларнинг тамойиллари ҳамда ривожланаётган давлатларнинг янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатилишидан мафатдорлиги эътиборға олинган. 1964 йилги Гаага конвенцияси Вена конвенциясига қушилган.

Ташки иқтисодий шартномалар, айниқса, халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тузишда халқаро ананалар катта рол уйнайди. Савдо ҳамкорлари уртасида савдо анъаналари бўйича келишмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун халқаро савдо палатаси 1953 йилда инкотермс тупламини чиқардию Ҳуқуқий нуқтаи назардан “ИНКОТЕРМС” факултатив характерға эға бўлган қоидалар тупламидир. 1990 йилги қоидаға қура ушбу қоидаларға амал қилмоқчи бўлган савдогарлар шартномада буни қўрсатиб утишлари керак.

Олди сотди шартномаларини тузиш.

Шартноманинг таркиби.

Шартномани тузиш иккити асосий босқичдан иборат. Бўлар шартнома тузишни таклиф қилиш (оферта) ва таклифни қабул қилиш (акцепт).

Оферта иккита талабға жавоб бериши керак: у уз ичига таклиф қилинаётган шартноманинг барча муҳим пунктларини олиши ва аниқ шахсға ёки ноаниқ шахсларға йуналтирилган бўлиш керак. Юқоридаги талаблардан бирининг йуқлиги шартнома тузиш хакида таклиф йуқлигини билдиради. Амалда қишиларға оферта бўлмаган мувожатлар учраб туради. Уларни шартнома тузиш бўйича музокарларға таклиф сифатида қараш керак. Бўларға турли реклама ва эълонлар қиради.

Акцепт деганда оферент томонидан таклиф қилинган шартларда адресат томонидан шартнома тузишға розилик тушунилади. Акцепт шартнома тузиш хакидаги таклифи қўрсатилган шартларға жавоб бериши керак. Икки томон экспортёр ва импортёр савдо шартномаси бўйича келишувға қелганларида шартнома тузилган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шартнома тузиш жойи акцепт олинган жой ҳисобланади.

Олди- сотди шартномасининг таркиби.

Ташки савдо шартномалари одатда қуйидаги бўлимларға эға:

1. Томонларни белгилаш
2. Шартноманинг предмети
3. Шартноманинг нархи ва умумий суммаси
4. Товарларни етказиб бериш муддати
5. Тулов шартлари

6. Товарларни кадоклаш
7. Мулк ҳукукининг утиши
8. Сотувчиларнинг кафолатлари
9. Жарима ва зарарни коплаш
10. Форс-мажор
11. Сугурта
12. Арбитраж

Агар шартноманинг предмети машина, ускуналар бўлса шартномада техник шароитлар текширишлар ва кабўл қилиш шартлари каби бўлимлар бўлиши мумкин.

Шартноманинг асосий шартларидан ташқари томонлар узаро ҳуқук ва мажбуриятларни аниқловчи қушимчалар киритишлари мумкин халқаро савдода маълум товарлар олди-сотди бўйича намунали шартномалардан кенг фойдаланилади. Бундай шартномалар қупинча дон маҳсулотлари, шакар, пахта, ёғоч маҳсулотлар ва бошқалар билан савдода қулланилади.

Олди сотди шартномасининг бажарилиши.

Шартномани бажариш деганда кредитор томонидан ҳуқуқларини амаалаг оширилиш ва қарздор томонидан қелишувда қўрсатилган мажбуриятларни бажарилиш тушунилади. Шартномани бажариш асосида ётган бош тамоил мажбуриятларни бажариш тамоили ҳисобланади.

Ташқи савдо олди- сотди шартномасининг бажариш предмети товар ҳисобланади.

Товар етказиб бериш муддати деганда сотувчи товарни олувчи мулкига бериши қерак бўлган вақт тушунилади. Товар бир вақтда ёки қисмларга бўлинган ҳолда етказиб берилиши мумкин. бир вақтда етказиб беришда аниқ вақт белгиланади. Қисмларга бўлиб етказиб беришда етказиб бериш орасидаги муддат белгиланади.

10.4. Олди сотди шартномасининг бажарилишини таъминлаш.

Олди сотди шартномасини бажарилишини таъминлаш мажбуриятни бажаришда муҳим аҳамиятга эга. Шарнома бўйича уз мажбуриятларини бажарган кредиторнинг ҳуқуқлари қарздор томонидан уз мажбуриятларини бажармаслиги туфайли бузилиши мумкин. Бундай ҳолатни олдини олиш учун фуқаролик ҳуқуқида маҳсус қоралар ишлаб чиқилган бу қоралар бажаришни таъминлаш усуллари деб аталади ва уларга қуйидагилар қиради:

1. “неустойка”- қарздор мажбуриятларни бажармаган ҳолда кредиторга тулаши қерак бўлган пул миқдори.
2. “поручительство”- жавоб берувчи бошқа шахснинг кредиториға уша шахс томонидан уз мажбуриятларини бажарилишини қафолатлайди.

3. “Залог” кредитор қарздор томонидан мажбурият бажарилмаганда “залог” га қуйилган мулк қийматидан зарарни қоплаши мумкин.
4. “Задатк”- томонлардан бири бошқасига шартнома тузилганлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш учун берадиган пул суммаси.
5. “Кафолат”- бир томондан банк ташкилоти, бошқа томоннинг қарзларини туланишини таъминлаш учун берилади.

Таъминлаш ва Бажариш усуллари қушимча характерга эга шунинг учун бўлар амалга ошиши учун томонлар учун мажбурий бўлган норматив актларда ёки томонлар тузган ёзма шаклда бўлиши керак. Ташки савдо амалиётида баъзи бир бошқа таъминлаш чоралри ҳам қулланилади:

1. Шартномага эришилгандан кейин нархнинг бир қисмини тулаш шарти. Унинг мохияти шундаки шартномага шундай пункт қушиладики унга мувофиқ олувчи сотувчига туловларнинг асосий қисмини олдиндан бериб қолганини товарнинг ҳаммасини олгандан кейин ва унинг сифатини текширгандан кейин тулайди. Сотувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаганда бу сумма олувчи ихтиёрида қолади.
2. Мулк ҳуқуқини саклаш ҳақидаги суз бунга қура сотувчи олочи томонидан товар қиймати тулик тулангунча унга ҳуқуқини саклаб туради.

Муҳокама учун саволлар

1. Ташки савдо операцияларининг қандай қурунишларини биласиз?
2. Халқаро савдода савдонинг қандай усуллари қулланилади?
3. Қандай шартларда шартнома муқаммал ҳисобланади?
4. Халқаро савдода товар нархининг роли қанақа?
5. Халқаро савдода ҳисоб қитобларнинг қандай шакллари мавжуд?

Адабиётлар

1. Гончарова О. “Торговёе барьерё на пути к свободной международной торговле” Российский Экономический Журнал №8, 2001 г.
2. Балаков П. “Международнёе торговёе отношения и расчёты” . Москва. 2000 г.
3. Пряхин Н. “Международнёе торговёе объединения и организации” Российский Экономический Журнал №2 2001.

ИЗОҲЛИ ЛУГАТ

Худудий ихтисослашув алохида мамлакатлар, мамлакат гуруҳлари ва минтакалар буйича амалга оширилади.

Ихтисослашувнинг асосий турлари:

Буюмли, яъни алохида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув;

Деталли, яъни алохида қисмлар ёки маҳсулотлар бўлақларини ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув;

Технологик, ёки мухлатли, яъни алохида операцияларни амалга ошириш ёки алохида технологик жараёнларни бажаришдаги ихтисослашув, масалан йигиш, бирлаштириш ва х.к.

Кооперация – бу фаолиятлар бирлашувининг мураккаб жараёнидир. У турли қуринишларга ажратилади:

Шакли буйича (иктисодий кооперация, саноат ҳамкорлиги ва б.);

Мухлати буйича (ишлаб чиқаришдан олдинги, ишлаб чиқариш давридаги, тижорат давридаги);

“Неустойка”- қарздор мажбуриятларни бажармаган ҳолда кредиторга тулаши керак бўлган пул миқдори.

“Поручительство”- жавоб берувчи бошқа шахснинг кредитorigа уша шахс томонидан уз мажбуриятларини бажарилишини кафолатлайди.

“Залог” кредитор қарздор томонидан мажбурият бажарилмаганда “залог” га қуйилган мулк қийматидан зарарни қоплаши мумкин.

“Задаток”- томонлардан бири бошқасига шартнома тузилганлиги ва унинг бажарилишини таъминлаш учун берадиган пул суммаси.

“Кафолат”- бир томондан банк ташкилоти, бошқа томоннинг қарзларини туланишини таъминлаш учун берилади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. 2003 йил якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига баъишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.- “Ўзбекистон овози” газетаси, 2004 йил 10 февраль, 16 сони.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони, “Халқ сўзи”, 2005 йил, 15 июнь.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. – Тошкент. “Ўзбекистон” Нашриёт-МАТБАА Ижодий уйи, 2005 й.
4. Герчикова И.Н. "Международное коммерческое дело". Учебник. Изд. 2-е перераб. и допол. М.: Юнити – Дана, 2001 г.
5. Дюмулен И.И. Международная торговля услугами. –М., 2003.
6. Дюмулен И.И. Международная торговля.Тарифное и нетарифное регулирование.М., ВАВТ 2004
7. Данилова Е.В. ВТО: регулирование торговли услугами, М., Академкнига 2003
8. Дюмулен И.И. Всемирная торговая организация, М., Экономика 2003
9. Данильцев А.В. Данилова Е.В.,Медведков М.Ю. Основы торговой политики и правила ВТО.-М., Международные отношения. 2005
10. Тишков В.Н Внешнеторговая политика: тарифное и нетарифное регулирование внешней торговли, учебное пособие, С-Птб. Гос. университет экономики и финансов. 2004.
11. Хлопов А.В Теория международной торговли. 2003.
12. Фомичев В.И Международная торговля, уч. для студентов вузов. 2003
13. Шепенко Р.А Антидемпинговый процесс. 2003
14. Улин Б. Межрегиональная и международная торговля. Пер. с англ. М.: дело, 2004г.

ҚЎШИМЧА АДАБИЕТЛАР.

1. В.П. Астахов. Экспортнўе и импортнўе операции. М.: Инфра-М., 2001г.
2. Данильцев А.В.. Международная торговля. Инструментў регулирования. Учебно-практическое пособие. Изд.2-е перераб. М.: Деловая литература, Палеотип, 2004г.
3. Дегтярёва О.И.,Полянова Т.Н.,Саркисов С.В.. Внешнеэкономическая деятельность. М.: Дело, 2004г
4. Дюмулен И.Н. Всемирная торговая организация. –М.: ЗАО Экономика, 2003.
5. Зенкин И.В. Всемирная торговая организация в схемах. Тест. М., 2003.
6. Калюжанова Н.Я. Конкурентоспособность регионов в условиях глобализации. –М.: ТЕИС, 2003.
7. Карпухина Е.А.. Международнўе стратегические альянсў.М.: Дело и Сервис, 2004 г.
8. Под ред. Смитиенко Б.М.. Международнўе экономические отношения. Учебник. М.: Инфра-М, 2004г.
9. Принципў международнўх коммерческих договоров. М.: Международнўе отношения, 2003г.
10. "Экспортно - импортнўе операции между государствами СНГ", М.: 2001 г.
11. Принципў международнўх коммерческих договоров. – М.: Международнўе отношения, 2003.
12. Устинов И.Н. Мировая торговля: Статистическо - энциклопедический справочник. –М.: ЗАО Экономика, 2002.
13. Нетарифнўе инструментў захитў национального рўнка от недобросовестной конкуренции: Учебное пособие. –М.: РИО РТА, 2001.
14. Смирнов П.С. Национальная безопасность: вопросў торговой политики.–М.: Изд. Дом Экономическая газета, 2001.
15. Юрасов А.В. Электронная коммерция.-М: Дело, 2003.
16. WWW. Gov. UZ;
17. WWW. Ziyo. UZ;
18. WWW. Marketolog. Ru.

И Л О В А Л А Р

Адабиётлар шархи

1. Памбухчиянц О.В. Технология розничной торговли. Учебник. Москва: Издательский дом «Дашков и К», 2000.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига таалукли қуйидаги мавзулар ёритилган:

1. Технология снабжения розничных и оптовых предприятий.
2. Тара и тарнўе операции.
3. Технология приёмки товаров.
 1. Технология хранения и подготовки товара к продаже.
 2. Технология размещения и вўкладки товаров в торговом зале.
 3. Технология продажи товаров.

2. Егоров В.Ф. Организация торговли. Учебник. Москва-Санкт-Петербург: Питер.2004 г.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига тегишли қуйидаги мавзулар ёритилган:

- 1.Торговўе и технологические процессў в торговых предприятиях.
- 2.Оптовўе торговўе структурў.
- 3.Организация тарного хозяйства.
- 4.Организация тарного хозяйства.
- 5.Товарнўе складў в торговле.
- 6.Организация работў на складах.
- 7.Транспортнўе операции.

3. Л.П.Дашков, В.К.Памбухчиянц. Организация, технология и проектирование торговых предприятий. Учебник. Москва: ИВЦ Маркетинг, 2001 г.

Ушбу дарсликда «Савдо жараёнлари технологияси ва уни ташкил этиш» фанига таалукли қуйидаги мавзулар ёритилган:

- 1.Основў построения процесса товародвижения.
- 2.Оптовўе торговўе предприятия, их функции, типў и видў.
- 3.Товарнўе складў, их устройство и планировка.
- 4.Технологическое оборудование складов.
- 5.Тара и тарнўе операции в торговле.
- 6.Организация перевозки товаров.

**Халкаро савдо” фанидан ахборот
технологияни куллаш буйича
тайёрланган материаллар**

Мавзунинг таркибий тузилиши:

Кириш

1. Ташки савдо жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари.
2. Экспортга йуналтирилган ташки савдо сиёсати ва уни давлат томонидан куллаб-қувватлашнинг халқаро тажрибаси.
3. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда экспортёрларни давлат томонидан куллаб-қувватлаш тизимининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш истикболлари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Мавзунинг мақсади:

Айрим мамлакатлар ташқи савдо сиёсатини илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, унинг ижобий томонларини умумлаштириш асосида Ўзбекистонда экспортга йуналтирилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси ва экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш борасида хулосалар бериш.

Мавзунинг вазифалари:

- экспортга йуналтирилган ташки савдо сиёсати ва экспортрларни давлат томонидан куллаб-кувватлаш тизимини шакллантириш заруриятини назарий-услубий жихатдан асослаш;
- экспортёрларни давлат томонидан кууллаб-курватлаш тизимининг халкаро тажрибасини тахлил этиш;
- Ўзбекистонда экспортёрларни давлат томонидан куллаб-кувватлаш тизимининг хозирги ҳолатига танкидий баҳо бериш ва уни такомиллаштириш бўйича хулоса килиш.

**Ривожланган мамлакатларда экспортни
рағбатлантириш тизими ва унинг
асосий шакллари:**

- экспортни кредитлаш;
- экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш (ёки сугурталаш);
- экспортёрларга имтиёзли солиқ механизмини куллаш;
- махсус фондлар доирасида экспорт лойихалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш;
- маъмурий-ҳукукий ва ташкилий чора-тадбирлар оркали куллаб-қувватлаш;
- маҳаллий инвесторларнинг хориждаги инвестиция фаолиятига кумаклашиш;
- капитал қуйилмаларни узок муддатли жойлаштириш;

**Ривожланган мамлакатларда экспортёрларга
кўрсатиладиган
амалий ёрдамлар:**

- дунё микёсида экспорт ва кишлоқ хужалигини куллаб-қувватлаш мақсадида йилига қарийб 500

млрд. АКШ доллари миқдоридаги молиявий маблағлар ажратилади.

- АКШ, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Японияни кушиб ҳисоблаганда бу кўрсаткич 184 1млрд. АКШ долларини ташкил этади.

Хусусан:


1. ЕИда бу кўрсаткич 40 млрд, еврони ёки 52 млрд. АКШ долларини;
2. АКШда 100 млрд. доллар миқдоридаги экспорт субсидиялари ажратилади:
 - 40% кишлок хужалиги экспортёрларини дотациялаш учун;
 - 38% экспорт кредитларини сугурталаш учун сарфланади.

Айрим ривожланган мамлакатлар ЯИМ, экспорти ва импортидаги йиллик ўзгаришлар, (олдинги йилга нисбатан % ҳисобида)

Мамлакатлар:	ЯИМ			ЭКСПОРТ			ИМПОРТ		
	2000	2001	2002	2000	2001	2002	2000	2001	2002
АҚШ									
Германия	4.1	1.2	2.3	9.5	-4.6	-1.2	13.4	-2.7	3.4
Б. Британия	3.0	0.6	0.2	13.2	4.7	2.9	10.0	0.1	-1.3
Франция	3.6	2.6	1.0	13.3	1.1	0.4	15.4	-0.2	0.4
Япония	2.4	-0.5	-0.7	12.4	-6.6	5.5	9.6	-0.6	-1.2
Канада	4.4	1.5	3.3	7.6	-3.7	1.6	8.1	-5.7	0.3
Италия	2.9	1.8	0.4	11.7	0.8	-0.7	9.4	0.2	0.1
Австрия	3.0	1.1	0.7	12.2	5.3	0.1	11.1	4.4	-1.8
Бельгия	4.0	1.3	0.7	9.7	0.7	-0.6	9.7	1.0	-1.1
Люксембург	7.5	4.0	0.1	16.4	4.7	-2.6	13.8	4.7	-1.9

**Экспортёрларни давлат томонидан куллаб-
кувватлашнинг иктисодий
самарадорлиги:**

- **Биринчидан**, давлат инвестиция ва институционал сиёсатининг самарали амалга оширилишига;
- **Иккинчидан**, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторларга нисбатан рағбатларни етарли даражада шакллантирилганлигига;
- **Учинчидан**, экспорт уртача усиш кўрсаткичининг ЯИМ уртача усишига нисбатан тақдосланганда қарийб икки баробарга устуворлигининг таъминланганлигига боғлиқдир.



Ташки савдо айланмаси -Ж-Экспорт —Импорт —
Ташки савдо сальдоси

Калитли сузлар:

Ташки савдо сиёсати, экспорт, импорт, интеграция, валюта сиёсати, эркин савдо, протекционизм миллатлар рақбатбардошлиги, глобализация, халқаро рақобат, экспортга йуналтирилган сиёсат, иқтисодий узиш, экспортни қуллаб-қувватлаш тизими, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, жаҳон савдо тизими, жаҳон бозори, миллий иқтисодиёт, халқаро иқтисослашув, халқаро меҳнат тақсимоти.

10-слайд

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. И.С.Фомичев. Международная торговля. - М.: 1998 г.
2. Гольцберг. Международная торговля. -М.: 1998 г.
3. Е.Ю.Сергеев. МЭО: курс лекций. - М.: 2000 г.
4. Е.З&олевинская, И,Крозе. Мировая экономиками изд.) - Юрист, М.; 2002 г.
5. В.М.Кудров. Мировая экономика: Учебник. -М.:, изд-во БЕК, 2002 г.
6. Алимов Р.А., Бедринцев А.К. и др. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики.-Т.: "Ўзбекистон", 2001.- с. 352.
7. Алимов А. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
8. Bakhtiyor A. Islomov. Once more on "Economic growth puzzle" of UzbekistanFF3КОНОМН4есКое обозрение.- №8-9, 2001.- с. 87-88.
9. Внешнеэкономическая политика и международная политикаFFИнформационный бюллетень МВЭС РУз.- №1, 2001.-с. 17-24.(2 соат)

**Халкаро савдо” фанидан янги педагогик
технологияни куллаш буйича
услубий кўрсатмалар**

Жахон буйлаб савдо-сотик. (Ишбилармонлик уйини)

Кириш

Тарих. Иккинчи Жахон уруши совук уруш каби жахон савдо-сотигига жуда катта талофат етказди. Аммо Япония ва Олмония Иккинчи жахон урушидан сунг жуда тез кайта тикландилар. Хозирги даврда СССР, бошқарган тизим таркибига —кирган мамлакатлар Оврупа ва Жахон бозорларида жуда фаол катнашмоқдалар. Умуман, жахон садо-сотиги 1948 йилдан бошлаб тез кенгая бошлади. Кушма Штатлар жахон савдо-сотигининг кескин ривожланишида катнашдилар, айникса узларининг савдодаги фаолиятларини 1980 йилдан бошлаб жуда кучайтирдилар. Шунга карамасдан жуда куп америкаликлар жахон савдо-сотигига шубха билан карамокдалар.

Масала. Назарияда жахон савдо-сотиги фойдасига далиллар жуда ишонарли келтирилади. Лекин чет эл ракобати туфайли америка заводларидаги ишчилар ишдан бушатилиб ва заводларнинг узини ёпишга тугри келса, мамлакат-фойдасини кузлашнинг энг яхши усули америка корхоналарини химоя килиш эмасми?

Иктисодий тарих. Турли мамлакатларнинг фукарolari бўлган айрим шахслар амалга ошираётган жахон савдо-сотиги «ноль маблаг билан уйин» эмас, яъни бунда бир савдогар хамкор ютказиб, натижада камбагаллашиб, шу вақтнинг узида бошка хамкор ютиб, бойиб кетиши эмас. Ихтиёрий айирбошлаш куламининг ошиши хамма мамлакатлар иктисодиётининг яхшиланишига олиб келади, яъни купрок махсулот ишлаб чиқарилиб ва камчилилик билан хизмат кўрсатилади.

Тушунчалар

Ихтиёрий айирбошлаш

Фойдалилик

Максадлар

*Айирбошлашнинг иштирокчилари узлари бахолаётган ихтиёрий айирбошлашнинг шахсий крникишга шахсий таъсирини тахдид килиш.

* Сабабларини ва фаолият натижаларини айирбошлашни моделлаштирувчи машқда тушунтириш учун таҳлилнинг иқтисодий тамойилларидан фойдаланиш.

* Бозор хажмининг айирбошлаш жараёнига таъсирини баҳолаш.

Дарснинг баёни

Аввал катнашчилар уқитувчилари уларга тақдим этган кичкинагина совгадан олган узларининг шахсий мамнунликларига баҳо берадилар. Сунгра улар икки раунддан иборат айирбошлаш уйин-моделлида иштирок этадилар. Улар ҳар раунддан сунг, айирбошлаш натижасида узларига мулк бўлиб утаётган буюмлардан олаётган мамнунликларини қайтадан баҳолайдилар. Уйиндан сунг, улар узларининг ҳатти-ҳаракатларини турли мамлакатлар аҳолиси орасида бўладиган савдо жараёни билан солиштирадилар.

Талаб қилинадиган вақт

* Битта дарс

* Материаллар

Ҳар бир катнашувчи учун биттадан катта бўлмаган арзон совга (кадокланган мева шарбати, совун, бодрок - поп корн), улар уралган бўлишлари ёки қуринтирмайдиган халталарга солинган бўлишлари керак. Совгали халталарни гуруҳдарнинг номерига қараб белгиланг. Ҳар бир гуруҳни турли-туман, бир-биридан фарқ қилувчи буюмлар билан таъминлашга ҳаракат қилинг.

Дарсни олиб бориш тартиби

Буюк Тушқунлик ва Иккинчи Жаҳон уруши жаҳон савдо-сотиғини деярли икки ун йилликка тухтатиб қуйганини тушунтиринг. Савдо-сотик ҳажми Иккинчи Жаҳон урушидан сунг тез суръатлар билан уса бошлади. Шу дарс давомида биз урушдан сунги даврда савдо-сотик ҳажми тез суръатларда маълумотларни сизнинг ёрдамчингизга беришлари керак. Аввалги берган баҳоларини фақат айирбошлашда катнашганлар ўзгартиришлари мумкин.

9. Фойдалиликни баҳолаш натижаларини эълон қилинг.

Мисол:

Айирбошлашсиз	1-айирбошлаш	2-айирбошлаш			
Ҳаммаси бўлиб	Уртача	Ҳаммаси бўлиб	Уртача	Ҳаммаси бўлиб	Уртача
60	2	90	3	120	4

Нега ракамлар ошганини тушунтириб беришларини катнашчилардан суранг. (Катнашчилар арзон деб бахолаган буюмларини киммат деб бахолаган буюмларига алмашганлар. Бутун синф билан алмашишга имкон яратилганда алмашиш шартлари яхшиланади. Аввал таркатилган буюмлар узлигича колгани холда, буюмларни юкорирок бахолайдиганлар ихтиёрига утганига эътибор беринг. Буюмлар кийматини юкорирок бахоловчи шахслар ихтиёрига утишига шароит -яратилганлиги, ихтиёрий алмашишдан мамнунлик хосил бўлиши даражасини ошйшига имкон беради).

Нима учун хар бир янги раунд хам уртача, хам умумий мамнунлик даражасини ошишига олиб келди? (Алмашишнинг хар бир раунди катнашчиларига савдо-сотикнинг янги имкониятларини тадқиқ. қилишга йул берди, бу эса уз навбатида янги буюмни топиш имкониятини оширди, бу катнашчиларнинг қониқиш даражасини ошйшига сабаб бўлди).

Алмашиш натижаларидан катнашчиларнинг ҳаммалари хам тулик мамнуният хосил қилишдими? (Эхтимол йук уларнинг баъзилари узлари хоҳлаган алмашувни амалга ошира, олмаганлар, бошқалари янглишиб керак буюм урнига, узлари хоҳламаган буюмга алмашган бўлишлари мумкин, учинчилари эгаси беришга рози бўлмаган буюмни олишни хоҳлаган бўлишлари мумкин. Урта ҳисобда гуруҳдагиларнинг барчаси мамнуният даражасини оширдилар, аммо баъзи катнашчилар ютмай хам колган бўлишлари мумкин. Айирбошлаш ҳамма хам уз мамнуният даражасини оширади ёки ошишини кафолатлайди дегани эмас.)

Энди уз тахминингизни айтинг - хаётда одамлар, хақиқий алмашишда катнашувчилар янги имкониятларга, ушбу машқда катнашганлар каби муносабат билдирадиларми? Агар шундай бўлса Иккинчи Жахон урушининг тугаши жахон савдо-сотигига қай тарзда таъсир қилди? Нима учун? (Урушнинг аралашувисиз [алмашув жараёнини қичкинагина гуруҳ ичида бўлганини бутун синф доирасида бўлган алмашув билан солиштиринг], ихтиёрий савдо-сотикда одамларга анча катта доирада ва куп мамлакатлар орасида катнашиш анча енгил. Бундай савдо-сотик ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, алмашув вариантларининг сонини оширади, бўлар орасида истеъмолчилар узларининг

коникиш даражаларини оширишга бўлган интилишда танлаш имкониятига эга бўладилар).

ХУЛОСА

1990 йилларнинг бошида АКШ, Канада, Мексика ҳукуматларининг вакиллари эркин савдо бўйича уч давлат орасида савдо-сотикни таъкикловчи ёки чеклаб қуювчи купдан-куп қонунларни таъкикклаши мумкин бўладиган ҳужжатлар қабул қилишга ҳаракат қилдилар. Оврупа мамлакатлари ҳам худди шундай қилдилар, яъни Овруяда эркин савдо минтақасини-Оврупа жамияти (ЕС) ни ташкил қилдилар. Бу музокараларнинг мақсади қанака эди? Сиз нима деб уйлайсиз, бу мамлакатларнинг ҳамма фуқаролари ҳам эркин савдо ҳақидаги бу ҳужжатларни қўллайдиларми? (Бу ҳужжатларнинг мақсади турли мамлакатларнинг аҳолиси ўртасида ўзаро ихтиёрий алмашишни рағбатлантириш ва шу мамлакатлар аҳолисининг талабларини қондириш даражасини ошириш эди).